



ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL

8 декабрь

**Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси куни**



“ODILLIK MEZONI”

илмий-амалий, ҳуқуқий журнал

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Судьялар
олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактаби

Ҳамкорлар

Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши,
Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси

ТАҲРИР КЕНГАШИ

Холмўмин ЁДГОРОВ
Убайдулла МИНГБОЕВ
Ҳожимурод ИСОҚОВ
Дилшод ИСРОИЛОВ
Дилшод АРИПОВ
Комил СИНДАРОВ
Худойкул АЗИЗОВ
Илҳом НАСРИЕВ
Малика ҚАЛАНДАРОВА
Собир ХОЛБАЕВ

Бош муҳаррир

Арслон ЭШМУРДОВ

Навбатчи муҳаррир

Ҳамроқул ҚАРИШИЕВ

Саҳифаловчи дизайнер

Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация
комиссияси Раёсатининг 2019 йил 31 январ-
даги 261/8 сон қарори билан юридик фанлар
бўйича диссертациялар асосий илмий нати-
жаларини чоп этиш тавсия этилган илмий
нашрлар рўйхатига киритилган.

Манзил: 100097, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-уй

Электрон манзил:
odillikmezoni2019@umail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва
ахборот агентлигидан 2019 йил 27 августда
0972-рақам билан қайта рўйхатдан ўтган.

Обуна индекси: 1317

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.

Журналда эълон қилинган материаллардан
фойдаланилганда манба қайд этилиши керак.

Босишга 25.12.2024 да рухсат берилди.

Бичими 60x84 13/8, 8 босма табак.

Буюртма № 3. Адади 1330.

Баҳоси келишилган нархда.

“ATLAS PRINT MEDIA” МЧЖ

босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили:

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани,
Дархан, Ипак берк кўчаси, 35-уй

МУНДАРИЖА

КУН МАВЗУСИ

4

МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИДА АЁЛЛАР МЕҲНАТИНИ
ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

6

КОНСТИТУЦИЯ – ТЕНГЛИК ВА ИЖТИМОИЙ
АДОЛАТ КАФОЛАТИ

МУНОСАБАТ

7

АЛ-ХОРАЗМИЙ МЕРОСИ – РАҚАМЛИ ҲУҚУҚ
ПОЙДЕВОРИ

8

РАҚАМЛИ ДУНЁ

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ТИЗИМЛАРИДА ФОРС-
МАЖОР ҲОЛАТИНИНГ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ
ХУСУСИЯТЛАРИ

10

АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ
ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

12

ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ

ЎҒИРЛИК ЖИНОЯТИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ
БОРАСИДА ЎЗБЕКИСТОН ВА ХОРИЖИЙ
ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ

МУШОҲАДА

14

ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ СОҲАСИДА
КОРРУПЦИЯНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ САБАБЛАРИ

16

МУЛОҲАЗА

ЖАВОБГАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ
ҲИМОЯ ҚИЛИШ: ЭЪТИРОЗ ВА ҚАРШИ ДАЪВО

МУТАХАССИС МУЛОҲАЗАСИ

18

ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТЛАРДА ОДИЛ СУДЛОВ
ҲУҚУҚИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

20

ИБРАТЛИ УМР СОҲИБЛАРИ

ЧИН ИНСОН, ЮКСАК САЛОҲИЯТЛИ ОЛИМ

21

АДОЛАТГА БАХШИДА УМР

22

СУДЬЯ МИНБАРИ

СИНГАПУРДА МЕДИАЦИЯ

23

СУДЬЯЛАРНИНГ ХУЛҚУ ОДОБИ АДОЛАТ
ПОЙДЕВОРИ

24

ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС
ХУСУСИЯТЛАРИ

25

АЁЛЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИ:
МУАММО, ТАЖРИБА, ЕЧИМ

ТАДҚИҚОТ

26

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИНГ УЙ-ЖОЙГА
БЎЛГАН ХУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ
ЮЗАСИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИ

28

ЎЗБЕКИСТОНДА ЭКОЛОГИК СУДЛАРНИ
ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

30

СУД ИШЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШГА АРАЛАШИШНИНГ
СУБЪЕКТИВ БЕЛГИЛАРИГА ОИД МУЛОҲАЗАЛАР

32

ЙИФИЛИШ ҚАРОРЛАРИНИ ҚАБУЛ
ҚИЛИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИНИНГ
ХУҚУҚИЙ ТАБИАТИ

34

МУАЛЛИФЛИК ХУҚУҚИНИ
ЧЕКЛАШНИНГ ҚОНУНИЙ АСОСЛАРИ

36

СУД ҲОКИМИЯТИНИНГ ИЛМИЙ
ТАСНИФИ ВА ТУЗИЛИШИ

38

ФУҚАРОЛИК – ХУҚУҚИЙ ШАРТНОМАЛАРДА
“ЗАИФ ТОМОН” ТУШУНЧАСИ ВА БЕЛГИЛАРИ

40

НИЗОЛАРНИ СУДГАЧА ҲАЛ ҚИЛИШНИНГ
КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

42

КОРРУПЦИЯВИЙ ЖИНОЯТЛАРНИНГ
ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ТАВСИФИ

44

ТУРДОШ ХУҚУҚЛАРНИНГ ТАРИХИ ВА
ҚОНУНЧИЛИҚДА МУСТАҲКАМЛАНИШИ

46

СУД ВА БОШҚА ОРГАНЛАР
ХУЖЖАТЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШДАГИ
МАВЖУД МУАММОЛАР ХУСУСИДА

47

ТРАНСПОРТ ВОСИТАСИДАН СОДИР
ЭТИЛАДИГАН ЎФРИЛИК ЖИНОЯТИНИ
ФОШ ЭТИШНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

ТИНГЛОВЧИ МИНБАРИ

48

СУД ИШЛАРИДА СУНЪИЙ ИДРОКНИ
Қўллаш ва ҳуқуқий тартибга
солиш бўйича айрим мулоҳазалар

50

ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДА
ЖИНОЯТЛАРНИ ТАСНИФЛАШНИНГ
ХУҚУҚИЙ АҲАМИЯТИ

52

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ
ДАВР ТАЛАБИ

АДМИНИСТРАТИВНАЯ РЕФОРМА

53

КОНСТИТУЦИОННЫЕ ГАРАНТИИ
РАЗВИТИЯ АДМИНИСТРАТИВНЫХ
ПРОЦЕДУР В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

56

ТЕМА ДНЯ

КИБЕРПРЕСТУПНОСТЬ И ЕЕ
ОСОБЕННОСТИ

СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ

58

НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ ПРАВОВЫХ
ОСНОВ ЗАЩИТЫ ТОВАРНЫХ ЗНАКОВ В
МЕЖДУНАРОДНОЙ ПРАКТИКЕ

60

IMPORTANT TOPIC

PROBLEMS OF ENSURING A BALANCE
BETWEEN THE INTERESTS OF THE STATE
AND INVESTORS IN INTERNATIONAL
PUBLIC LAW

ANALYSES

62

MAIN DIRECTIONS FOR COMBATING DRUG
SMUGGLING

МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИДА АЁЛЛАР МЕҲНАТИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мақолада меҳнат муносабатларида аёллар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусиятлари илмий-амалий жиҳатдан таҳлил этилган. Муаллиф бу борада хорижда ва мамлакатимизда амалга оширилётган ислохотлар, уларнинг натижаси мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этишга оид миллий қонунчиликни такомиллаштиришга оид таклифларни илгари сурган.

Калит сўзлар: Аёлларнинг таълим олиши, аёллар меҳнати, ҳуқуқий тартибга солиш, давлат назорати, жамоатчилик назорати, иш берувчи, ҳуқуқ, манфаат, зарар, коллизия норма.

Бугунги кунда мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, меҳнат ҳуқуқини кафолатлаш ва аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, жамиятда қадрини кўтариш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда ва бу ўзгаришларни конституциявий ислохотларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Конституциявий ўзгаришлар, биринчи навбатда, жамиятнинг турли ижтимоий қатламлари фуқароларнинг шахсий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ва экологик ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини кафолатлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган тўғридан-тўғри ҳаракат нормаларига айланди.

Мамлакатимизда аёлларнинг меҳнат қилишга бўлган конституциявий ҳуқуқини таъминлаш, бу борадаги қонунчиликни такомиллаштириш, аёлларнинг меҳнат ҳуқуқларини халқаро меҳнат ташкилоти стандартларига мувофиқлаштириш, уларнинг мазкур соҳада бузилган ҳуқуқларини тиклаш, ҳомиладорлиги ёки фарзанди борлиги билан боғлиқ сабабларга кўра ишга қабул қилишни рад этишнинг олдини олиш, уларга иш ҳақи, иш вақтини белгилаш, дам олиш ва танафуслар, таътиллار ҳамда қўшимча дам олиш кунларини беришда қонунчилик талабларига риоя этиш, шунингдек улар билан меҳнат шартномани бекор қилиш чоғида бериладиган кафолатлар ва уларни қўллаш тартибига оид янги механизмлар жорий қилинди.

Жорий этилган янги механизмлар натижаси ўлароқ аёлларнинг эркин касб танлаш ва адолатли меҳнат шароитларида ишлашини таъминлаш, мажбурий меҳнат, хусусан, болалар меҳнати билан боғлиқ муаммолар мавжудлиги очиқ тан олиниб, уларни бартараф этиш, «Ешлар дафтари», «Аёллар дафтари», «Темир дафтар»га киритилган шахсларнинг бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш, ушбу соҳадаги давлат бошқарувини такомиллаштириш, касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, аёлларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг таъсирчан ҳуқуқий механизмларини яратишга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, мамлакатимизда кейинги йилларда 872 мингдан зиёд хотин-қизларнинг бандлиги таъминланиб, 233 мингдан кўпроқ аёлларга 4 триллион 700 миллиард сўм кредит ажратилди. 252 мингдан ортиқ опа-сингилларимиз меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касб-хунарлар ва тадбиркорликка ўқитилди.

Шунингдек, ҳозирги вақтда юртимизда фидокорона меҳнат қилаётган ҳурматли аёлларимизнинг улуши тиббиётда – 77 фоизни, таълим соҳасида – 74 фоизни, иқтисодиёт ва саноат тармоқларида эса 46 фоизни ташкил этаётганлиги, «Ўзбекистон-2030» стратегияси доирасида хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, гендер тенгликни қарор топтириш, аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланганлиги, аёлларга бўлган эътибор намунаси билан бирга уларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш масаласининг ҳам нечоғли долзарблигини кўрсатади.

Халқаро таҳлилчиларнинг ҳисоботларига кўра аёлларнинг меҳнат муносабатларида иштироки, уларнинг ишчи кучи сифатида ҳуқуқлари-

нинг таъминланиши нафақат гендер тенгликка эришишга балки, бутун дунё ЯИМга нисбатан даромадлар улуши 2025 йилга келиб 12 триллион АҚШ доллари миқдорида ортишига, айрим мамлакатларда бу кўрсаткич масалан, АҚШ да 5 фоизга, Японияда 9 фоизга, БААда 12 фоизга, Мисрда эса 34 фоизга ортиши мумкинлигини таъкидлашади.

Мамлакатимизда мазкур соҳада амалга оширилётган ислохотларнинг узвий давоми сифатида 2023 йил 30 апрелда Ўзбекистон Республикасининг янги Меҳнат кодекси амалга киритилиб, унда меҳнатни муҳофаза қилиш, айрим тоифадаги ишчилар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари, аёллар ва oilaviy мажбуриятлар билан шуғулланувчи шахслар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари, аёллар меҳнатини муҳофаза қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирларга оид кўплаб янги нормалар ўз аксини тоди.

Аёллар меҳнатини тартибга солишнинг хусусиятларидан яна бири айрим турдаги ишларга аёлларни қабул қилиш бўйича тақиқлар ва чекловларнинг ўрнатилганлигидир. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 393-модда. Аёллар меҳнатини муҳофаза қилиш бўйича қўшимча чоралар белгиланган бўлиб, иш берувчи касаба уюшма кўмитаси билан келишувга кўра, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссияси билан келишувга кўра тасдиқланадиган тавсияларни инобатга олиб, ноқулай меҳнат шароитларига эга бўлган, аёлларнинг меҳнатидан фойдаланиш чекланадиган айрим ишлар рўйхатини белгилашга ҳақли. Аёллар томонидан улар учун йўл қўйиладиган энг кўп нормадан ортиқ бўлган оғир юкларни кўтариш ва ташиш тақиқланади.

Аёлларнинг оғир юкларни кўтариши ва ташиши чоғида улар учун йўл қўйиладиган энг кўп юкламалар Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссияси билан келишилган ҳолда белгиланади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги ПҚ-4235-сонли қарорида 2019 йил 1 майдан аёллар меҳнатини муайян соҳа ёки касбларда қўллаш бўйича тақиқларни бекор қилиш, тавсиявий характердаги аёллар соғлиғига салбий таъсир этиши мумкин бўлган соҳа ёки касблар рўйхати тасдиқлашни амалга ошириш белгилаб қўйилди.

Таъкидлаш жоизки, эндиликда тавсиявий характердаги аёллар соғлиғига салбий таъсир этиши мумкин бўлган соҳа ёки касблар рўйхати тасдиқланиб, ушбу соҳа ва касбларда аёллар ўз хоҳишларига кўра ишлашлари мумкин бўлади. Бу эса касб фаолиятини амалга оширишда аёлларга меҳнат соҳасида тенгликнинг таъминланишига хизмат қилади. Бироқ, шунга қарамаздан бизнинг фикримизча Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 25-бобининг биринчи параграфида ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар меҳнатидан фойдаланишга тақиқ қўйилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки, мазкур рўйхатдаги

ишлар ўзида меҳнат шароити ноқулай бўлганлиги сабабли уларни қўшимча муҳофаза қилишни талаб қилади.

Амалиёт ходимларининг берган тушунтиришига кўра аёллар меҳнатини тартибга солишининг хусусияти сифатида аввало уларнинг алоҳида тоифаларга масалан, ишга қабул қилиш, иш вақтини белгилаш, дам олиш ва таътиллار каби турларга бўлиниши бўлса, иккинчидан меҳнат фаолиятини олиб бораётган аёлларнинг ҳам масалан, ёш болали, кўп болали, ногиронлиги бўлган болани парваришлаётган аёл каби субъектларга ажратиб олиш зарурлиги билан белгиланади.

Бизнингча ҳам аёлларнинг меҳнат соҳасида ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашнинг мураккаблиги куйидагиларда намоён бўлади:

биринчидан, аёллар меҳнати, умуман меҳнат муносабатларига оид халқаро ҳужжатларнинг кенг қамровлиги ва қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ халқаро шартномалар устиворлигининг тан олинганлиги;

иккинчидан, аёллар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солиш устидан давлат назорати ва жамоатчилик назоратини таъминлаш жараёнида иш берувчининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказмаслик;

учинчидан, аёллар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишга ваколатли давлат бошқаруви органларининг бу борадаги ваколатлари чегараси аниқлаштирилмаган;

тўртинчидан, норматив ҳуқуқий ҳужжатлар орасидаги бўшлиқлар ва оқ доғлар, коллизия нормаларнинг мавжудлиги, қонуности ҳужжатларининг миллий қонунга, миллий қонунчиликнинг эса халқаро қонунчиликка нисбатан фарқ қилиши, одатда бу миллий ҳуқуқ ижодкорлари томонидан ҳуқуқни айланиб ўтиш шаклида намоён бўлади;

бешинчидан, бу борадаги ҳуқуқбузарликларни аниқлашнинг миллий ҳамда халқаро автоматлаштирилган тизимининг мавжуд эмасли, мурожаатлар ҳалигача озғаси ва ёзма тарзда индивидуал юборилаётганлиги билан боғлиқдир.

Меҳнат муносабатларида инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг бошқа соҳалардагига қараганда яна бир муҳим хусусияти борки, у ҳам бўлса, меҳнат қонунчилигининг алоҳида институтларини такомиллаштириш орқали ҳам мавжуд бўлган муаммоларни бартараф этиш имконини беради, масалан, иш вақти, таътиллари, танаффуслар, масофавий ишлашни ташкил қилиш каби.

Меҳнат муносабатларида аёлларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлашда меҳнат кодексининг алоҳида меҳнат шартномаси, кафолатли тўловлар, интизомий жазолар, ходимни ишдан четлатиш, ишлаб чиқариш таълими шартномаси, ишга жойлаштириш, ўриндошлик асосида ишловчи шахсларнинг меҳнатини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари, вахта усулида ишлаш, меҳнат низоларини кўриб чиқиш каби институтларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Бу борадаги миллий қонунчилигимиздаги яъни меҳнат кодексимиздаги айрим бахсли нормаларга тўхталиб ўтамиз.

Меҳнат кодексининг 161-моддасида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш асослари белгиланган. Ушбу модданинг иккинчи қисми иккинчи бандига мувофиқ технологиянинг, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг ўзгариши, ишлар (маҳсулот, хизматлар) ҳажмининг қисқариши билан боғлиқ бўлган ташкилот (унинг алоҳида бўлиниши), яъни тартибдаги тадбиркор ходимлари сонининг ёки штатининг ўзгарганлиги меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилишга асос бўлади.

Мазкур асосга кўра меҳнат шартномани бекор қилишга оид бир қанча талаблар мавжуд, жумладан, меҳнат кодексининг 164-моддасида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилишга сабаб уюшмаси қўмитаси билан келишиб олиш тартиби белгиланган. Ушбу модданинг учинчи қисмига мувофиқ сабаб уюшмаси қўмитаси

ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишга розилиги масаласи бўйича қабул қилинган қарор ҳақида меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахснинг ёзма тақдимномаси олинган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда иш берувчига хабар қилиши керак. Агар кўрсатилган муддат тугаганидан кейин сабаб уюшмаси қўмитаси қабул қилинган қарор ҳақида хабар қилмаса, иш берувчи ходим билан тузилган меҳнат шартномасини ушбу Кодексда белгиланган тартибда сабаб уюшмаси қўмитасининг розилигисиз бекор қилишга ҳақли.

Бирок, фикримизча ушбу янги механизмнинг ижобий ҳиқатлари билан бирга келажақда ўзига хос муаммоларни ҳам вужудга келтириши мумкин. Яъни, бошланғич сабаб уюшма қўмитаси раҳбари касал бўлиб қолиши ёки сайланган сабаб уюшма қўмиталаридан бир нечтаси бўлмаслиги сабабли қворийумнинг йиғилмаслиги ёки қорхона раҳбари ва сабаб уюшма қўмитаси раҳбарининг ўзаро келишуви билан тақдимнома сабаб уюшма аъзоларига маълум қилинмаслиги каби ҳолатлар назарда тутилмаганлиги келгусида иш берувчи ва ходимларнинг манфаатларига зарар етказиши мумкин.

Фикримизча, янги МКнинг 164-моддаси учинчи қисми куйидаги мазмундаги қўшимча билан тўлдирилса, келажақда асоссиз равишда меҳнат шартномасини бекор қилиш ва ишга тиклаш тўғрисидаги низоларнинг вужудга келишининг олди олинган бўлар эди:

“Агар кўрсатилган муддат тугаганидан кейин сабаб уюшмаси қўмитаси қабул қилинган қарор ҳақида хабар қилмаса, иш берувчи ходим билан тузилган меҳнат шартномасини ушбу Кодексда белгиланган тартибда сабаб уюшмаси қўмитасининг розилигисиз бекор қилишга ҳақли, ушбу муддат узрли сабаблар билан ўтказиб юборилган ҳолатлар бундан мустасно.”

Шунингдек, Меҳнат кодексининг 161-моддаси иккинчи қисми иккинчи бандига мувофиқ меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилишда албатта ходим қонунчиликда белгиланган муддатларда огоҳлантирилиши ва унга ишдан бўшатиш нафақаси тўланиши, огоҳлантириш муддатлари ходимнинг хоҳишига кўра пуллик компенсациялар билан алмаштирилиши лозим.

Мазкур ҳолатларда муаммо шундаки, қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ штатларнинг бир қисми қисқартирилиши ҳолатлари ҳам учраб туради. Аксарият ҳолларда бу мактабгача ва умумий таълим муассалари фаолиятида кўпроқ учрайди. Шундай ҳолда, яъни ходим ишлаб турган штат бирлигининг ярми қисқартиришга турса ходимга меҳнат кодексига назарда тутилган кафолатларни берилиш тартибига ойдинлик киритилмаган ва бу ўз ўрнида ваколатли органлар ва назорат қилувчи органлар фаолиятида ҳам ноаниқлиқни вужудга келтирмоқда ҳамда инсон ҳуқуқларини, шунингдек педагог ходимлар айниқса аёлларнинг ҳуқуқларини таъминлашда мураккаблик келтириб чиқаради.

Бизнингча, меҳнат кодексининг юқорида назарда тутилган кафолатлар билан боғлиқ қисмида ёки Олий суднинг пленум қарориди мазкур ҳолатга ойдинлик киритилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Бунёдҷон ЭШОНҚУЛОВ,

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси мустақил изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Раҳмонова. У. Аёл бахтли бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият барқарор / <https://parliament.gov.uz/oz/articles/1544>
2. Мамлакатимиз хотин-қизлари учун муносиб шароит яратиб бериш – доимо эътиборимиз марказида. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. <https://president.uz/uz/lists/view/6013>.
3. Tackling Legal Impediments to Women's Economic Empowerment. 2022 International Monetary Fund. Downloads/wpiea2022037-print.pdf.pdf.
4. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.03.2019 й., 07/19/4235/2727-сон.
5. Прокуратура разъясняет. 2020 г. <https://gorodaldan.ru/prokuratura-razyasnaet-13>.

КОНСТИТУЦИЯ – ТЕНГЛИК ВА ИЖТИМОЙ АДОЛАТ КАФОЛАТИ!

Ҳар қандай давлатнинг демократик бошқарувидаги асосий мезон бу – фуқароларга берилган ҳуқуқлар ва эркинликларнинг қанчалик даражада кафолатланганлигидир. Конституция инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, шахснинг жамиятда тутган ўрни, давлат муносабатларини белгилайдиган ҳуқуқий ҳужжатларнинг асоси ҳисобланади.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг давлат томонидан кафолатланишида кенг кўламда ҳуқуқ ва эркинликларни эълон қилиш, фуқаролар тенглигини тан олиш билан давлат одамларни ҳаёт кечириш воситалари манбалари билан тўла таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олмайди. Бунда давлатнинг асосий вазифаси – инсонлар ўз қобилят ва эҳтиёжларини тўла намоеъ қилишлари ва амалга оширишлари учун зарур бўлган дастлабки кенг имкониятларни ва жараёнларни вужудга келтирадиган ҳуқуқий механизмни яратиб беришдан иборат.

Бундай берилган ҳуқуқ ва эркинликлардан кишилар давлат, жамият ва бошқаларнинг ҳуқуқларини бузиш эвазига ўз мақсадларида фойдаланишларига йўл қўйилмайди.

Асосий қонунда энг муҳим масала бу инсон ҳуқуқи, эркинлиги ва бурчлари масаласидир. Конституция ўзбек қонунчилиги тарихида тўлиқ маънода барча демократик тамойилларга биноан инсонни улуғлаш, унинг ҳақ-ҳуқуқларини кафолатлашдек улуғвор аҳамият касб этувчи масалани ҳал этади.

Асосий Қонунимизнинг иккинчи бўлими инсон ва фуқаронинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларига бағишланган бўлиб, унда умумий қоидалар қатъий белгилаб қўйилган. Мисол учун, конституциянинг 19-моддасига кўра: “Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва кафолатланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади. Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Имтиёзлар фақат қонунга мувофиқ белгиланади ва ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт.”

Бунда имтиёзларнинг белгиланиши тўлиқ адолат принципларига мос бўлиши шартлиги ҳамда барчанинг қонун олдида тенглиги ва имтиёзлар фақат қонунда белгиланиб, ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши билан характерланиши назарда тутилган.

Конституциянинг VII-бобида (25-35-моддалар) шахсий ҳуқуқ ва эркинликларнинг конституциявий кафолатлари белгиланган бўлиб, унда яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқи бўлиб у қонун билан муҳофаза қилиниши, инсон ҳаётига суиқасд қилишга энг оғир жиноят сифатида қаралиши, Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси тақиқланиши, инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиз эканлиги, ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмаслиги, ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, бошқа шафқатсиз, гайриинсоний ёки инсон қадр-қимматини камситувчи муомалага ёхуд жазога

дучор этилиши ҳамда ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ва илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмаслиги қайд этилган. Шахснинг судланганлиги ва бундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлиши мумкин эмаслиги, ҳар кимга малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланиши, Қонунда назарда тутилган ҳолларда юридик ёрдам давлат ҳисобидан кўрсатилиши, ҳар бир шахс жиноят процессининг ҳар қандай босқичида, шахс ушланганида эса унинг ҳаракатланиш эркинлиги ҳуқуқи амалда чекланган пайтдан эътиборан ўз танловига кўра адвокат ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқи эга эканлиги, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи айбловнинг моҳияти ва асослари тўғрисида хабардор қилиниш, унга қарши ёки унинг фойдасига гувоҳлик бераётган шахсларнинг сўроқ қилинишини талаб этиш, таржимон ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқи эга эканлиги, қонунни бузган ҳолда олинган далиллардан одил судловни амалга ошириш чоғида фойдаланишга йўл қўйилмаслиги, ҳеч ким уй-жойга унда яшовчи шахсларнинг хоҳишига қарши кириши мумкин эмаслиги, уй-жойга киришга, шунингдек уни олиб қўйиш ва кўздан кечириш учун тинтув ўтказишга фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда йўл қўйилиши ҳамда уй-жойда тинтув ўтказишга фақат қонунга мувофиқ ва суднинг қарорига асосан йўл қўйилиши белгиланган.

Шунингдек, ушбу бобда қонуний асосларда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлиб турган ҳар ким мамлакат бўлиб эркин ҳаракатланиш, турар ва яшаш жойини танлаш, Ўзбекистондан ташқарига эркин чиқиш (бундан қонунда белгиланган чекловлар мустаснолиги), Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистонга тўсқинликсиз қайтиш, ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги, исталган ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқи эга эканлиги, ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланиши, ҳар ким хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқи эга эканлиги, диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмаслиги белгиланган.

Албатта, фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларининг давлат ва жамият томонидан муҳофаза қилиниши муҳим аҳамиятга эга эканлигини эътироф этиш билан бирга, масаланинг иккинчи томонига ҳам эътибор қаратиш муҳим. Яъни, фуқаролар ҳуқуқ ва манфатларининг ҳимояси уларнинг маънавиятига, ҳуқуқий маданиятларига ва ҳуқуқий онгига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Бунда фуқароларнинг қонунларда белгиланган ўз ҳақ ва ҳуқуқларини қай даражада билишлари ҳар бир шахс ўзлигини англашнинг асосий жиҳатларидан бири ҳисобланиб, шахс ҳуқуқларининг конституциявий кафолатларини рўёбга чиқаришнинг асосий шартларидан биридир.

Равшан РАШИДОВ,

Тошкент шаҳар судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати судьяси.

АЛ-ХОРАЗМИЙ МЕРОСИ – РАҚАМЛИ ҲУҚУҚ ПОЙДЕВОРИ

Замона шиддати илм-фанда кенг миқёсларда намоён бўлмоқда. Хусусан, юриспруденция соҳаси жуда катта ва жиддий ривожланиш даврини бошдан кечирмоқда. Бироқ, фан қанча олға кетмасин, у ўзининг тарихий илдизларидан узилиб кета олмайди. Профессор Ш.Рўзиназаровнинг “Ал-Хоразмий алгоритм таълимоти рақамли ҳуқуқ шаклланишининг гносеологик асоси” номли салмоқли ҳажмдаги илмий монографиясини varaқлаганда биз бунга амин бўламиз.

Ушбу тадқиқотда ўтмиш, бугун ва келажак рақамли ҳуқуқ тимсолида ўзига хос тарзда тавсифланади. Ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларига жадал суръатлар билан кириб келаётган рақамли ҳуқуқ феноменини муаллиф ўз нигоҳи билан кузатади. Одатда, кўп тадқиқотчилар рақамли ҳуқуқ феноменини таҳлил этганда асосий диққат эътиборни бугунги кун ва келажак ракурсда таҳлил этадилар. Профессор Ш.Рўзиназаров эса рақамли ҳуқуқ генезисини, илдизини топишга ҳаракат қилади ва бунда улуг бобомиз Ал-Хоразмий ҳазратларининг “Ал-жабр вал-муқобала” асарига эътибор қаратади. Ал-Хоразмийнинг алгоритм ҳақидаги илмий таълимоти компьютер дастурларининг ўзига хос негизи бўлганлигини барчамиз биламиз. Муайян алгоритмлар кетма-кетлигига асосланган дастурлар бугунги кунда ҳаётимизнинг барча жабҳаларида оғиримизни енгил қилаётганлигига барчамиз гувоҳмиз. Муаллифнинг таъкидлашича, Ал-Хоразмийнинг яна бир буюк хизмати мураккаб математик ҳисоб-китобларни амалга оширишга имкон бермайдиган Рим рақамлари ўрнига араб рақамларидан иборат ўнлик тизимни ва нолни жорий этган. Албатта, ўша даврларда алгебрик ҳисоб-китоблар кўпчилик учун мавҳум бўлган. Ал-Хоразмий ўз илмий тадқиқотлари аҳамиятини одамларга тушунтирганда мерос тақсим қилиш, васиятнома тузиш, мол тақсимлаш ва адлия ишларида, савдода ва ҳар қандай битимларда, шунингдек ер ўлчаш, каналлар ўтказишда амалий геометрия ва бошқача шундай турли ишларда кишилар учун бу зарур деб тушунтирган. Муаллиф ҳақли равишда кўрсатганидек, Ал-Хоразмийнинг алгоритмга асосланган таълимоти рақамли давлат ва рақамли ҳуқуқни шакллантиришнинг фундаментал гносеологик асоси бўлиб ҳисобланади. У ўзининг ушбу хулосасини дунёнинг қатор машҳур олимлари Ал-Хоразмий таълимотига берган баҳолар орқали исботлашга ҳаракат қилади. Тадқиқот фақат ўтмишнинг тарихий таҳлили билан чекланмайди. Тадқиқотда рақамли ҳуқуқнинг турли категориялари, хусусан, юридик фанларнинг рақамли трансформациялашуви шароитида хусусий ҳуқуқ доктринаси, унинг

замонавий реаллик ҳолати ва келажак истиқболларига мўлжаллари, рақамли фуқаролик муомаласида электрон тижорат, смарт контракт ва сунъий интеллект масалаларини ҳуқуқий тартибга солишнинг илмий методологик хусусиятларини чуқур ва кенг қамровли ўрганишга ҳаракат қилади. Тадқиқотчи илмий таҳлиллар натижаси ўлароқ Ўзбекистон Республикаси рақамли кодекси илмий концепцияси лойиҳасини жамоатчилик муҳокамасига тақдим этади.

Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ислохотлар замирида мамлакатимизда илм-фан ютуқларидан фойдаланган ҳолда ахборот технологияларини қўллаш орқали қонун ижодкорлиги, юридик таълим, ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётида рақамли ҳуқуқни кенг жорий этиш мақсад ва вазифалари алоҳида ўрин эгаллайди. Профессор Ш.Рўзиназаровнинг “Ал-Хоразмий алгоритм таълимоти рақамли ҳуқуқ шаклланишининг гносеологик асоси” номли монографияси ушбу чақириқларга нисбатан ўзига хос ҳозиржавоблик маҳсули деб баҳоланиши мумкин. Ушбу илмий монография кенг доирадаги мутахассисликлар учун мўлжалланган бўлиб уларда жиддий қизиқиш уйғотиши табиий.

Шу ўринда ўтган асрнинг 70-йилларида Тошкент давлат университетидagi талабалик даврларим беихтиёр хотирамга келди. Юридик факультет талабалари куннинг иккинчи ярмида университетнинг математика факультети аудиторияларида таълим олар эдик. Шунда энг катта аудиторияда рус тилида “Математик ҳақиқатлар олмосдек мустаҳкам” деб ёзилган шиор хотирамга муҳрланиб қолган. Ҳуқуқ илми математик ҳақиқатлар жараёнини бошқарувчи ахборот технологиялари билан қуролланганда унинг самарадорлиги ва натижадорлиги бекиёс даражада ошишини бугунги реал воқеликда барчамиз амин бўлмоқдамиз. Бинобарин рақамли ҳуқуқнинг келажаги, истиқболи янада порлоқ деб башорат қилиш мумкин.

Омонбой Окюлов,

*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист,
юридик фанлар доктори, профессор.*

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ТИЗИМЛАРИДА ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТИНИНГ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мақолада сунъий интеллект тизимларида юзага келадиган форс-мажор ҳолатларининг фуқаролик-ҳуқуқий хусусиятлари таҳлил қилинган. Форс-мажор ҳолатида сунъий интеллект тизимлари томонидан етказилган зарар учун жавобгарликни белгилаш тартиби ва жавобгарликни истисно этиш асослари бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: сунъий интеллект, сунъий интеллект тизимлари, сунъий интеллект эгаси, зарар етказган шахс, технологик носозликлар, дастурий хатолар, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик, жавобгарликни истисно этиш асоси, форс-мажор ҳолати.

Сунъий интеллект тизимларининг ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларида қўлланилиши инсоният учун улкан имкониятлар яратди. Бироқ, янги имкониятлар билан бир қаторда, улар айрим муаммоларни ҳам юзага келтиради. Бундай муаммолар бевосита сунъий интеллект тизимларининг ўзига хос хусусиятларга эгалиги, жумладан, технологияларнинг кейинги ривожланиши билан мазкур тизимларнинг янада кучлироқ ва мураккаброқ бўлиб бориши натижасида ўз-ўзини ўрганиш, автоном, ақлли ҳаракат қилишга, ҳаттоки мустақил равишда қарор қабул қилишга қодир бўлиши билан изоҳланади. Хусусан, сунъий интеллект тизимларининг ҳуқуқий мақоми масаласи нихоятда мунозарали ва бу ҳам улар фаолияти билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда айрим муаммоларни вужудга келтиради.

Таъкидлаш керак, айрим тадқиқотчилар сунъий интеллект тизимларининг ҳуқуқий мақоми уларнинг мақсади ва имкониятларидан келиб чиқиб белгиланиши керак, деган фикрни билдирадилар. П.Н.Бирюковнинг таъкидлашича, яқин-яқин вақтларгача машинанинг ҳаракатлари учун жавобгарликни белгилаш масаласи аниқ ва бир томонлама ҳал қилинган. Ҳар қандай машинага уни бошқарувчининг измидаги восита деб қаралиши сунъий интеллектга нисбатан ҳам шундай муносабатни шакллантирди. Унга кўра, тизим ўз хоҳиш-иродасига эга эмас, қарорларни инсонлар қабул қилади ва шунга мос равишда унинг эгаси ёки ишлаб чиқарувчи бундай тизим фаолияти натижалари учун жавобгардир.

П.М.Морхатнинг фикрича, сунъий интеллект функционал мақсади ва имкониятларига қараб, инсон измидаги восита ёки “электрон шахс” мақомига эга бўлиши ва баъзи ҳолларда (келажақда) тўлиқ юридик шахс сифатида эътироф этилиши мумкин.

Бошқа тадқиқотчилар эса, сунъий интеллектнинг янада жадал ривожланиши уни ақлли инсонга ўхшаш робот сифатида эътироф этиш мумкин бўлган даражага кўтаришга имкон берадиган бўлса, у ҳолда албатта қонунчиликка тегишли ўзгаришлар киритиш талаб этилади, деган фикрни билдирадилар.

Европа парламенти томонидан “Робот техникаси тўғрисида фуқаролик ҳуқуқи нормалари” бўйича 2017 йилда қабул қилинган резолюцияда жавобгарликнинг бошқа турларига қўшимча равишда роботларга “электрон шахс” махсус ҳуқуқий мақоми берилиши таклиф этилган ва мазкур ҳужжатда аниқ қилиб кўрсатилмаган бўлсада, роботларнинг етказилган зарар учун мустақил равишда жавоб бера олиши назарда тутилган. Шунингдек, Европа парламенти томонидан “Сунъий интеллект технологиясидан фойдаланишда юзага келадиган фуқаролик жавобгарлиги” бўйича 2020 йилда қабул қилинган резолюцияда аниқ қилиб сунъий интеллект тизимлари юридик шахс мақоми ва инсон онгига эга эмаслиги, айнан сунъий интеллект инсон ёрдамчиси сифатида кўрсатилиб, техник жиҳатдан сунъий интеллект тизимлари томонидан содир этиладиган ҳаракатлар ва жараёнлар етказилган зарарнинг бевосита ёки билвосита сабаби бўлиши мумкинлигига қарамай, тизимнинг ишла-

шига қандайдир доимий равишда ҳалақит берадиган шахс мавжудлиги таъкидланган.

Сунъий интеллект тизимлари тўғрисида билдирилган ушбу фикрлар технологияларнинг янада мураккаблашиб бориши билан сунъий интеллект тизимлари томонидан бошқариладиган жараёнларга инсоннинг ҳар қандай аралашувига деярли имкон қолдирмайди. Яъни, сунъий интеллект тизимлари қанчалик мураккаб ва мустақил бўлса, ушбу тизимлар ҳаракатларининг оқибатларини инсонларга боғлаш шунчалик қийин бўлади. Бироқ, сунъий интеллект тизимлари тўлиқ ёки қисман юридик шахс мақомига эга эмаслиги (ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўла олмаслиги ва ўз ҳаракатлари учун жавобгар ҳам бўла олмаслиги), улар томонидан етказилган зарар учун мазкур тизимлар эгалари (ишлаб чиқарувчилар, операторлар ва бошқалар) жавобгар бўлишини талаб этади. Бу эса, сунъий интеллект тизимлари ошиқча хавф манбаи эканлигини кўрсатади. Сунъий интеллект томонидан бошқарилаётган “автоном автомобиль” иштирокида содир бўлган йўл транспорт ҳодисаси учун ким айбдор – автомобиль эгасими ёки уни ишлаб чиқарувчи компаниями ёхуд йўл ҳаракати қоидаларини бузган пиёдами? Ушбу йўл транспорт ҳодисаси оқибатида етказилган зарар учун ким жавобгар ва у ким томонидан қопланиши керак? Айниқса, ушбу йўл транспорт ҳодисаси тўсатдан юзага келган энгил бўлмайдиган куч (форс-мажор ҳолати) таъсири натижасида содир бўлганда, етказилган зарар учун жавобгарликни белгилаш, жумладан, жараён иштирокчилари орасида масъул шахсларни аниқлаш ва улар ўртасида жавобгарликни тақсимлаш бўйича ҳар бир иштирокчининг айбдорлик даражасини аниқлаш масалалари муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, сунъий интеллект тизимлари ошиқча хавф манбаи эканлиги ва улар томонидан бошқариладиган жараёнларга тўсатдан юзага келадиган энгил бўлмайдиган кучлар таъсири доимий равишда сақланиб туришини эътиборга олган ҳолда, бундай ташқи таъсирлар натижасида сунъий интеллект тизимлари томонидан етказилган зарар учун жавобгарликни белгилашда форс-мажор ҳолати мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш муаммоси нихоятда долзарб ҳисобланади. Чунки, бутун дунёда, жумладан, англо-саксон, роман-герман ва ислом ҳуқуқий тизимларида форс-мажор ҳолати ҳам илмий категория ҳам қонунчилик сегменти ҳам суд амалиёти категорияси сифатида мавжуд бўлиб, у қутилмаган вазиятлар тақозосига кўра қийин аҳволда қолган субъектларни адолат ва инсоф асосида ҳимоя қилиш функцияни муваффақиятли бажариб келмоқда.

Халқаро амалиётда ишлаб чиқилган форс-мажор ҳолатлари бўйича ҳозирги замон ёндашувларига кўра, форс-мажор ҳолатларига умумий тартибда эълон қилинган ёки қилинмаган урушлар, фуқаролик уруши, тартибсизликлар ва инқилоблар, қароқчилик ҳаракатлари ва турли саботажлар, табиий офатлар (ураган, торнадо, сунами, ёнгинлар, сув тошқинлари, зилзилалар), кўпорувчилик ҳаракатлари, портлашлар, бойкотлар, иш ташлашлар (забастовкалар), локаутлар, корхоналарда

ишни тўхтатиш, шунингдек ҳокимиятларнинг қонуний ёки ноқонуний хатти-ҳаракатлари кабилар киритилган. Умумий қоидага кўра, форс-мажор ҳолати – ҳуқуқий муносабатлар иштирокчилари хоҳиш-иродаси ва хатти-ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган ва олдиндан башорат қилиш, муайян шароитларда оқибатларининг олдини олиш ёки бартараф этиш мумкин бўлмаган фавқулодда ва муқаррар ҳодиса натижасида мажбуриятларнинг айбсиз бузилиши ва зарар етказилишига олиб келган ҳолатдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, кейинги йилларда сунъий интеллект тизимларида қўлланилаётган технологиялар ва юридик фанлари тараққиёти форс-мажор ҳолатлари тўғрисидаги тасаввурларни ўзгартирмоқда. Буни бевосита инсоннинг табиат ҳодисаларининг олдини олиш ва уларга таъсир ўтказиш имкониятларининг кенгайиб бораётганлиги, яъни ҳалокатли табиат ёки техноген ҳодисаларнинг содир бўлишини олдиндан прогноз қилиш имкониятлари яратилганлиги ва бунинг натижасида инсон хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмайдиган ҳодисалар доираси камайиб бораётганлиги билан изоҳлаш мумкин. Одатда, сунъий интеллект тизимлари томонидан бошқариладиган жараёнлар бевосита инсоннинг жисмоний иштирокисиз бошқарилиши сабабли, етказилган зарар учун жавобгарликни белгилашда форс-мажор ҳолати мавжудлигини тасдиқлаш учун асос бўладиган ҳалокатли табиат ҳодисалари билан бир қаторда, тизимда юзага келадиган айрим технологик носозликлар, жумладан, дастурий хатолар ёки бошқа техник муаммолар, (агар бундай муваффақиятсизликлар муқаррар бўлса ва уларнинг пайдо бўлиши инсонларнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаса), форс-мажор ҳолати сифатида қўлланиши мумкин. Бунда сунъий интеллект тизимларида юз берган ҳодисани форс-мажор ҳолати деб топиш учун уни олдиндан кўришнинг имкони бўлмаганлиги ва юзага келган ҳолат жараёнларга бевосита таъсир қилганлиги исботланиши лозим. Айниқса, сунъий интеллект тизимлари ва инсонлар ўртасидаги муносабатлар кундан-кунга ривожланиб бораётган бир пайтда баъзан мазкур тизимларнинг инсонларга моддий зарар етказиш хавфи сақланиб қолаётганлиги ва бундай зарарлар турли-туман тасодиф ҳодисалар ёки сунъий интеллект тизимларида вужудга келган технологик носозликлар, яъни дастурий хатолар туфайли келиб чиқиши мумкинлигини ҳисобга олганда, етказилган зарарни тўлиқ қоплаш масаласи адолатли ҳал этилиши, жумладан, уни зарар етказган шахс ёки жабрланган шахс ёхуд учинчи шахслар томонидан тўлиниши муҳим аҳамиятга эга.

Фуқаролик ҳуқуқи назариясига кўра, етказилган ҳар қандай зарар зарар етказувчи шахс томонидан тўлиқ қопланиши керак. Ушбу назария Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 985-моддасида ўз аксини топган бўлиб, унга кўра, "ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) туфайли фуқаронинг шахсига ёки мол-мулкига етказилган зарар, шунингдек юридик шахсга етказилган зарар, шу жумладан бой берилган фойда зарарни етказган шахс томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим. Қонунда зарарни тўлаш мажбурияти зарар етказувчи бўлмаган шахсга юклатилиши мумкин. Қонун ҳужжатларида ёки шартномада жабрланувчиларга зарарни тўлашдан ташқари товон тўлаш мажбурияти белгилаб қўйилиши мумкин. Зарар етказган шахс зарар ўз айби билан етказилмаганини исботласа зарарни тўлашдан озод қилинади. Қонунда зарар етказган шахснинг айби бўлмаган тақдирда ҳам зарарни тўлаш назарда тутилиши мумкин. Қонуний ҳаракатлар туфайли етказилган зарар қонунда назарда тутилган ҳолларда тўлиниши лозим. Агар, зарар жабрланувчининг илтимоси ёки розилиги билан етказилган бўлса, зарар етказган шахснинг ҳаракатлари эса жамиятнинг ахлоқий тамойилларини бузмаса, зарарни тўлаш рад этилиши мумкин".

Ҳозирда илм-фан ютуқларидан кенг фойдаланган ҳолда турли мурраккабликдаги сунъий интеллект тизимлари яратилаётган бўлишига

қарамасдан, тизим жараёнлари устидан амалга оширилаётган назоратнинг мутлоқ эмаслиги ва шу сабабли, мазкур тизимларда юзага келган технологик носозликлар, дастурий хатолар ёки тўсатдан вужудга келган тасодиф ҳодисалар туфайли инсонларга зарар етказилишини ҳисобга олган ҳолда, жавобгарликни истисно этишнинг асоси сифатида сунъий интеллект тизимларида форс-мажор ҳолатининг фуқаролик-ҳуқуқий хусусиятлари тўғрисида қуйидаги ҳулосаларга келиш мумкин:

биринчидан, сунъий интеллект тизимлари етказган зарарнинг енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор ҳолати) ёки жабрланувчининг қасддан қилган ҳаракатлари оқибатида юзага келганлигини мазкур тизим эгалари (ишлаб чиқарувчилар, операторлар ва бошқалар) исботлай олмасалар келтирилган зиённи тўлашлари шартлиги ёки ушбу зарарни тўлаш мажбурияти сунъий интеллект тизимларига бошқа ҳар қандай қонуний асосда эгалик қилувчи шахсларга юклатилиши;

иккинчидан, сунъий интеллект тизимлари томонидан етказилган зарар енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор ҳолати) ёки жабрланувчининг қасддан қилган ҳаракатларидан бошқа ҳолатларда келиб чиққан бўлса, унда сунъий интеллект тизимлари эгаларига жавобгарликни юклаш учун улар айбининг мавжудлиги талаб этилмайди, яъни ошқоча хавф манбаи бўлган сунъий интеллект тизимларининг айби бўлмаган ҳолларда, шу жумладан, тасодифан етказилган зарари учун ҳам жавобгар бўлиши;

учинчидан, сунъий интеллект тизимлари жавобгарлиги чегараси форс-мажор ҳолатини юзага келтирган куч доираси чегарасигача бориши ва шу сабабли сунъий интеллект тизимлари томонидан зарар етказганлик учун жавобгарлик оширилган жавобгарлик ҳисобланиши;

тўртинчидан, агар, сунъий интеллект тизимлари томонидан зарар етказилган ҳолатнинг форс-мажор ҳолати эканлиги тўғрисида етарли асослар мавжуд бўлса, уни тасдиқлаш бўйича тўпланган далиллар судга тақдим этилиши ва форс-мажор ҳолати деб топиш тўғрисида манфатдор шахс томонидан талаб қўйилиши;

бешинчидан, агар, сунъий интеллект тизимлари томонидан етказилган зарар фақат жабрланувчининг қасддан қилган ҳаракатлари ёки енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор ҳолати) туфайли келиб чиққан бўлса, ушбу ҳолатлар сунъий интеллект тизими эгалари жавобгарлигини истисно этишнинг асоси сифатида қабул қилиниши лозим.

Холмурод ИСАНОВ,
юридик фанлар доктори.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бирюков П.Н. Ответственность за вред, причиненный технологиями с искусственным интеллектом: подход Европейского союза // [Электронный ресурс] URL: <https://science.vvsu.ru/files/C123CF05-2D67-41EA-91EA-F52066C0EA28.pdf>
2. European Parliament resolution of 20 October 2020 with recommendations to the Commission on a civil liability regime for artificial intelligence (2020/2014(INL)) // [Электронный ресурс] URL: https://www.europarl.europa.eu/doceo/document/TA-9-2020-0276_EN.html
3. Исанов Х.Р. Форс-мажор – фуқаролик-ҳуқуқий категория сифатида: назария ва амалиёт. юрид.фан.док.дисс: 12.00.03... -Т., 2024
4. Морхат П.М. Правосубъектность искусственного интеллекта в сфере права интеллектуальной собственности: гражданско-правовые проблемы: дисс. док. юрид. наук: 12.00.03. М., 2019.
5. "Нормы гражданского права о робототехните" <https://robotrends.ru/pub/1725/normy-grazhdanskogo-prava-o-robototekhnike-i-hartiya-robototekhniki>
6. Новые оговорки ICC о форс-мажоре и существенном изменении обстоятельств – 2020. <https://journal.arbitration.ru/news/mezhdunarodnaya-torgovaya-palata-icc-obnovila-ogovorki-o-fors-mazhore-i-sushchestvennom-izmenenii-ob/>
7. (Čerka P., Grigienė J., Širbikytė G. Liability for Damages Caused by Artificial Intelligence. Computer Law & Security Review, 2015, vol. 31, iss. 3, pp. 376–389.)
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПҚ-358-сон қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. <https://lex.uz/ru/docs/180552>

АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мақолада ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг долзарб масалалари таҳлил қилинган. Замонавий технологиялар ривож ва рақамли трансформация жараёнлари нафақат қулайликлар, балки ахборотнинг ҳимояланганлиги ва шахсий маълумотларнинг махфийлигини таъминлашда янги хатарларни ҳам келтириб чиқармоқда. Мақолада ахборот хавфсизлиги соҳасидаги глобал тенденциялар, ҳуқуқий-меъёрий базанинг аҳамияти ҳамда технологик ечимларнинг роли кўриб чиқилган.

Кириш сўзлар: Интернет, ижтимоий тармоқ, шахсий маълумотлар, интернет-банкнинг, веб-сайт, антивирус, қонун, хавфсизлик.

Ҳозирги замонда киберхавфсизлик алоҳида аҳамиятга эга ва кенг қамровли соҳалардан бири сифатида шаклланимоқда. Ахборот технологиялари эса ҳаётимизнинг барча жабҳаларига чуқур сингиб, кундалик фаолиятимизда муҳим ўрин эгалламоқда. Ахборот ресурслардан самарали фойдаланиш давлат хавфсизлигини мустаҳкамлаш ва ахборотлашган демократик жамиятни шакллантириш учун муҳимдир. Бундай жамиятда ахборот алмашинув тезлиги юқори бўлиб, илғор ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва ундан фойдаланиш кенг кўламда йўлга қўйилмоқда. Ахборот технологиялари ва коммуникация тизимларининг ривожланиши инсон ҳаётининг барча соҳаларида катта имкониятлар яратган бўлса-да, ахборотлар хавфсизлигини таъминлаш долзарб вазифага айланган. Шу сабабли ахборотни муҳофаза қилиш ҳар бир давлат учун муҳим вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги ва “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги қонунлари ахборот хавфсизлигини таъминлашга оид давлат сиёсатининг асосларини белгилаб берди.

Шу ўринда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик тушунчаларининг бир-биридан фарқли жиҳатларига тўхталиб ўтсак.

Ахборот хавфсизлиги - ахборотнинг ҳолати бўлиб, унга биноан ахборотга тасодифан ёки атайин рухсатсиз таъсир этишга ёки рухсатсиз ундан фойдаланишга йўл қўйилмайди. Бундан ташқари, ахборотнинг техник воситалар ёрдамида ишланишида унинг махфийлик (конфиденциаллик), яхлитлик ва фойдаланувчанлик каби хусусиятлари сақланишини таъминловчи ахборотнинг ҳимояланиш сатҳи ҳолати ҳамдир.

Демак, ушбу атама ҳар қандай турдаги маълумотларни, уларнинг кўриниши ва тури қандай бўлишидан қатъи назар, рухсатсиз кириш, ўзгартириш, тарқатиш ёки йўқ қилинишдан ҳимоя қилишни ўз ичига олади. Ушбу жараённинг асосий мақсади компаниянинг махфий маълумотларини ҳимоялаш, маълумотлар яхлитлигини сақлаш ҳамда улар исталган вақтда фойдаланишга яроқли бўлишини таъминлашдир. Ахборот хавфсизлиги нафақат технологик, балки ташкилот ички жараёнлари билан ҳам чамбарчас боғлиқ бўлиб, инсон омилига ҳам эътибор қаратади.

Киберхавфсизлик —рақамли технологиялардан фойдаланишда юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарларни бартараф этиш билан боғлиқ бўлган кенгрок тушунчадир. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 15 апрелда қабул қилинган “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги қонунида “киберхавфсизлик” атамасига “кибермаконда шахс, жамият ва давлат манфаатларининг ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолати”, деб таъриф берилган.

Киберхавфсизликнинг асосий вазифаси компьютер тизимлари, серверлар, маълумотлар тармоқлари, мобил қурилмалар, дастурий иловалар ва бошқа рақамли инфратузилмаларни зарарли

дастурлар ва кибертаҳдидлардан ҳимоя қилишдан иборат. Киберхавфсизликнинг кўлами кенг бўлиб, у шахсий маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлашдан тортиб, йирик корпоратив тизимларнинг глобал киберхавфсизлик сиёсатида мувофиқлигини назорат қилишгача бўлган жараёнларни ўз ичига олади. Бу хавфсизлик тизимлари тез-тез учрайдиган тармоқ ҳужумларига, маълумотларни ўғирлаш ёки хизматларни бузишга уринишларга қарши чоралар кўришни талаб қилади.

Мутахассислар киберхавфсизликини қуйидагича тоифаларга ажратишади:

- *Тармоқларнинг рақамли киберхавфсизлиги.* Ҳисоб маълумотлари ва пароллар билан боғлиқ барча маълумотлар;
- *Илова киберхавфсизлиги.* Қурилмаларни зарарли дастурлардан ҳимоя қилиш;
- *Ахборот киберхавфсизлиги.* Узатиш ва сақлаш вақтида унинг махфийлиги ва яхлитлигини таъминлаш;
- *Операцион киберхавфсизлик.* Маълумотларга киришни бошқариш ва ахборотни сақлаш ва узатиш қоидаларини белгилаш;
- *Фавқулодда тикланиш.* Киберҳужум ва маълумотларга киришни йўқотиш ҳолатларида амалга оширилаётган ҳаракатларни олдиндан режалаштириш;
- *Муҳим инфратузилмаларнинг киберхавфсизлиги.* Соғлиқни сақлаш тизимлари, электр тармоқлари, сув таъминотининг киберхавфсизлигини таъминлаш;
- *Якуний фойдаланувчи қурилмаларининг киберхавфсизлиги.* Булутли омборларда, симсиз ва мобил қурилмаларда мавжуд маълумотларни ҳимоя қилиш;
- *Фойдаланувчиларни тайёрлаш.* Киберхавфсизлик асослари бўйича воситалар ва билимларни узатиш.

Мутахассисларнинг фикрларига кўра кейинги йилларда кўплаб ташкилотлар бешта асосий киберхавфсизлик муаммоларига дуч келишмоқда:

1. Фишинг

Фишинг ҳужуми – бу фирибгарликнинг кенг тарқалган шакллари билан бири бўлиб, унда тажовузор шахслар шахсий маълумотларни ўғирлаш, молиявий зарар етказиш ёки компаниянинг ички тизимларига кириш имкониятига эга бўлишни мақсад қилиб кўядилар. Ушбу усул орқали зарар етказувчи шахслар, одатда, сохта электрон почта хабарларини ёки веб-сайтларни яратадилар. Улар кўпинча ҳақиқий кўринишга эга бўлиб, фойдаланувчиларнинг эътиборини чалғитади. Айниқса, сунъий интеллект технологияларининг ривожланиши билан фишинг ҳужумлари янада мураккаблашмоқда. Фирибгарлар ушбу технологиядан фойдаланиб, деярли реал кўринадиган, шахснинг шахсий профилига мослаштирилган электрон хабарлар ва веб-сайтлар яратмоқдалар. Мисол учун, фойдаланувчиларнинг молиявий маълумотларини ўғирлаш учун фи-

рибгарлар уларга банк ёки хизмат кўрсатувчи ташкилот номидан ёлгон сўровлар юбориши мумкин. Бу каби ҳужумларнинг олдини олиш учун фойдаланувчилар шубҳали хабарлар ва ҳаволалардан эҳтиёт бўлишлари лозим.

2. Зарарли дастурий таъминот

Зарарли дастурий таъминот (malware) – бу компьютер тизимларига кириб бориб, фойдаланувчи маълумотларига зарар етказишни ёки тизимни ишдан чиқаришни мақсад қилган дастурлар туридир. Ушбу дастурлар турли каналлар орқали тарқалади:

- Электрон почта орқали юборилган шубҳали файллар;
- Ноҳақ ишловчи веб-сайтлар;
- Тармоқдаги заифликлардан фойдаланиш.

Бугунги кунда зарарли дастурлар нафақат кичик компаниялар, балки йирик глобал ташкилотлар учун ҳам доимий хавф тугдиради. Зарарли дастурий таъминотнинг олдини олиш учун тизимларни мунтазам янгिलाб бориш, антивирус дастурларидан фойдаланиш ва тармоқ хавфсизлигини кучайтириш зарур.

3. DDoS ҳужумлари

DDoS (Дистрибутид Denial of Service) ҳужумлари – бу хост ёки тизимга ортқча сўровлар жўнатиш орқали уларни ишдан чиқаришга қаратилган киберҳужумлардир. Бу каби ҳужумлар сайтлар ишлашининг бузилишига, муҳим маълумотларга кириш имкониятининг йўқолишига ва ҳатто катта молиявий зарар етказишга олиб келиши мумкин. Сўнгги йилларда DDoS ҳужумларининг пасайиши қайд этилган бўлса-да, мутахассислар бу вақтинчалик ҳолат бўлиши мумкинлигини таъкидлайдилар.

4. Маълумотларнинг бузилиши

Маълумотларнинг бузилиши – бу компания ёки фойдаланувчилар махфий ва шахсий маълумотларининг рухсатсиз ўзгартирилган ёки ўғирланган ҳолатидир. Бу муаммо, айниқса, рақамли хизматлар ва онлайн платформалар орқали фаолият юритувчи компаниялар учун катта хавф тугдиради. Маълумотларнинг бузилиши компания обрўсига путур етказиши, мижозларнинг ишончи йўқолишга олиб келиши ва қонунчилик бўйича жиддий жазоларга сабаб бўлиши мумкин. Шу сабабли, маълумотлар хавфсизлигини таъминлаш учун шифрлаш технологияларидан фойдаланиш, рухсатсиз киришни чеклаш ва фойдаланувчиларни мунтазам равишда огоҳлантириш муҳимдир.

5. Ходимларнинг АКТ соҳасида билимлари етарли эмаслиги

Кўп ҳолларда инсон омили киберҳужумларнинг асосий сабабига айланади. Ходимларнинг киберхавфсизлик борасидаги билимлари етарли бўлмаса, бу компания тизимлари учун катта хавф тугдиради. Мисол учун:

- Паролларни нотўғри сақлаш;
- Зарарли электрон почта ёки ҳужжатларни очиш;
- Шубҳали ҳаволаларни босиш.

Киберхавфсизликни таъминлаш учун ходимларни ўқитиш ва уларга хавфсизликка оид қоидаларни ўргатиш зарур.

Киберхавфсизлик орқали ҳимоялаш усуллари:

● Дастурий таъминот ва операцион тизимни янгिलाш. Янги дастурий таъминот ёрдамида энг сўнгги хавфсизлик тузатишларига эга бўлиш мумкин.

● Кучли пароллардан фойдаланиш. Осон олиш ёки тахмин қилиш орқали билиш мумкин бўлган комбинациялардан фойдаланмаслик.

● Аноним жўнатувчиларнинг электрон почта хабарлари, ижтимоий тармоқдаги шубҳали фойдаланувчилар хабарларини

очмаслик зарур – улар вирусли дастур билан зарарланган бўлиши мумкин.

● Номаълум жўнатувчилар, ижтимоий тармоқдаги аноним шахслардан жўнатилган ёки шубҳали веб-сайтлардан почта орқали олинган ҳаволаларни босмаслик – бу зарарли дастурлар тарқалиши олдини олишнинг стандарт усулларида биридир.

● Жамоат жойларидаги ҳимояланмаган Wi-Fi тармоқларидан фойдаланишдан сақланиш зарур. Улар “ўртадаги одам” ҳужумларига қарши ҳимоясиз бўлиб, шахсга доир маълумотларнинг бегона кўлларга тушишига олиб келади.

Хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, корхона, ташкилот ва муассасалар юқорида қайд этилган киберхавфсизлик хавфларига қарши самарали кураш олиб боришлари учун замонавий дастурий таъминот базаларини яратишлари ва жорий этишлари зарур. Шу билан бирга, ахборот хавфсизлиги соҳасида малакали кадрларни жалб қилиш ва ходимларнинг билимларини оширишга эътибор қаратиш катта аҳамият касб этади. Бу жараён фақат йирик ташкилотларга эмас, балки ҳар бир шахсга ҳам тегишли бўлиб, улар ўзларига тааллуқли маълумотларни муҳофаза қилишни ўрганишлари, шунингдек, киберхавфсизлик бўйича тавсия этилган ҳимоя усулларида фойдаланишлари лозим. Бугунги кунда тегишли вазирлик ва идоралар томонидан киберхавфсизлик масалаларини такомиллаштириш мақсадида аниқ чора-тадбирлар кўрилмоқда. Хусусан, 2024–2026 йилларда Ўзбекистон Республикасида киберхавфсизликни таъминлаш стратегияси ва уни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” ишлаб чиқилган.

Шуни эътироф этиш керакки, амалдаги қонунчилик ҳужжатлари ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича мавжуд ҳуқуқий нормалар халқаро тенденцияларга ҳали тўлиқ жавоб бермайди ва киберҳужумларни аниқлаш, уларнинг салбий оқибатларини минималлаштириш ҳамда зарарнинг олдини олиш борасида давлат ташкилотлари, техник операторлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик етарлича ривожланмаган. Бу эса, киберхавфсизлик соҳасидаги муаммоларни ҳал қилишда қўшимча сазй-ҳаракатларни талаб қилади. Келгусида киберхавфсизлик соҳасида самарали чора-тадбирларни амалга ошириш учун қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиш зарур:

- Давлат ташкилотлари ва хусусий сектор ўртасида киберхавфсизлик соҳасида ҳамкорликни кучайтириш.
- Ходимлар учун махсус ўқув дастурлари ва семинарларни мунтазам ташкил этиш.
- Халқаро тажрибани ўрганиш ва мамлакатнинг рақамли хавфсизлик салоҳиятини ошириш учун инновацион технологияларни жорий этиш.

Натижада, юқоридаги чоралар амалга оширилса, мамлакатда киберхавфсизлик соҳасидаги мавжуд муаммоларни самарали ҳал қилиш ва халқаро стандартларга мос келувчи ахборот хавфсизлигини таъминлаш имконияти ошади.

Бобуржон ШОКИРОВ,

Фарғона давлат университети талабаси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ахборот хавфсизлиги асослари: Дарслик / И. М. Каримов, Н. А. Тургунов. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016 й.
2. С.К.Ганиев, А.А.Ганиев, З.Т.Худойкулов. Киберхавфсизлик асослари: Ўқув қўлланма – Т.: “Алоқачи”, 2020 й.
3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.
4. <https://lex.uz>
5. <https://csec.uz/uz>
6. <https://www.ptsecurity.com>
7. <https://library-tsul.uz/>

ЎҒИРЛИК ЖИНОЯТИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ БОРАСИДА ЎЗБЕКИСТОН ВА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ

АННОТАЦИЯ: мақолада ўғирлик жиноятининг олдини олиш борасида Англия, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Россия, Қирғизистон, Қозғизистон, Ҳиндистон ва Ўзбекистон Республикаси тажрибаси ўрганилиб, маъмурий ҳудудларни тўлиқ камералаштириш энг самарали усул эканлиги ҳақида хулосага келинган.

Калит сўзлар: ўғирлик, камералаштириш, тезкор бошқарув маркази, полиция, маҳаллий ҳокимият органлари.

Дунёнинг барча давлатларида ўғирликлар содир этилиши кузатилиб, мазкур ижтимоий ҳодиса мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ривожланишига жиддий таъсир кўрсатади. Таҳлил натижаларга кўра, ҳозирда ўғирлик жиноятларини қуйидаги: банк пластик карталаридан (кибермаконда) ўғирлик; кисавурлик (кийим чўнтаги ва сумкадан); корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар (юридик шахснинг моддий балансида бўлган мол-мулк)дан ўғирлик; савдо дўконлари (озик-овқат, кийим-кечак, хўжалик, тиббий, маиший соҳада маҳсулотларни сотиш учун мўлжалланган дўконлар ва бошқ.) ўғирлик; транспорт воситаси (енгил ва юк автомашина салони, юкхонаси ҳамда эҳтиёт қисмлари ва б.)дан ўғирлик; уй-жойлар (ҳовли, хонадон, дала ҳовли, шахсий бино, ер участкаси)дан ўғирлик; ҳайвон (чорва, парранда ва бошқ.) ўғирлиги; велосипед ва скутер ўғирлиги; истироҳат боғлари ва очиқ жойлардан содир этилаётганлигини таъкидлашимиз мумкин. Мазкур рўйхатдан шу маълумки, содир этилаётган ўғирликларни анъанавий, замонавий каби турларга таснифлаш тўғридир. Замонавий ўғирликлардан банк пластик карталаридан ўғирлик кенг авж олмоқда. Бунинг асосий сабаби, ахборот технологияларининг жадал ривожланиб бораётганлиги жамиятда барча соҳаларнинг рақамлаштирилиши, иқтисодиётни янада ривожлантиришда тадбиркорлик, экспорт ва импорт, инвестиция каби масалаларга эътибор берилиши, нақд пуллардан электрон кўринишда фойдаланиш заруратини юзага келтирди ва бу “қора хаккер”лик фаолияти билан шуғулланувчи, нияти бузуқ (ёмон) бўлган шахслар учун кибермаконда ўзганинг мулкни осон ўзлаштириш имкониятини яратди.

Global economy.com. веб сайтининг 2023 йилдаги маълумотларига кўра, ҳар юз минг аҳоли жон бошига нисбатан ўғирлик жиноятлари 74 та давлатлар мисолида энг юқори кўрсаткич Данияда (3949), ундан сўнг Швеция (3817), Уругвай (3205), Австралия (2460), Гренада (2307), Буюк Британия (2283), Бермуда (2190), Франция (2135), Финляндия (2081), Норвегия (1991), Нидерландия (1791), АҚШ (1750), Швейцария (1712), Австрия (1650), Германия (1576), Канада (1409), Ирландия (1372), Монако (1080), Исландия (1043), Словения 20-ўринни (1030) эгалланган бўлса, паст кўрсаткичлар РФ (512), Жанубий Корея (400), Япония (293), Қирғизистон ҳамда (156) БААда (52) қайд этилган. Албатта ушбу рақамлар нисбий бўлиб, ўғирликнинг содир этилиши ушбу давлатларда истиқомат қилувчи аҳоли ҳуқуқий маданиятининг ривожланганлик даражаси, ишсизлик ҳолати ҳамда таъсирчан жиноий-ҳуқуқий таъсир чоралари билан боғлиқдир. Ўғирликнинг олдини олишда ривожланган давлатларда турли амалий чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Буюк Британияда “Жиноятчиликнинг олдини олишнинг замонавий стратегияси” дастури доирасида уй-жойдан содир этиладиган ўғирликнинг салмоғи 60 фоизга камайган. Маъмурий ҳудудларга кузатув камераларини ўрнатиш ҳамда транспорт

воситаларининг электрон иммобилизатор ва бошқа хавфсизлик воситалари билан жиҳозланиши, ўғирликнинг 78 фоизга камайишига хизмат қилди. Полиция ходимларининг иш юкласини минималлаштиришда қоғозбозлик, бюрократия, инсон омилидан тўлиқ воз кечилиб, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари (ҲМҚОлар)нинг ишини тезлаштириш ва мақбуллаштиришда бутун жиноий судлов тизимининг фаолияти тўлиқ рақамлаштирилган. Шунингдек, жабрланувчилар ва гувоҳларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлашда Police.uk. веб-сайт орқали “Track My Crime” хавфсиз онлайн иловасидан жиноят ҳақида электрон мурожаат қилиш, тергов жараёнини кузатиш ва судда онлайн тарзда иштирок этиш имконияти яратилган.

АҚШда жиноятлар тўғрисида ягона ҳисобот Миллий дастури (UCR) мавжуд бўлиб, федерал тергов бюроси томонидан жиноятлар тўғрисидаги статистик маълумотлар барча штатлардаги полиция ва шериф бўлимларига эълон қилиб борилади. Ушбу маълумотлар аҳолига жиноятчиликнинг сўнгги тенденциялари ҳақида маълумот беришга хизмат қилади. АҚШ штатларида энг кенг тарқалган 7 турдаги жиноятлар орасида мулкни ўғирлаш жинояти ҳам кўп содир этилади. Масалан, 50 АҚШ долларидан кўп миқдорда мулкни ўғирлаш учун уй-жой ва бошқа объектларга кириш; автомобилдан ўғирлик ва ҳоказо.

XX асрнинг иккинчи ярмида АҚШда аҳолини арзон уй-жойлар билан таъминлашда йирик саноат шахарларининг чекка қисмида кўп қаватли турар-жой биноларининг оммавий қурилиши давлат ижтимоий дастурлари доирасида амалга оширилди. Қисқа вақтда қуриб битказилган ижтимоий инфратузилма объектлари (мактаб, касалхона ва дам олиш масканлари)нинг талабга жавоб бермаслиги ўғирликларнинг кўп содир этилишига олиб келди. Кейинчалик ушбу масалага жиддий эътибор берилиб, хавфсизлик масалалари кучайтирилди. Ўғирлик содир этиш усулига кўра яширин тарзда амалга оширилиб, ҲМҚО ходимлари бир вақтнинг ўзида маъмурий ҳудуднинг барча жойлари (объектлар)ни қамраб олиш имкониятига эга эмас. Энг самарали усул бу ҳудудларни тўлиқ камералаштириш. Масалан 2015 йилда Ҳиндистон Ҳукумати томонидан “Ақли шахарни ривожлантириш” дастури доирасида “Centrally Sponsored Scheme” лойиҳаси устида беш йил давомида иш олиб борилган. Бутунжаҳон банки ва Осиё тараққиёт банки каби халқаро ташкилотлардан ва хусусий инвесторлардан тахминан 480 млд. рупий маблағ ажаратилган (71 трлн. 40 млд сўм). Марказнинг асосий вазифаси жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашда маълумот тўплаш ва мониторинг қилиш ҳамда ҲМҚОларга ахборотни етказишдан иборат.

Германияда савдо дўконларидан ўғирликлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 23 фоиздан кўпроққа ошган. 2024 йилда 426 000 дан ортиқ ушбу турдаги ўғирликлар содир этилган.

Мазкур давлатнинг аҳолиси 85 млн.га яқин. Пойтахти билан бирга 16 та федерал ҳудудларга бўлинган ва унинг таркибида 50 та йирик шаҳарлар мавжуд. Савдо дўконларидан ўғирликлар асосан жиноий тўдалар томонидан содир этилиб, бунинг оқибатида савдо компанияларининг йўқотишлари йилига бир неча миллиард еврони ташкил қилади. Статистик маълумотларга кўра 2022 йилда 5.628.854 та умумий жиноятлар рўйхатга олинган бўлиб, шундан 408.600 ёки 7,3 фоизи ўғирликлар улушига тўғри келиб, улардан 65.908 таси (16,1 фоизи) фош этилган. Мазкур жиноятларнинг олдини олиш учун Германия Ҳукумати қонун устуворлиги асосида мулкни самарали ва доимий ҳимоя қилинишини таъминлаш учун маъмурий ҳудудларни тўлиқ камералаштириб, ҲМҚО ходимлари ўртасида маълумот алмашишни яхши йўлга қўйиши керак.

2018 йилда Европа банкининг кредит қўмитаси томонидан 15 млн. евро (201 млрд 405 млн сўм) маблағлар ҳисобига Қозғистон Республикасида Тезкор бошқарув маркази ташкил этилди. Марказнинг вазифаси ҳуқуқ-тартиботни сақлаш, шаҳар аҳолиси ва меҳмонларнинг хавфсизлигини таъминлашдан иборатдир. Марказнинг видеокузатув имкониятлари доимий равишда шаҳардаги вазият тўғрисидаги маълумотларни тўплаб, таҳлил қилиши жиноятчиликнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. 2022 йил январда Президент топшириғи билан марказга яна 10 мингта кузатув камераларини интеграция қилиш вазифаси белгиланган.

2018 йилда Россия Федерацияси Москва шаҳрида "Хавфсиз шаҳар" дастури доирасида умумий қиймати 525 млн. рубл (69 млрд. 430 млн. сўм)ни ташкил этган Тезкор бошқарув маркази полиция хизматиға фойдаланишга топширилди. Марказга дастлаб 100 мингга яқин кузатув камераси интеграция қилинган. Ҳозирда қўшимча яна 200 мингга яқин кузатув камераларини интеграция қилиш режалаштирилмоқда. "Хавфсиз шаҳар" дастури доирасида 2024 йилда 106 млрд. рубл (14 трлн. 628 млрд сўм) маблағ ажратилиши белгиланганди. Шундан, 12,7 млрд. рубл шаҳарни камералаштиришга, 800 млн. рубл эса юзни аниқлаш, идентификация қилиш "Фейс тизими" бўйича сифатли камераларни ўрнатишга йўналтирилган.

2019 йилда Қирғизистон Республикасининг Бишкек шаҳрида ташкил этилган Тезкор бошқарув маркази умумий маблағи 5 млн АҚШ доллари (61 млрд. 750 млн сўм)ни ташкил этади. Марказга 2.137 та кузатув камералари интеграция қилинган бўлиб, улардан 519 таси юзни аниқлаш функциясига эга. Фақат 2022 йилда уларнинг ёрдами билан 3.431 та жиноят ва ҳодисалар аниқланган бўлиб, шундан 1.250 таси ёки 36,4 фоизи ўғирлик жиноятини содир этган шахсларни аниқлашга хизмат қилган.

Киссавурликка қарши курашишда Англия ва Хитой тажрибасига кўра, автобуслар, жамоат жойларида ПТЗ камералари ўрнатилиши ижобий самара берган. Катта шаҳарлар (Лондон, Пекин)ни тўлиқ камералаштириш полиция ва маҳаллий ҳокимият органлари билан ҳамкорликда амалга оширилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги "Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ Тошкент шаҳри Ички ишлар бош бошқармасининг Ягона тезкор бошқарув маркази ташкил этилди. Ушбу марказ замонавий ускуналар билан жиҳозланиб, "Геоинформацион электрон харита" ва "Қалқон" дастури асосида фаолият кўрсатиб келмоқда. Марказ "Хавфсиз шаҳар" ва "Хавфсиз маҳалла" мақсадларини таъминлаш

ва ҳуқуқбузарликларни аниқлашда муҳим ўрин тутмоқда. Марказга Тошкент шаҳридаги 10 мингдан ортиқ турар ва нотурар жойлардаги 7 минг 300 та видеокузатув камералари интеграция қилинган. Хусусан, 2023 йилда пойтахтда содир қилинган 925 та ўғирлик жиноятдан 321 таси ёки 34,7 фоизи "иссиқ изи"да фош этилган. Марказнинг афзаллиги шундаки, ҳудудни камера-лаштириш орқали жамоат жойлари (аҳоли гавжум жой, жамоат транспорти), корхона, муассаса, ташкилотлар, жисмоний ва юридик шахсларга тегишли хусусий объектларда содир этилиши мумкин бўлган ўғирликларнинг барвақт олди олинади.

Ўғирлик жиноятининг олдини олишда хорижий давлатлар тажрибаси асосида қуйидагилар таклиф этилади:

биринчидан, республиканинг барча ҳудудларида ўғирликлар содир бўлишининг олдини олиш мақсадида маҳаллий ҳокимият органлари билан ҳамкорликда маъмурий ҳудудларни камералаштириш; иккинчидан, мол-мулкларини доимий равишда ҳимоя қилиш бўйича фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириб бориш; учинчидан, содир этилаётган ўғирликларнинг туридан келиб чиқиб олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, ўғирлик жиноятининг олди олинishi ҳар бир давлатнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланишига ижобий самара беради.

Алишер Шарафутдинов,

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Криминология тадқиқот институти масъул ходими, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, доцент.

Бахтиёржон Муродов,

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси тергов фаолияти кафедраси бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор.

Фарход Бобомуродов,

Тошкент шаҳар ИИБ бош бошқармаси Ягона тезкор бошқарув марказининг масъул ходими, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).

Фойдаланилган адабиётлар:

- Акматалиев Алмазбек Акматалиевич, Абдыраманова Чолпон Шабданбаевна Эволюция государственного управления в странах постсоветского пространства. Кыргызская Республика // Государственная служба. 2021. №4 (132). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/evolyutsiya-gosudarstvennogo-upravleniya-v-stranah-postsovetetskogo-prostranstva-kyrgyzskaya-respublika>
- Гуринская Анна Леонидовна Механизмы предупреждения преступлений в Великобритании: Судебные предписания о прекращении антиобщественного поведения // Вестник МГПУ. Серия: Юридические науки. 2017. №1 (25). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/mehanizmy-preduprezhdeniya-prestupleniy-v-velikobritanii-sudebnye-predpisaniya-oprekraschenii-antiobschestvennogo-povedeniya>
- Перминов Виктор Александрович. Развитие умных городов в Индии // Российский внешнеэкономический вестник. 2020. №8. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/razvitiye-umnyh-gorodov-v-indii>
- Шалагин Антон Евгеньевич, Идиятуллоев Алмаз Дамирович Зарубежный опыт предупреждения преступности в XXI веке // Вестник Казанского юридического института МВД России. 2020. №2 (40). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/zarubezhnyy-opyt-preduprezhdeniya-prestupnosti-v-xxi-veke>
- Шахматов Александр Владимирович, Скоков Игорь Евгеньевич Исторические и современные аспекты борьбы с карманными кражами в разных странах // Вестник Санкт-Петербургского университета МВД России. 2017. №4 (76). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/istoricheskie-i-sovremennye-aspekty-borby-s-karmannymi-krazhami-v-raznyh-stranah>
- Ядова Майя Андреевна Москва - безопасный город: миф или реальность? (по результатам интервью с волонтерами ИНИОН РАН) // Социологический ежегодник. 2016. №2015-2016. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/moskva-bezopasnyy-gorod-mif-ili-realnost-po-rezultatam-intervyu-s-volonterami-inion-ran>
- <https://www.theglobaleconomy.com/rankings/theft/2023>
- <https://www.tupa-germania.ru/zhizn/prestupnost-germania.html#krazh>
- <https://alservice.kz/видеоонаблюдение/центр-оперативного-управления-цоу>
- <https://daryo.uz/k/2023/12/12/shavkat-mirziyoyev-toshkent-shahri-iibning-yagona-tezkor-boshqaruv-markazini-borib-kordi>

ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ СОҲАСИДА КОРРУПЦИЯНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ САБАБЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мақолада Ўзбекистон Республикасининг давлат харидлари соҳасида юзага келган коррупцион ҳолатлар, яъни келишиб олинган тендерлар, қонунлардаги бўшлиқлар ва уларни айланиб ўтиш орқали коррупцион схемалардан фойдаланиш ҳолатлари ҳуқуқий, сиёсий ва назарий жиҳатдан атрофлича кўриб чиқилди. Ушбу мавзунинг ёритилишида бир қанча ҳуқуқшунос олимларнинг фикрлари баён этилди.

Калит сўзлар: давлат харидлари, тендер жараёнларида келишиб олиш ҳолатлари, рақобат тамойили, картел келишувлари, жавобгарлик масалаларини кучайтириш.

Таълим, соғлиқни сақлаш ва қурилиш каби соҳалар давлат сиёсатининг устувор ижтимоий-иқтисодий йўналишлари ҳисобланади. Маълумки, мазкур соҳалардаги ишлар, хизматлар давлат буюртмалари асосида, яъни тендерлар орқали амалга оширилади. Бундан кўзланган мақсад — давлат харидларини очиқ ва шаффоф, ўзаро рақобатга асосланган, коррупцион ҳолатларнинг олдини олган ҳолда амалга оширишдир. Бироқ, коррупцион ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида йўлга қўйилган тендер жараёнларида коррупция ва турли келишиб олиш ҳолатлари кузатилаётганлиги сир эмас.

Давлат харидлари давлат буюртмачиларининг товарларга (ишларга, хизматларга) бўлган эҳтиёжларини пулли асосда таъминлаш жараёни ҳисобланади. Давлат харидларининг асосий тамойиллари — очиқлик ва шаффофлик, рақобат, холислик ва коррупцияга йўл қўймасликдир. Лекин, ҳеч кимга сир эмаски, давлат харид ва буюртмаларида коррупцион ва рақобатга зид амалиётлар кенг тарқалган. Жумладан, ушбу тизимда коррупция ҳолатларини келтириб чиқарувчи омилларни бартараф этиш, рақамлаштириш орқали шаффофликни таъминлаш мақсадида қурилиш соҳасида электрон давлат харидлари тизими (электрон тендерлар) жорий этилган.

Амалиётда кенг учрайдиган тендер жараёнларидаги коррупцион схемаларни 2 та турга бўлиш мумкин:

■ буюртмачи (давлат органи) ва тендер иштирокчиси (тадбиркор) ўртасида тил бириктириш (коррупция);

■ тендер иштирокчилари (тадбиркорлар) ўртасидаги тил бириктириш (картел келишув).

Қуйида буюртмачи (давлат органи) ва тендер иштирокчиси (тадбиркор) ўртасида тил бириктириш коррупцион схемаси иштирокчилари қўллаши мумкин бўлган усулларни кўриб чиқамиз.

Порасини олган ёки “откат” ваъда қилинган давлат хизматчиси ўзига керакли тадбиркор тендерда ғолиб бўлишини таъминлаши учун амалиётда бир нечта схемалардан фойдаланади. Шунинг билан таъкидлаб ўтиш лозимки, ушбу қондабузарликлар қонунчиликдаги камчиликлар сабабли эмас, асосан амалиётда уларга қарши кураш сустлигидан келиб чиқади. Демак, бундай схемалар қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин:

Сохта саралаш. Буюртмачи тендер талабларида товар (ишлар, хизматлар)нинг хусусиятларини керакли ишлаб чиқарувчи фирманинг махсулотига мослаб тавсифлайди. Ёки тендер талабларида фақат керакли фирмада мавжуд малакалар алоҳида кўрсатилиши мумкин. Бу эса потенциал тендер иштирокчилар сонини камайтиради ва ўзига керакли фирманинг ютиб чиқишига замин яратади.

Товар (хизмат)га зарурати йўқ талаблар қўйиш. Керакли фирма тендерда ютиб чиқиши учун буюртмачи махсулот (хизмат)га зарур бўлмаган талабларни қўяди. Масалан, тендер талабларида етказиб берувчининг расмий дилер бўлиши кераклиги кўрсатилади ёки рухсатнома сертификати айнан махсулотни ишлаб чиқарган завод томонидан тақ-

дим этилиши зарурлиги, ишни бажариш учун лозим бўлмаган ҳужжатлар, лицензия ва рухсатнома, сертификатлар сўралади. Аслида бундай талабларнинг қўйилиши товар (хизмат)нинг сифатига таъсир қилмаслиги мумкин. Бироқ, бу керакли фирма учун рақобатни сезиларли даражада камайтиради ва ютиб чиқиш имкониятларини оширади.

Тендер ҳужжатларини мураккаблаштириш. Бунда тендер ҳужжатлари бир неча ўнлаб саҳифалардан иборат мураккаб (ноаниқ) техник топшириқларни ўз ичига олган бўлади. Натижада тендер иштирокчиларининг кўпчилиги уларни тўлдиришда хатога йўл қўйиши мумкин. Буюртмачи эса ҳужжатлардаги бундай хато ва камчиликларни асос қилиб иштирокчиларни тендердан четлатиши ёки балларини камайтириши мумкин. Натижада тендерда тўғри ва мукамал “жавобларни” тақдим этган керакли фирма ғалаба қозонади.

Тендер аризаларининг асоссиз рад этилиши. Буюртмачи томонидан тендер иштирокчиларининг аризалари асоссиз ёки тегишли тушунтиришларсиз рад этилади. Шунингдек, хатто тезда бартараф этилиши мумкин бўлган ҳужжатлардаги майда камчиликлар ваз қилиниб, фирманинг тендер ёки аукциондаги иштироки рад этилади. Техник топшириқда ишлаб чиқариш учун зарур бўлган материаллар нархини ҳисоблаб, сметага киритиш зарурлиги ҳақида ҳеч қандай кўрсатма бўлмаган бўлса-да, буюртмачи бундай ҳисоб-китоблар йўқлиги сабабли аризини рад этганини мисол келтириш мумкин.

Масалан, Аксилкоррупция агентлиги маълумотларига кўра, Болалар ва ўсмирлар спорт мактабига 800 миллион сўмлик 27 та турдаги спорт инвентарлари сотиб олиш учун танлов эълон қилинган. Таклифларни баҳолашда танлов иштирокчисининг таклифлар солинган конвертларни очиш жараёнида бўлмаганлиги сабабли фирманинг аризаси қабул қилинмаган, ваҳоланки қонунчиликда танлов иштирокчиси вакили танловда шахсан қатнашиши шартлиги ва иштирок этмаслик танловдан четлатишга асос бўлиши белгиланмаган. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомасида танловдан четлаштирилиш сабаблари кўрсатилмаган.

“Имконсиз вазифа”. Бунда тендер лойиҳасини бажаришга атайин жуда кам муддат қўйилиши мумкин. Мисол учун, харидор мураккаб монтаж ишлари учун атиги бир кун ажратган. Табиийки, ушбу ишларни анча олдин бошлаган ёки олдиндан келишиб олган фирмагина тендерда ғолиб чиқиши мумкин.

Кўпинча, бундай схемада буюртмачи бажариш учун нореал қисқа муддатлар белгиланади. Натижада, инсофли фирмалар тендер шартларини бажара олмаслигини тушунишдади ва иштирок этишдан бош торттишади. Кейин эса, тендерни ҳақиқий деб топиш учун кўғирчоқ фирмалар тендерга жалб қилиниб, керакли фирманинг ғолиб чиқиши таъминланади. Ғолиб фирма ишни муддатида бажармаса ҳам ҳужжатлар тўғрилиниб, иш “ёпти-ёпти” қилинади ва ҳеч ким ҳеч қачон даъво қилмайди. Бундан ташқари, буюртмачи ҳали тугалланмаган ишларни

қабул қилиб, тўловларни олдиндан амалга ошириб қўйиши ҳам мумкин. Амалда ишнинг муддатидан кеч тугатилиши каби ҳолатлар ҳам коррупциядан далолат бериши мумкин.

Х-вариант. Буюртмачи тендер ҳужжатлари ва талаблари билан керакли фирмани тендер эълон қилишдан анча олдин таништиради. Натижада ушбу фирма аризасини тайёрлашда маълум бир имтиёзга эга бўлади. Мисол учун, тендер ҳақидаги эълон берилгандан кейин ҳужжатларни топширишга бир ой вақт берилади, лекин аслида керакли ҳужжатларни тендерга тайёрлаш учун камида 2–3 ой кетиши мумкин.

Бир нечта техник ва функционал жиҳатдан мустақил лотларни биттага бирлаштириш. Бундай ҳийла рақобатни чеклаш учун ишлатилади, чунки бир иштирокчи бир вақтнинг ўзида бир нечта ўзаро боғлиқ бўлмаган ишларни бажаришга малакаси етишмаслиги мумкин. Одатда тадбиркорлар маълум турдаги товар ёки хизматларга ихтисослашган бўлади. Шу сабабли буюртмачи ҳар хил турдаги эҳтиёжларини битта харид (буюртма)га жамлаши потенциал иштирокчиларнинг тендерда иштирок этишига тўсиқ бўлиши мумкин.

Мисол сифатида сут маҳсулотларидан қаймоқ ва пишлоқни бир лотга бирлаштиришни келтириш мумкин. Одатда пишлоқ ишлаб чиқарувчилар фақат пишлоққа ихтисослашган бўлишади. Яна бир мисол, йўллар, пйедалар йўлаклар, ер ости ўтиш жойлари, жамоат транспорти бекатлари, кўприкларни ремонт ва сақлаш хизматлари каби бир нечта ишни битта лотга бирлаштириш орқали фақат йирик фирмалар тендерда иштирок этиш имкониятига эга бўлишади.

Шартнома шартларини ўзгартириш ёки бажарилмаган ишни қабул қилиш. Керакли фирма тендер (аукцион)да ғолиб чиқиш учун бозор нархига мос бўлмаган зарарли нархларни ҳам таклиф этишига тўғри келиши мумкин. Лекин, кейинчалик шартномани бажариш жараёнида шартнома шартлари икки томонга манфаатли тарзда ўзгартирилади. Амалиётда шартнома нархи ўзгармаган, лекин амалда харид кам ҳажмда етказиб берилган ҳолатларни ҳам кўриш мумкин. Бундан ташқари, шартномадан фарқли турдаги маҳсулотлар буюртмачи томонидан қабул қилиб олиниши ҳам коррупция мавжудлигидан далолат беради. Мисол тариқасида 3,2% сут ўрнига 2% сутни етказиб беришни келтириш мумкин.

Шунингдек, Аксилкоррупция агентлиги маълумотларига кўра, Жиззах вилоятида 19 та объектда 6,3 миллиард сўмлик қурилиш ишлари тўлов ҳужжатларига асоссиз қўшиб ёзилгани ва 1,4 миллиард сўмлик аслида бажарилмаган ишлар ҳисобот ҳужжатларига қўшиб ёзилгани аниқланган. Қарши тумани Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи ўзининг синглиси таъсисчилигидаги фермер хўжалиги билан 149,1 миллион сўмлик гул қўчатларини ўтказиш бўйича шартнома тузиб, 27,1 миллион сўм асоссиз харажатлар ҳисоботга киритилиб, ортиқча маблағ олинишига йўл қўйилгани аниқланган. Шаҳрисабз туманида "Обод қишлоқ" дастури асосида 2 та маҳалланинг пйедалар йўлагини қуриш ва тунги ёритиш чироқларини ўрнатишда корхона томонидан 67 миллион сўмлик ҳақиқатда бажарилмаган ишлар қўшиб ёзилгани ва смета ҳужжатларида материаллар нархлари асоссиз ошириб кўрсатилгани аниқланган.

Шунингдек, Китоб туманида жойлашган Қашқадарё вилоят 2-сон асаб-руҳий касалликлар диспансерига янги "олиб келинган" Mobile X-Ray RU-510 русумли рентген аппарати ўрнида қоғоз қути билан ўралган қизил рангдаги эски темир буюм тургани маълум бўлди.

Лоббизм. Бу энг агрессив схемалардан бири. Бунда давлат органи томонидан тендер ўтказмасдан керакли хусусий фирма билан тўғридан-тўғри шартнома тузиш учун махсус ҳукумат қарори чиқартириб олинади. Амалиётда бу 2 та кўринишда учрайди: а) қарорда айрим давлат органларига тендер ўтказмасдан ўзи хоҳлаган хусусий фирма-

лар билан тўғридан-тўғри шартнома тузиш ҳуқуқи берилади; б) айрим қарорларда тендерсиз давлат буюртмалари бўйича тўғридан-тўғри шартнома тузиш керак бўлган хусусий фирма (МЧЖ) номи аниқ кўрсатилади.

Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда давлат харидларидаги коррупцияга қарши кураш самарасини ошириш учун бир қатор хориж тажрибаси ва усуллардан фойдаланилса мазкур соҳада коррупцион ҳолатларнинг олдини олишда маълум даражада кўмаклашади деб ўйлаймиз:

биринчиси, дата-скрининг (BRIAC) усули. Бу барча давлат харидлари ўтказиладиган ягона портал яратиш ва дата-скрининг амалиётини йўлга қўйиш. Таклиф этилаётган дата-скрининг давлат дастурида назарда тутилган нафақат давлат харидларидаги манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ ҳолатларни, балки коррупциянинг бошқа яширин белгилари (нархлар кескин (20–50% гача) тушиб кетиши, аризаларни рад этиш, нархларни арзимаган 0–1% гача пасайиши каби ҳолатлар) асосида ҳам шубҳали тендерларни тезда аниқлаш имконини беради. Дата-скринингнинг ушбу мезонларини ўрнатишда Руминия ва Жанубий Корея давлатлари тажрибаси қўл келиши мумкин.

Юқоридаги ҳолатлардан ташқари, давлат харидларида буюртмачи тендер (аукцион)да ғолиб чиққан фирма билан шартнома имзолашни кечиктириши, ўз вақтида бажарилган иш бўйича топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолашдан асоссиз бўйин товлаши, фирмага тендер шартномаси бўйича тўловни вақтида амалга оширмаслиги каби ҳолатлар ҳам мансабдорларнинг "откат" таъма қилаётганлигидан келиб чиқиши мумкин.

Иккинчиси, давлат харидларида тенг рақобат муҳитини таъминлаш. Ҳукумат қарорлари асосида тендер ўтказмасдан тўғридан-тўғри шартнома тузиш имкониятларини энг юқори даражада қисқартириш ва аниқ мезонларини белгилаш керак (масалан, давлат хавфсизлиги, фавқулодда ҳолатлар, мудофаа каби ҳолатлар билан чеклаш).

Учинчиси, давлат харидлари билан боғлиқ жиноятлар учун махсус жиноий жавобгарлик белгилаш. Жиноий жавобгарлик учун давлат харидларида коррупцион ҳолат бўлиши шарт эмас, давлат харидларидаги процессуал қоидаларни қўпол ёки такроран бузишнинг ўзи жиноий жавобгарликка тортиш учун етарли асос бўлиши керак. Айрим ҳолатлар учун давлат харидларидаги қонунбузилиш ҳолатлари бўйича бир марта маъмурий жавобгарликка тортилгандан кейин такроран содир этилганлик учун жиноий жавобгарлик белгилаш мумкин. Лекин, давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик бузилиши оқибатида давлат бюджетига зарар етказилса, тўғридан-тўғри жиноий жавобгарликни белгилаш масаласини ўйлаб кўриш керак. Бу мансабдорларнинг давлат харидларида маъсулиятини оширишга ёрдам беради ва маъмурий ёки интизомий жавобгарлик билан қутилиб кетишларининг олдини олади.

Шаҳзод СОДИҚОВ,

ТДЮУ таянч докторанти, Тошкент туманлараро иқтисодий суди судья ёрдамчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. GUIDELINES FOR FIGHTING BID-RIGGING IN PUBLIC PROCUREMENT. - Sofia Competition Forum.
2. <https://anticorruption.uz/ru/item/2022/03/10/agentlikning-2021-jildagi-faoliyati-natizhalariga-bagishlangan-matbuot-anzhumani-bolib-otdi>
3. <https://www.gazeta.uz/uz/2022/03/31/corruption-schemes/>
4. <https://legalinstruments.oecd.org/en/instruments/OECD-LEGAL-0396https://www.oecd.org/governance/procurement/toolbox/search/korea-bid-rigging-indicator-analysis-system-brias.pdf>
5. <https://www.oecd.org/governance/procurement/toolbox/search/korea-bid-rigging-indicator-analysis-system-brias.pdf>

ЖАВОБГАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ: ЭЪТИРОЗ ВА ҚАРШИ ДАЪВО

Фуқаролик суд ишларини юритишда фуқаролик ишларини мазмунан кўриб ҳал қилиш ҳамда иш бўйича қонуний, асосли ва адолатли ҳал қилув қарори чиқариш муҳим аҳамият касб этади. Тарафларнинг судга мурожаат қилиш талаблари ва мақсадлари ишнинг натижаси орқали намойён бўлади ва суд ҳужжатлари ижросини таъминлаш муносабати билан якунига етган ҳисобланади.

Процессуал қонун (ФПК) ҳар доим ҳам даъвогар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш чораларига бирламчи ва устувор сифатида қарамайди. Даъвогарга судга мурожаат қилиш, иш бўйича даъво ариза бериш, низои ҳал этиш каби процессуал имкониятлар берилган, аммо бу ҳолат даъвогар ҳуқуқларини, манфаатларини имтиёзли деб баҳолаш кераклигини, судга мурожаат қилиш талабларини қаноатлантириш зарурлигини билдирмайди. Судга даъво аризаси юзасидан иш бўйича жалб этилган жавобгар ҳам алоҳида субъект, унинг ҳам процессуал имкониятлари, процессуал ҳуқуқлари ва мажбуриятлари борки, процессуал қонун ҳужжатлари жавобгарнинг ҳам ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш кафолатларини яратган.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқида фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатнинг муҳим субъектлари бўлган даъвогар ва жавобгарнинг тенг ҳуқуқий мақомга эгаллиги белгиланган. Бироқ судлов фаолияти ва процессуал тартибот ҳар икки тарафларнинг манфаатларини (талабларини) тенг даражада қаноатлантира олмайди, аммо уларнинг процессуал ҳуқуқларини тенг даражада ҳимоя қилади, тенглик асосида процессуал имкониятлар яратади.

Фуқаролик процессуал кодексининг 10-моддасига биноан фуқаролик суд ишларини юритиш тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги асосида амалга оширилади. Тарафларнинг тенг ҳуқуқлилиги принципи жавобгарнинг берилган даъводан ҳимояланиш ҳуқуқини кафолатлайди. Ушбу принцип судда иштирок этаётган бир неча даъвогарлар ва бир неча жавобгарларга нисбатан татбиқ этилади. Мазкур кафолатлар даъвога қарши эътироз билдириш ва қарши даъво бериш воситалари орқали амалга оширилади.

Даъво тартибда кўриладиган ишларда низолашувчи тарафлар сифатида даъвогар ва жавобгар қатнашади. Улар ўзлари ёки вакиллари (шартномали ёки қонуний вакиллари) орқали судга мурожаат қиладилар ҳамда судда иштирок этадилар. Шунингдек, улар даъвогар ва жавобгар томонидан туриб, бир неча даъвогарлар, бир неча жавобгарлар сифатида иштирок этишлари мумкин. Бундай тоифадаги ишлар бўйича даъвога бўлган ҳуқуқ ва даъво қўзғатиш ҳуқуқининг мавжудлиги; бундан ташқари тарафлар процессуал муомала лаёқатига эга бўлиши, иш юритишга ваколатли бўлиши талаб этилади.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқи назарияси ва амалиётида жавобгар манфаатларини ҳимоя қилиш воситаси сифатида даъвога қарши эътироз билдириш ва қарши даъво бериш институти муҳим ўрин тутди.

Суд жараёнида даъвогар ҳам, жавобгар ҳам келтирилган талаблар, тақдим этилган далилларга нисбатан моддий ёки процессуал ҳуқуқий эътироз билдириши мумкин. Эътироз ёзма ёки оғзаки шаклда бўлиши, уни ишда иштирок этувчи ҳамма шахслар бериши мумкин. Бироқ баҳсли бўлган ҳолати шундаки, даъвогарнинг даъво аризасига ва қўйилган даъво талабларига нисбатан эътирозни фақат жавобгар (унинг вакили) бера олиши мумкин.

Айнан даъвога қарши ҳимояланишнинг субъекти фақат жавобгар ва унинг вакили бўла олиши назарда тутилган бўлиб, “даъвога қарши эътироз билдириш” тушунчаси мазмунида даъво талаби, унинг ҳажми ва доираси, даъво асосига нисбатан эътирозлар мавжуд деб баҳолаш мумкин. Эътирознинг нимага ва қайси объектга қаратилганлигига қараб, шунингдек

эътироз субъектига кўра фарқлаш мумкин. Масалан, даъвогар эътирози, учинчи шахс эътирози, эксперт эътирози, гувоҳ эътирози ва ҳоказо.

Даъвога қарши эътироз билдириш икки турга, яъни моддий-ҳуқуқий ва процессуал-ҳуқуқий эътирозга ажратилади. Эътирознинг мақсади – суд томонидан даъвони тўлиқ ёки қисман қаноатлантиришни рад этишга эришишга қаратилган.

Моддий-ҳуқуқий маънодаги эътироз – низоли талаб вужудга келган моддий-ҳуқуқий муносабатга тегишли бўлиб, айнан даъво талабларига қарши йўналтирилган бўлади ва бундай эътирозлар моддий ҳуқуқ нормаларига ҳавола бериш орқали асослантирилади. Масалан, моддий ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қатор Кодекслардаги нормаларга (талабга, даъво талабига) нисбатан эътироз билдириш, рад этиш, қўшилмаслик ҳаракатларида ифодаланади.

Процессуал-ҳуқуқий маънодаги эътироз – низоли талабни ҳал қилишга қаратилган, процессуал қонун ҳужжатларида кўрсатилган процессуал ҳаракатларга нисбатан вужудга келиб, айнан суд жараёнининг бориши, амалга оширилаётган процессуал ҳаракатларга қарши йўналтирилган бўлади.

Масалан, иш юритишни тугатиш асослари бўйича эътироз, аризани кўрмасдан қолдириш асослари бўйича эътироз, даъво талабларини бирлаштириш ёки ажратишга эътироз ёки қарама-қарши тараф илтимосномаларини рад этиш ёки қаноатлантиришга нисбатан эътироз ва бошқалар.

Фуқаролик процессуал кодексининг 39-моддасига кўра, тарафлар, учинчи шахслар, уларнинг вакиллари, процессда бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўрикландиган манфаатларини ҳимоя қилишда иштирок этадиган прокурор, давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқаролар ишда иштирок этувчи шахслар деб тан олинади. Шунга кўра ишда иштирок этувчи шахслар сифатида Фуқаролик процессуал кодексининг 40-моддасига биноан тарафлар бошқа шахсларнинг арзлари, илтимосномалари, вазларига қарши эътирозлар билдириш ҳуқуқига эгадирлар.

“Процессуал эътироз” имкониятини суд ҳужжатларини қайта кўриш босқичидаги “Процессуал ҳуқуқ нормаларини бузиш ёки ушбу нормаларни нотўғри қўллаш” асоси билан таҳлил қилсак, бу процессуал имкониятлар, тарафларга берилган ҳуқуқ бўлиб, иккита ҳаракат бир-бирини ўзаро тўлддиради. Масалан, биринчи инстанция судида иш мазмунан кўрилаётганда берилмаган эътироз ёки эътирознинг ҳал этилишидан, ечим топишидан норози бўлган тарафлар, албатта юқори судлов инстанциясига мурожаат қилишга сабаб бўлади.

Фуқаролик процессуал кодексининг 44-моддасига кўра, тарафлар процессуал ҳуқуқлардан тенг фойдаланадилар ва тенг мажбуриятларга эга бўладилар. Мазкур қонданинг исботи сифатида дастлабки даъвога нисбатан эътироз ва қарши даъво бериш масалаларини кўрсатиш мумкин.

Шунингдек, тарафлар тенглигини сиртдан иш юритиш жараёнига келмаган жавобгарнинг ҳуқуқлари ҳимояси таъминланганлиги ва соддалаштирилган тартибда иш юритишда жавобгар розилигини олишга доир чора-тадбирларнинг белгиланганлиги билан изоҳлаш уринли.

Фуқаролик процессуал кодексининг 199-200-моддалари қарши даъво тақдим этиш институтига бағишланган. Процессуал кодексда қарши даъвони тақдим этиш ҳамда қарши даъвони қабул қилиш шартлари кўрсатилган. Қарши даъвонинг субъекти дастлабки даъвога қарама-қарши

талаб қўяётган шахс саналади. Асосан бундай талаб билан жавобгар(лар) муурожаат қилади ҳамда қарши даъвои тақдим этиш ҳуқуқи жавобгар(лар) нинг асосий диспозитив ҳуқуқларидан бири саналади.

Қарши даъво – бу мустақил даъво сифатида расмийлаштирилмаган, ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жавобгар томонидан даъвогар бошлаган процессда дастлабки даъво билан бирга қўриб чиқи-лиши учун ҳал қилув қарори чиқарилгунга қадар берилган талаб саналади.

Қарши даъво беришдан мақсад – даъвогар томонидан берилган дастлабки даъво талабига нисбатан ҳимояланиш, ишнинг ҳақиқий ҳола-тини очиш, ишнинг тез ва тўғри қўрилишини таъминлаш, иш бўйича кам харажат сарфлаб, вақтни тежаш, қарама-қарши манфаатли ҳал қилув қарорлари чиқаришнинг олдини олишга қаратилган.

Қарши даъво – бу шунчаки жавобгарнинг даъвогарга нисбатан берадиган оддий даъвоси ёки эътирозидан эмас, балки даъвога қарши ҳимояланиш воситасидир.

Жавобгар даъвогарнинг талабини тўлиқ ёки қисман тан олишга, қарши даъво тақдим этишга ҳақли.

Суд томонидан иш бўйича ҳал қилув қарори чиқарилгунга қадар жавобгар дастлабки даъво билан биргаликда қўриб чиқиш учун даъво-гарга нисбатан қарши даъво тақдим этишга ҳақли.

Фуқаролик процессуал кодексининг 200-моддасида қарши даъво-ни қабул қилиш шартлари кўрсатилган бўлиб, судья қуйидаги ҳолларда қарши даъвои қабул қилиши шарт, агар:

- 1) қарши даъво дастлабки даъвои қоплашга қаратилган бўлса;
- 2) қарши даъвонинг қаноатлантирилиши дастлабки даъвонинг қа-ноатлантирилишини бутунлай ёки қисман истисно этса;
- 3) қарши ва дастлабки даъво ўртасида ўзаро боғланиш мавжуд бўлса ҳамда уларни биргаликда қўриш низонинг тезроқ ва тўғри қўриб чиқирилишига ёрдам берса.

Қарши даъвои қабул қилиш учун юқорида келтирилган учта асосдан бирининг бўлиши етарли саналади.

Қарши даъво судловга тегишлилигидан қатъи назар, дастлабки даъво қўрилайётган жойдаги судда тақдим этилади ва даъво тақдим этиш тўғрисидаги умумий қоидаларга биноан амалга оширилади. “Даъ-во тақдим этиш тўғрисидаги умумий қоидалар” деганда Фуқаролик процессуал кодексининг 5-бобидаги судловга тааллуқлилик, 13-боби-да мустаҳкамланган суд харажатларига доир, 20-бобида белгиланган иш кўзғатиш ва бошқа тегишли бобларга доир қоидалар тушунилади.

Қарши даъвонинг хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлади:
даъво предмети ва асосига эга эканлиги;
даъво аризаларига қўйилган талаблар асосида расмийлаштирилиши;
қарама-қарши тарафлар манфаатлари тўқнашувининг вужудга келиши;
даъвогар талабига нисбатан жавобгар талабининг қарши қўйилиши;
бошланган процессга нисбатан тақдим этилиши;
дастлабки даъвонинг судловлигига асосланиши;
ҳал қилув қарори чиқарилгунга қадар берилиши;
дастлабки даъво билан биргаликда қўрилиши;
қарши даъвои қабул қилишга қўйилган асослардан бирининг қа-ноатлантирилиши;

қарши даъво тақдим этилганда, иш муҳокамаси кейинга қолдирилиши.

Дастлабки даъво билан қарши даъвонинг ўзаро боғлиқлиги даъво предмети, даъво асоси ва низони вужудга келтирувчи моддий ҳуқуқий муносабатда қўринади.

Эътироз ва қарши даъвои далилларсиз асослаб бўлмайди, жум-ладан қонун бўйича меросхўр деб топиш ҳақидаги дастлабки даъвога нисбатан даъвогарга нисбатан оталик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақи-даги суднинг қарори чиққанлиги дастлабки даъвои рад этиш ҳақида қарши даъво беришга асос бўлади.

Қарши даъво аризаси мустақил ариза сифатида қабул қилинади ҳамда умумий асосларда расмийлаштирилади. Шу жумладан, қарши даъво аризасига қўйилган махсус процессуал талаблар кўрсатилмаган, бундай ариза ҳам ФПКнинг 189-моддасида берилган умумий талаблар-га асосан ёзилади ва берилади. Аммо қарши даъво бериш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доираси чекланган бўлади. Шунга қўра қарши даъво аризасига нисбатан Фуқаролик процессуал кодексининг тегишли мод-даларида мустаҳкамланган аризани иш юритишга қабул қилиш ва иш кўзғатиш, аризани иш юритишга қабул қилишни рад этиш, аризани қайтариш, аризани кўрмасдан қолдириш, давлат божини тўлаш каби процессуал ҳаракатлар ва оқибатлар қўлланилади.

Қарши даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш ҳақида судья ажрим чиқаради. Қарши даъвои тақдим қилишга суднинг исталган босқичида ҳал қилув қарори чиқарилгунга қадар (аниқроғи алоҳида хонага киргунга қадар) йўл қўйилиши белгиланган. Судья жавобгар-га қарши даъво тақдим этиш ҳуқуқи борлигини ишни судда қўришга тайёрлаш босқичида тушунтириши лозим. Даъвога қарши эътироз ва қарши даъво тақдим этиш ҳаракатлари айнан даъво тартибидида қўри-ладиган ишларда учрайди ва мазкур суд ишларини юритиш турининг муҳим элементларидан бири саналади. Ушбу процессуал ҳаракатлар айнан жавобгар ҳуқуқлари ва манфаатлари билан боғлиқ. Бошқа суд ишларини юритиш турларида ушбу процессуал воситалардан фойда-ланиш деярли учрамайди, чунки иш бўйича жавобгар бўлмаганлиги оқибатида ишда аризачи ва манфаатдор шахс учрайди. Суд ишлари-ни юритишнинг бошқа турларида эътироз билдириш ҳаракати амалга оширилади, бу ҳаракатлар судга тақдим этилган талабга, келтирилган далилларга, олиб борилаётган процессуал ҳаракатларга нисбатан бил-дирилиши мумкин.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак биринчидан, эътироз ва қарши даъвонинг фарқи ва ўхшаш жиҳатлари мавжудлигини эътироф этган ҳолда мазкур институтлар механизми, мақсади ва тақдим этилиш шак-лига қўра ўзаро фарқланади. Масалан, эътироз даъвои бекор қилишга қаратилса, қарши даъво даъвогарга ва унинг даъво талабига қарши талаб қўяди. Эътирознинг махсус талаблари ва шартлари йўқ, аммо далиллари мавжуд. Қарши даъвода эса махсус қабул қилиш шартлари, процессуал талаблари белгиланган;

иккинчидан, жавобгар эътироз ва қарши даъво орқали ўз манфаатла-рини бир вақтнинг ўзидида ҳимоя қилиши мумкин. Эътироз ва қарши даъво-ни асослаш учун етарли далиллар тақдим этиш жавобгарнинг бурчидир;

учинчидан, қарши даъво тақдим этишда дастлабки ва қарши даъво талаблари ўртасида фақат узвий боғланиш мавжуд, аммо қайси даъво талабига нисбатан қайси қарши даъвои бериш ҳақида махсус кўрсат-ма мавжуд эмас. Бу борада процессуал қонунда процессуал шартлар кўрсатилган.

тўртинчидан, суд амалиёти материаллари таҳлилларига қўра, моддий-ҳуқуқий эътироз бериш ҳолатлари деярли кўп эмас, бундай ҳолатларда аризани қабул қилиш рад этилади ёки талаб қаноатланти-рилмайди. Процессуал-ҳуқуқий эътироз бериш ҳолатлари деярли кўп учраши кузатилади, бундай ҳолатларда ариза ёки илтимосномалар орқали муаммолар ечилади ёки юқори судлов инстанцияларига шикоят ва протест бериш ҳолатлари вужудга келади.

бешинчидан, эътироз ва қарши даъво бериш ҳолатлари ишнинг ҳақиқий ҳолатини очишга ёрдам беради, тарафларнинг тортишувчанлиги-ни кўрсатади, улар фаолиятининг фаоллигини оширишга хизмат қилади.

Замира ЭСАНОВА,

ТДҲУ Фуқаролик процессуал ва иқтисодий процессуал ҳуқуқи кафедраси профессори.

ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТЛАРДА ОДИЛ СУДЛОВ ҲУҚУҚИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Фавқулодда ҳолатлар суд тизимининг нормал фаолият юритиши учун ўзига хос жиддий муаммолар тугдиради. Шундай вазиятларда ҳам судлар ишини иложи борида тўлиқ ва имкон қадар хавфсиз, тўғри ташкил этиши муҳимдир. Фавқулодда ҳолатлар кучайиб кетишининг олдини олиш учун давлатлар суд тизимининг нормал фаолиятини таъминлаш билан боғлиқ махсус тартиблар ва қоидаларни жорий этишга мажбур. Бироқ, бу тадбирлар инсон ҳуқуқларига нисбатан адолатни амалга оширишга тубдан тўсқинлик қилмаслиги керак.

Одил суд фаолиятини бошқариш органлари миллий суд тизимининг нормал ишлашини таъминлаш, суд тизими самарадорлигини ошириш ва рағбатлантириш учун турли даражаларда суд бошқаруви кенгашлари ва суд маъмуриятлари иш унумдорлигини оширишлари керак.

Фавқулодда ҳолатда қабул қилинган фавқулодда қоидалар жамоат ҳаётига жиддий чекловлар қўйса ҳам миллий суд тизимининг нормал ишлашига салбий таъсир этса ҳам иштирокчи давлатнинг қонунчилигида назарда тутилган ҳолларда расман жорий этилади. Фавқулодда ҳолатни жорий этишнинг зарурий шарти фавқулодда вазиятни бартараф этиш учун оддий қонун ҳужжатларида назарда тутилган ваколатларнинг етишмаслиги ҳисобланади. Шунинг учун ҳар қандай фавқулодда ҳолатни ўтказишнинг якуний мақсади фавқулодда вазиятни бартараф этиш ва имкон қадар тезроқ оддий ҳолатга қайтариш бўлиши керак.

Судьялар, суд ходимлари, адвокатлар ва прокурорлар баъзи зарур чекловлар билан ишлашга тўғри келсаларда ўз фаолиятларини давом эттиришлари керак. Масалан, комендантлик соати, ҳаракатланиш чекловлари ва бошқа ҳолатлардаги чекловларда суд вакиллари ва тегишли мутахассислар бундай чоралар қўрилмайдиган касблар рўйхатида киритилиши, уларнинг ўз вазифаларини бажариш қобилияти чекланмаслиги лозим. Улар учун рухсат берувчи тизим жорий этилиши жоиз.

Одил судловни бошқариш органлари фавқулодда вазиятда суд жараёнига тегишли янги иш усуллари ва ёндашувларини тасдиқлашлари керак. Ушбу янги усуллар аниқ ва натижаси олдиндан маълум бўлиши керак, лекин айти пайтда керакли мослашувчанликни таъминлаши лозим. Суд органлари ўз ваколатлари доирасида миллий суд тизими фаолият юритиш қоидаларини фаол равишда ишлаб чиқишлари, ишларини юритиш самарали ва хавфсиз бўлишини таъминлаши жоиз. Ушбу қоидаларга қуйидагилар киради: судьялар ва ёрдамчи ходимларни ротация қилиш қоидалари, иш соатларини аниқ белгилаш, ишларнинг устуворлиги ҳолатлари, ишларни эшитишни тайинлаш ва кечиктириш, суд жараёнида иштирокчилар ва жамоатчилик билан алоқа ўрнатиш, шунингдек суд биноларига кириш ва ҳ.к.. Суд тизимида оид фавқулодда қоидаларни ишлаб чиқиш жараёнида судьялар, адвокатлар, ижтимоий хизматлар, прокурорлар ва фуқаролик жамиятининг фикри ҳисобга олиниши керак.

Турли ҳажмдаги судлар (ходимлар сони ва бинолар сони бўйича катта-кичиклигига қараб) ёки судловга тегишлилиги бўйича (фуқаролик, жиноий ёки маъмурий) фавқулодда ҳолат муаммолари ечимига самарали жавоб бериш учун турли хил қоидалар ишлаб чиқиши керак. Масалан, иқтисодий ва фуқаролик суд мажлисларини онлайн видеоконференц алоқа

ёки аралаш тарзда ўтказиш жиноят судига қараганда анча осон, чунки одатда бундай суд мажлисларида тақдим этиладиган далилларнинг табиати, процесснинг ўзига хос хусусиятлари, жиноят судларига қараганда анча содда ва уларда қатнашчиларнинг эркинликлари ҳеч қандай тарзда чекланмаган.

Фавқулодда вазиятда амалдаги қоидалар биноларда ишчилар сонини минималлаштириш учун сменали иш жадвалларини жорий этишни ва ходимларнинг ишда ўтириши талаб этилмайдиганларини масофадан ишлашга, масалан, уйдан туриб ишлашини ўз ичига олиши мумкин.

Ишларнинг устуворлиги ва туркумланиши фавқулодда вазиятда асосий аҳамиятга эга. Бу – фавқулодда ҳолат шароитида тиклаб бўлмайдиган зарарларнинг олдини олиш зарурлигини ўз ичига олиши мумкин; буларга оиладаги зўравонлик, вояга етмаганлар ёки қариялар билан боғлиқ ишлар, шунингдек, инсон ҳуқуқларидан чекинишга йўл қўйиш мумкин бўлмаган ишлар билан боғлиқ ҳолатлар ҳамда қийноқларни таъқиқлаш кабиларни киритиш мумкин. Судланувчи қамоқда сақланаётган ишлар ҳам устувор бўлиши лозим. Алоҳида ҳолатларда қайси ишларни биринчи ўринга қўйиш, қайсисини кейинга қолдиришни судьяларнинг ихтиёрига бериш мақсадга мувофиқ.

Суд эшитувларида видеоконференцалоқа, аудио ва видеоёзувлардан муқобил сифатида фойдаланиш керак. Бундай жараёнлар миллий қонунчиликка мувофиқ ва қонун устуворлиги тамойилларига кўра инсон ҳуқуқлари, шу жумладан маълумотлар хавфсизлиги, махфийликни кафолатлайдиган қоидалар ҳамда алоқа ва суд тизимининг мустақиллигига асосланиб ўтказилиши жоиз. Фавқулодда ҳолат шароитида бундай суд жараёнлари сонини кўпайтириш лозим. Бунда махсус қабул қилишни талаб қилиши мумкин бўлган қонунлар, қарор ва кўрсатмалар ишлаб чиқилган қонун ижодкорлиги органлари билан ҳамкорликда ахборот технологиялари ва маълумотларни ҳимоя қилиш бўйича мутахассислар ва экспертларни жалб этиш лозим бўлади.

Коронавирус инфекцияси мамлакатимиз ҳудудларига кириб келгач масофавий одил судловни кенгайтириш ва ривожлантириш биринчи ўринга чиқди. Пандемия даврида суд мажлислари видеоконференцалоқа ва веб-конференция тизимлари орқали амалга оширилди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида жиноят процессида иштирок этувчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишни кучайтиришга қаратилган ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 3 декабрдаги ЎРҚ-586-сонли қонуни билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 91-моддаси-

нинг 4 қисмига қўшимча равишда шахсни ушлаш; химоячидан воз кечиш; шахсни ушлаш жараёнида ўтказиладиган шахсий тинтув ва олиб қўйиш каби тергов ҳаракатлари ҳам видеотасвирга туширилиш тартиби киритилди.

Ундан ташқари, 2021 йил 18 февралдаги ЎРҚ-675-сонли “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни билан амалдаги ЖПК янги “Кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш”номли 12¹-боб билан тўлдирилиб, унинг 121⁴-моддасида (Кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш тартиби) “суд мажлиси аудио ва видеоёзувдан фойдаланган ҳолда, шунингдек видеоконференцалоқа режимида ўтказилиши мумкин”лиги белгилаб қўйилди.

Янги технологиялардан фойдаланиш томонларнинг тенглигига путур етказмаслиги ва уларнинг процессуал ҳуқуқларини амалга оширишда қўшимча тўсиқлар яратмаслиги керак. Фавқулодда вазиятларда суд тизимининг ишлаш қоидаларида суд эшитувларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар, хусусан, қандай дастурий таъминот ва аппарат воситалари зарурлиги, томонлар ва уларнинг адвокатлари ўртасида алоқа қандай ташкил этилиши мумкинлиги, раислик қилувчи гувоҳларга ёки бошқа шахсларга нисбатан қандай чоралар кўриши кераклиги тўғрисида кўрсатмалар бўлиши керак.

Судьялар, суд ходимлари, бошқа мутахассислар ва онлайн суд жараёнининг қолган иштирокчилари янги ва аралаш форматдаги ахборот технологиялари, маълумотларни химоя қилиш ва инсон ҳуқуқлари стандартлари юзасидан улардан қандай фойдаланиш мумкинлиги бўйича ўқитилиши зарур. Томонлар, судланувчилар, гувоҳлар ва бошқа иштирокчиларга ушбу техник воситалардан фойдаланиш бўйича кўрсатмалар билан ҳар бир алоҳида ҳолатда дастурий таъминот ва аппарат тўғрисида ахборот беришлари керак.

Судьялар, томонлар, суд ходимлари ва бошқа суд жараёни иштирокчилари онлайн ёки гибрид суд жараёнларида техник ёрдам олиш имкониятига эга бўлишлари, интернетга уланиш ва видеокамералар (шу жумладан видео ва овоз) онлайн ва аудио эшитув жараёнида ишлатиладиган бошқа техник воситаларни ишлаш жараёни сифатли бўлиб суд жараёнини ўтказишга тўсиқлар яратмаслиги жоиз.

Судлар фаолиятида электрон ҳужжат айланишига тўлиқ ўтиш ва одил судлов имкониятларини ривожлантириш масаласи ҳам долзарб бўлиб бормоқда. Электрон ҳужжат айланиши одил судловнинг мавжудлигини таъминлашга, шунингдек, турли хил суиистеъмолчиликлар ва ташқи аралашувлар хавфини камайтиришга, ҳужжатларни эгаларига етказишда йўқолиб қолиш эҳтимолининг пасайишига имкон беради, бу апелляция ва кассация судлари учун аниқсиз муҳимдир.

Фавқулодда вазият тугагандан сўнг дарҳол у билан боғлиқ бўлган чеклов чоралари ҳам бекор қилинади. Судларга янги турдаги ишлар, шу жумладан фавқулодда вазиятлар даврида содир этилган кўплаб қоидабузарлик ҳолатлари ва бошқа жиноятларга оид ишлар келиб туша бошлайди ва бундай ҳолатлар миллий суд тизимига ортиқча юк бўлмаслиги керак. Фавқулодда ҳолатлар даврида содир этилган ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар учун жазолар инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини жиддий чеклаб қўймаслиги керак.

Зарурат бўлса фавқулодда ҳолат шароитида қўлланган амалдаги чекловчи қоидаларнинг инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлиги нормаларига қанчалик мувофиқ эканлиги ҳам текшириб кўрилиши керак. Фавқулодда ҳолат тўғрисида нотўғри маълумот тарқалишига қарши кураш чоралари ишлаб чиқиши зарур. 2020 йилда короновирусга қарши кураш доирасида жорий қилинган карантин, фавқулодда чеклов чоралари мамлакат бўйлаб жорий этилганда аҳоли орасида ваҳимали кайфият уйғота бошлагач, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 26 мартдаги қонуни билан амалдаги Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига, аҳоли ўртасида ҳақиқатга тўғри келмайдиган миш-миш иғволарни тарқатганлик учун жавобгарлик кучайтирилган эди. Фавқулодда ҳолатларда амалдаги қоидалар ва қонунлар аниқсиз, жазо чораларини кучайтирадиган қонун ҳужжатлари аниқ ва тушунарли бўлиши керак ҳамда улар кучга киргунга қадар жамоатчиликка етказилиши керак.

Озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазолар, ҳатто фавқулодда ҳолатда ҳам оқилона, зарур ва мутаносиб бўлиши керак. Судьялар судланувчига озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги ҳукми чиқаришда (айниқсиз, қисқа муддатли) фавқулодда ҳолат шароитида у судланувчига жиддий таъсир қилиши мумкин бўлган ҳолатларни ҳисобга олишлари керак. Ҳибсга олинган шахс сўзсиз судга олиб келиниш ҳуқуқига эга. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ҳибсга олинган шахс ҳуқуқини ҳурмат қилиши жоиз. Агар фавқулодда вазият жисмоний шахсни судга келтиришга имкон бермаса, эшитишни онлайн ёки аралаш форматда ташкил қилиш лозим.

Имкон қадар суд мажлисида адвокат ҳибсга олинганнинг ёнида бўлиши жоиз. Агар ҳибсга олинган шахснинг адвокат хизматидан фойдаланиши имконсиз бўлса, уларга адвокат билан назорат қилинмайдиган мулоқот қилиш имконияти яратиб берилиши лозим. Масалан, махсус алоқа канали ёки видеоканал орқали кўриқланаётган бинога хавфсиз улашиб берилиши мақсадга мувофиқ.

Имкони бўлса ва жуда зарур вазиятларда, маъмурий ҳуқуқбузарликлар, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар учун миллий суд органлари фавқулодда вазият ҳолатларида ҳибсга олиш тарзидаги эҳтиёт чораси ўрнига гаров ёки уй қамоғи каби муқобил профилактика чораларидан фойдаланиши мумкин. Вақтинчалик таъқиқ фавқулодда ҳолатнинг муайян босқичларида қабул қилиниши мумкин, аммо бу чекловлар вазиятнинг мураккаблиги билан оқланиши ва вазият ўзгариши билан аста-секин бекор қилиниши керак. Фавқулодда вазиятда амалдаги барча қоидалар мос, мутаносиб ва тушунарли бўлиши талаб этилади.

Миллий суд органлари ўзларининг манфаатдор томонлари ва кенг жамоатчилик билан самарали мулоқот қилишлари лозим. Масалан, муайян ишлар бўйича мунтазам пресс-релизлар чиқариш ва суд жараёнининг бориши тўғрисида жамоатчиликни ҳабардор қилиб бориши лозим. Судларда алоҳида оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бўйича ходимлар штати мавжуд бўлиб, улар мунтазам равишда судлардаги муҳим ишлар тўғрисида маълумот беришлари керак.

Гайбулла АЛИМОВ,

Жамоат хавфсизлиги университети доценти, ю.ф.н.

ЧИН ИНСОН, ЮКСАК САЛОҲИЯТЛИ ОЛИМ

Ахтам Саломович ТУРСУНОВ портретига чизгилар

Яратганга беадад шукроналар айтаманки, тақдир тақозоси билан катта- кичик идораларда жуда кўплаб улуг, юксак мартабага эга бўлган инсонлар билан бирга ишлаш, устоз ва шогирд мақомида бўлиш насиб этди.

Мана шундай ИНСОНлардан бири – юридик фанлар доктори, профессор, таниқли давлат ва жамоат арбоби, мен каби жуда кўплаб ҳуқуқшунослар орзусидаги инсон, меҳрибон Устоз — Ахтам Саломович Турсуновдир.

Бундан қарийб чорак аср олдин Ахтам Саломовичнинг шарафли номини эшитган бўлсамда, у киши билан бирга ишлаш бахти менга Ўзбекистонда илк бор ташкил этилган икки палатали парламентга бўлиб ўтган сайловлардан кейин (2005-2010 йилларда) Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутат бўлиб сайланганимдан кейин насиб этган.

Ҳар қандай инсон ҳавас қилса арзигулик шарафли умр йўлини босиб ўтаётган Ахтам Саломович ҳақида гап кетганда, табиатнинг “бор жойдан йўқ бўлмайди – йўқ жойдан бор бўлмайди”, – деган ўзгармас қонунияти доимо ёдимга тушади.

Бу инсондаги закийлик ўз-ўзидан пайдо бўлмаган, ўзбекча айтганда: “қонида бор”. Ахтам Саломовичнинг отаси Салом Турсунов ўз даврининг оқил, доно ва кайвони раҳбарларидан бири бўлиб, узоқ йиллар давомида масъулиятли ва юксак лавозимларда ҳалол ва пок ишлаб, халқнинг кўнгилдан муносиб жой олган. Шу боис Самарқанд вилоятининг Пастдарғом тумани аҳолиси орасида бу Инсонни танимаган ва эшитмаган одам жуда кам топилади.

Устоз Ахтам Саломович юқорида айтиб ўтганимиз довруқли сулоланинг забардаст вакилларида бири бўлиб, Ўзбекистоннинг ҳуқуқий тараққиётига катта ҳисса қўшган камсонли олимлардан бири ҳисобланади.

Дарҳақиқат, Устозимиз бу йил 70 ёшга тўлдилар. Юбилей муносабати билан чиққан “Ҳаётим ва ҳақиқатларим” китобини ўқиб, у кишининг нақадар юксак салоҳиятга эга олим эканлигига яна бир бор амин бўлдим.

Ушбу китобда қайд этилганидек, Ахтам Турсунов 1954 йил 1 декабрда Самарқанд вилояти Пастдарғом туманида зиёли оиллада таваллуд топган. Бўладиган бола бошидан маълум деганларидек 1971 йилда 45-ўрта мактабни олтин медаль билан тамомлаган.

Бўлажак олимнинг илк меҳнат фаолияти ҳам бевосита китоб билан чамбарчас боғланган. Бўлажак ҳуқуқшунос ҳали ўқувчилик давридаёқ (1969-1971 йиллар) ўзи туғилиб ўсган жамоа хўжалиги кутубхонаси мудири вазифасида иш бошлаган.

Кейинчалик Тошкент давлат университети талабаси (1971-1976 йил), Қарши давлат педагогика институти ўқитувчиси ва Тошкент давлат университетининг юридик факультети стажёр тадқиқотчиси (1976-1978 йил), Москва давлат университети юридик факультети аспиранти (1978-1982 йил), Самарқанд давлат университети юридик факультети ассистенти, катта ўқитувчиси, декан ўринбосари (1982-1988 йил), Тошкент давлат университети юридик факультети доценти, Тошкент давлат юридик институти факультет декани (1989-1993 йил), Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ҳуқуқий сиёсатни мувофиқлаштириш ва халқаро ҳуқуқий алоқалар бошқармаси бошлиги (1993-1995 йил), Ўзбекистон Республикаси Президенти девони етакчи консультанти (1995-1997 йил), Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги



Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти директори, Олий Мажлис Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари қўмитаси раиси, Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари қўмитаси раиси ўринбосари (1997-2015 йил). Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Автомобилларда ташувлар ҳавфсизлигини таъминлашни назорат қилиш бошқармаси бошлиги ўринбосари (2017-2018 йил) лавозимларида фаолият юритган. 1993 йилда унга “Биринчи даражали Адлия маслаҳатчиси” – полковник унвони берилган.

Ахтам Саломович олим сифатидаги фаолиятини ҳам эрта бошлаган. 1982 йилда Юридик фанлар номзоди диссертациясини Москва давлат университети ҳузуридаги Ихтисослашган кенгашда ёқлаган. Докторлик диссертациясини эса 2002 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси Ихтисослашган кенгашида муваффақиятли ҳимоя қилган.

У кишини сиёсатни жуда нозик тушунадиган камсонли мутахассислардан бири деб айтсак, ҳеч қандай муболага бўлмайди. Ахтам Саломович мамлакатимиздаги бир нечта сиёсий партияларга, хусусан “Ватан тараққиёти”, “Фидокорлар”, “Миллий тикланиш” демократик партияларига раҳбарлик қилган. Мана шу нуқтаи назаридан ҳам Ахтам Саломович Ўзбекистондаги кўппартиявийлик тизимининг вужудга келишига ва тараққий этишига муносиб ҳиссасини қўшган салоҳиятли Ватандошларимиздан биридир.

Бу инсондаги юксак инсоний фазилатлар, хусусан одаммийлик, Ватанга садоқат билан хизмат қилиш, барча инсонларга нисбатан саноқдор муносабатда бўлиш, меҳр-мурувват кўрсатиш бошқаларнинг ҳавасини келтиради.

Ҳурматли Устоз!

Давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан Янги Ўзбекистоннинг бош ғоясига айланган инсонларнинг ҳуқуқларини амалда таъминлаш орқали одамларни рози қилиш, уларга муносиб турмуш шароитларини яратиб бериш борасида Сизнинг катта ҳаётий ва иш тажрибангиз, саъй-ҳаракатларингиз алоҳида таҳсинга сазовор.

Сизни яна бир бор қутлуг 70 ёшингиз билан табриклаб, узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ, тинчлик-хотиржамлик тилаймиз.

Ўзбекистонимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшишдек ўта шарафли ва масъулиятли ишларингизда улкан муваффақиятлар ёр бўлсин!

Худоёр МАМАТОВ,

юридик фанлар доктори, профессор.

АДОЛАТГА БАХШИДА УМР

Мирзачўл деганда ҳозирги ёш авлод яшнайётган бугунги воҳани кўз олдига келтиради. Бир вақтлар бу ерлар биёбон, тўқайзор, пашша-чивинлари чақса киши танаси мўматалоқ бўлиб кетадиган даражада хавфли макон бўлганлигини ҳамма ҳам билавермайди. Бугунги Мирзачўл воҳаси мамлакатнинг турли минтақаларидан келган турфа миллат ва элатлар вакиллариининг қаҳрамонона меҳнати билан тобора қисқариб борди. Янги-янги ҳудудларда қишлоқлар, хўжаликлар, районлар ташкил қилинар, тегишли инфратузилмалар ҳам санокли кунларда ташкил этилар ва мамлакатга зудлик билан пахта етиштириб беришга киришиб кетилар эди...



Шундай бир дамда Гулистон туманидан ажратилган бир неча хўжалик ва янги ташкил этилган 3-4 та хўжалик қўшилиб бир туман ташкил этилди. Ушбу туманга Комсомол номи берилди. Янги туманни ташкил этиш, оёққа тургазиш, ишларни йўлга қўйиш жараёнига Сирдарё туманидан камина ҳам юборилганлардан эдим. Ана шу шиддатли кунларда туман прокуратурасида терговчи бўлиб ишлаётган Зариф Давронов билан танишиб қолдик.

Янги туман, янги кадрлар, аҳоли ҳам кам, лекин иш ошиб-тошиб ётибди. Район раҳбари колхоз раислигидан чиққан киши бўлгани учун ҳар куни 2-3 маротаба мажлис ўтказди. Шу мажлисларда кўпинча Зариф Давронов ҳам қатнашади. Раҳбар тез-тез уни тургазиб савол сўрайди, қонуний томони қандай бўлади, дейди.

Камина мафкуравий масалалар бўйича мутасадди бўлим раҳбари бўлганим учун Зарифжон билан тез-тез суҳбатлашардик. Шундай суҳбатларимизнинг бирида Зарифжон туман газетаси саҳифаларида ҳуқуқий масалаларни мунтазам ёритиб борса бўладими?, – деб сўради. Ўша пайтлари Эргаш Ҳалилов район газетаси муҳаррири эди. Бир куни Зарифжон билан муҳаррирни иш кабинетимга таклиф этдим ва Зарифжоннинг газета саҳифасида ҳуқуқий маслаҳатлар, савол-жавоблар ташкил этиш бўйича айтган таклифини муҳокама қилдик. Бу вақтда Зариф Давронов туман халқ суди раиси бўлиб ишлаётганди. Муҳаррир ва суд раиси шу ерда бир йиллик ҳамкорлик бўйича мавзуларни келишиб, қозғоғга ҳам тушириб, тасдиқлаб олишди.

Зарифжон юрист бўлсада, матбуотга яқин одам эди. Ўзи ҳам тинмай мақолалар ёзар, вилоят, туман газеталарида ўзи ёки судда ишлайдиган бошқа ходимларининг мақолалари чоп этиб туриларди.

Зариф Давронов янги туманда қонунчилиқни йўлга қўйишда фидойилик билан ишлади. Раҳбарлар ва аҳоли ўртасида жуда катта обрўга сазовор бўлди. Ўша пайтлар ҳосил байрами катта майдонларда сайил сифатида ўтар, унда каттаю-кичик иштирок этарди. Шундай байрамларнинг бирида Зарифжон ўзи ишлаган туман аҳолисини кутлаш учун Янгиердан Мирзаободга келди. Ҳамма унга пешвоз чиқар, меҳмон қилишга чорлар, туманда бирга ишлаган вақтларни эслашар эди. Бу бежиз эмасди, чунки Зарифжон қаерда ишламасин, ўша ердаги қишлоқларни, овулларни бориб айланар, шу ердаги кекса авлод вакиллари, зиёлилар билан мулоқотлар қилар, уларнинг саволларига жўяли жавоблар берарди. Ҳамма жойда у ўша жойнинг ўзиники бўлиб кетишга интиларди. Мирзаобод туманида у билан қўшни яшаганлар, шу туман фаоллари, кексалар, нуронийлар ҳали ҳамон Зарифжонни, унинг оила аъзоларини, фарзандларини эслашади, яхши қўшничилик қилганларини гапиришади.

Биз Зариф юристнинг секин-аста Зариф-изланувчи эканлигини кашф қилганлигимизни ҳам таъкидлашимиз керак. Изланувчи дейишимизга сабаб шуки, у бориға кўникиб, мавжудлиги билан қониқиб яшайдиган инсон эмас, балки макондан имкон қидирадиган, ўз истак-интилиши билан атрофидагиларни ташаббуси ҳамкорига айлантира олиш фазилатларини намоён этишини ҳам кўрсатди. Масалан, Мирзаобод туманида суд биноси пастқам, оддий бир хонадон мақомидаги уйда жойлашганди. Зариф Давронов фикрича, қонун устуворлигини кўрсатиш, адолатни қарор топтириш аввало унда ишлайдиганлар сиймосида, улар ишлаётган бино кўринишида ҳам акс этиши, бу даргоҳга келганлар суднинг имиджидан ҳам адолатни ҳис қилиши керак эди. Шуни туман раҳбарияти олдига қайта-қайта қўйиши, масала моҳиятини уларга исботлагани туфайли ўзи бош бўлиб суд биносини қуришни амалга оширди. Адлия вазирлиги ҳам қараб турмади, ташаббусни республикага ёйишни маъқул топди, суд тизими ходимларининг кўргазмали семинарини ўтказди, ташаббус қанот ёзди. Мирзаобод тумани тажрибаси вазирлик коллегиасида алоҳида таъкидланди ва бошқа туманларда ҳам шундай ҳаракат бошланишига тўртки бўлди.

Сайхунобод туманида, Янгиер шаҳрида ҳам ана шундай бинолар қурилишига бош-қош бўлди ва ўзидан яхши хотира қолдирди. Бу орада у ўзига ўхшаган кўплаб виждонли суд ходимларини тарбиялашга, уларни учирма қилиб яхши ишларга йўлланма беришга ҳам улгурди, устозга айланди.

Фаолияти давомида кўрсатган жонбозликлари сабаб Зариф Давронов адлия вазирлигига ишга таклиф қилинди. У ерда айнан аграр тармоқ билан ишлашга мутасадди бўлди ва деҳқонларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга, уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириб мулкдорлар синфини шакллантиришга ҳаракат қилди. Қаерда ишламасин, қонун устуворлигини, адолатни ўзи учун бош шior қилиб олди ва бундан бирор марта ҳам пшаймон бўлган эмас, виждони олдида юзи ёруғ. Бу хусусият Сорабековлар оиласига хос бўлган фазилатлардандир. Чунки, бу сулоланинг каттаси раҳматли Абдуқодир ака, Зариф, Ҳасан ва Хусанлар ҳам ҳуқуқшунос сифатида ўз вазифаларини сидқидилдан уддалашиб аввало ҳамкасблари, қавму қариндошлари, дўстлари ва фарзандлари олдида юзлари ёруғ бўлди. Бугун Зариф суд тизими фаҳрийси, лекин ҳали ҳамон ўзини ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга сафарбарлар сафидан учирган эмас, шогирдларига бош бўлиб, қонунчилиқни ҳимоя қилиш йўлида тер тўкиб келяпти.

Ҳалол меҳнати сабаб жуда кўплаб юксак сийловларга сазовор бўлган, касбидан бахту саодат топган ҳуқуқшунос-чўлқувар оғайнимиз Зариф Сорабекович Давронов 70 ёшни қоралаётган экан унга янада улуг ўшларни тилаган ҳолда, – хорманг, навқирон чўлқувар, – дегимиз келади.

Илёс ҚУВОНДИҚОВ,

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.



СИНГАПУРДА МЕДИАЦИЯ

Медияция Сингапурда янги тушунча эмас. Кўпгина Осиё маданиятлари ўз жамоаларида воситачиликни у ёки бу шаклда қўллашган, кўпинча ҳурматга сазовор оқсоқолларни воситачи сифатида ишлашга таклиф қилишган. Бироқ, урбанизация ва саноатлаштириш, шунингдек, қонуний ҳуқуқларга урғу бериш суд муҳокамасига эътибор қаратишга ҳамда воситачилик ва бошқа норасмий низоларни ҳал қилиш механизмларининг пасайишига олиб келди.

1970 йилларда Сингапурга Фарб воситачилик ҳаракати тарқалиб кетганлиги сабабли медиация ва низоларни ҳал қилишнинг бошқа муқобил усуллари 1990-йилларда қайтадан киритилди. Айнан шу амалиётлар бугунги кунда Сингапурда медиация маданиятини белгилайди.

Сингапурда медиация амалиётининг иккита асосий тоифаси мавжуд, булар: суд медиацияси ва хусусий медиация.

Суд медиацияси – бу томонлар ўртасида суд жараёни бошлангандан кейин судларда амалга ошириладиган медиация. Медиациянинг бу тури асосан давлат судлари (фуқаролик низолари, жамоа низолари, безорилик ва меҳнатга оид низолар ҳамда кам аҳамиятли жиноий ҳуқуқбузарликлар бўйича) ва оилавий судлар томонидан амалга оширилади. Медиациянинг биринчи тури низоларни ҳал этишни давлат судлари маркази (SCCDD) томонидан кўриб чиқилади. Оилавий судларда медиация ҳозирда Оилавий низоларни кўриб чикувчи палаталар (FRC), Таъминот масалалари бўйича воситачилик палаталари (MMC) ва Болаларга дўстона муносабатда бўлиш маркази (CFRC) томонидан амалга оширилади.

Сингапурда хусусий воситачиликни асосан Сингапур воситачилик маркази (SMC) ва Сингапур халқаро воситачилик маркази (SIMC) бошқаради ва амалга оширади.

Медиацияни ривожлантириш Сингапур суд тизимининг бевосита ва фаол кўмагида амалга оширилди. Суд ҳокимияти 1992 йил январь ойидаёқ Олий суд ва штат судларида фуқаролик ишлари бўйича судгача мажлисларни (PTC) бошлади. Котиб раислигида ўтказилган ушбу учрашувлар ишни оптимал ва самарали ҳал қилишга ёрдам берди ва томонларни ўз низоларини музокаралар йўли билан “зарарсиз” ҳал қилишга ундади. Музокаралардан фойдаланиш 1996 йилда Сингапур Суд Регламенти (қоидалари)га мувофиқ Олий суд ва штат судларида расмийлаштирилди. Ушбу ҳужжат судга томонларни махфий мажлисларда иштирок этишни буюриш ҳуқуқини берди, шунингдек, судга иш юритиш бошланганидан кейин исталган вақтда низони адолатли, тез ва иқтисодий жиҳатдан ҳал қилиш учун томонларга зарур деб ҳисоблаган бошқа буйруқлар ёки кўрсатмалар бериш ҳуқуқини ҳам берди.

Суд тизими 1994 йилда медиацияни институционализация қилиш, давлат судларида медиацияни жорий этишда етакчилик қилди. Асосий мақсад Сингапур маданиятига бегона бўлмаган жараённи қайтадан жорий этиш, оила ва жамиятнинг ҳамжихатлиги ва уйғунлигини сақлаб қолиш эди. Бошқа сабаблар эса низолар билан харажатларни камайтириш ва низоларни ҳал қилиш учун ҳукумат ресурсларидан самаралироқ фойдаланиш орқали самарадорликни оширишдан иборат эди. 2010 йилдан штат судлари фуқаролик низолари учун ADR шакли ёки муқобил низоларни ҳал этиш шаклини жорий этиш орқали медиациядан фойдаланишни рағбатлантириш амалиёти йўлга қўйилди. Адвокатлар ҳам, миҳозлар ҳам ушбу шаклда ADR вариантларини муҳокама қилганликларини тан олишлари ва тегишли шаклда ADRдан фойдаланиш бўйича қарорларини кўрсатишлари керак эди. 2012 йилда “ADR презумпцияси” жорий этилди, унга кўра барча фуқаролик ишлари агар бир ёки бир нечта томонлар ундан воз кечмаса автоматик тарзда медиацияга ёки ADRнинг бошқа шаклларига юборилади. Котиб томонидан узрсиз сабабларга кўра ADRдан фойдаланишни рад этиш ҳолатлари учун Суд Регламентига мувофиқ жазо чораларини қўллашга олиб келарди.

Шунга ўхшаш чоралар Олий суд томонидан 2013 йилда амалга оширилган бўлиб, суд кўрсатмаларига ўзгартиришлар киритилган ҳолда, медиацияни амалга ошириш истагида бўлган тарафга “ADRни қўллаш тўғрисида таклиф” бериш имконини берган эди. Олий суд Суд Регламентига мувофиқ харажатлар тўғрисида тегишли буйруқ қабул қилинганда, бундай таклиф ва таклифга жавоб эътиборга олишини таъкидлади. Медиация оилавий судларда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ажрашаётган 21 ёшга тўлмаган болалари бор эр-хотинлар медиация ва маслаҳатлашиш тартиб-таомилларидан ўтишлари шарт эди.

Сингапур ҳукумати мамлакатда воситачиликни тарғиб қилишда ва томонларни судга муурожаат қилишдан олдин воситачиликни синаб кўришга ундашда фаол роль ўйнади.

1996 йилда Сингапурда медиацияни янада ривожлантириш ва судлардан ташқари медиацияни амалга ошириш йўлларини ўрганиш учун касблараро кўмита ташкил этилди. Кўмита хусусий воситачилик ҳаракатини тижорат ва жамоат воситачилигига бўлиш бўйича иккита асосий тавсияни берди.

Биринчидан, кўмита Сингапур юридик академиясида тижорат воситачилиги марказини ташкил этишни тавсия қилди. Ушбу марказ (SMC) 1997 йил 16 августда очилган.

Иккинчидан, ижтимоий ҳамжихатликни рағбатлантириш учун осон кириш мумкин бўлган жамоатчилик воситачилик марказлари тармоғини яратишни тавсия қилди. Бу мақсадга эришиш учун маҳалла етакчилари ва кўнгилчиларни воситачи сифатида ўқитиш зарур эди.

Ушбу тавсия асосида Адлия вазирлиги томонидан муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, Миллий ADR инфратузилмасини ривожлантиришни назорат қилиш учун ADR гуруҳи тузилди. 1998 йил январь ойида “Жамоа воситачилиги марказлари тўғрисида”ги қонун кучга кирди ва кўп ўтмай, Сингапурнинг биринчи Жамоатчилик воситачилиги маркази 1998 йил ноябрь ойида расман очилди.

Медиацияни низоларни ҳал этишнинг асосий воситаси сифатида тарғиб қилиш бўйича бошқа ташаббуслар қаторига Бош прокуратуранинг барча давлат идоралари низоларни ҳал қилишнинг биринчи варианты сифатида медиациядан фойдаланиш ва низоларни SMKга юбориш учун давлат шартномаларига медиация бандини киритиш тавсиясини мисол қилиш мумкин.

2013 йилда Сингапурнинг халқаро тижорат воситачилиги маркази сифатида ривожланишини ўрганиш бўйича Ишчи гуруҳ тайинланди. Асосий тавсиялар эса қуйидагилардан иборат эди: Сингапур халқаро воситачилик марказини ташкил этиш; Сингапур халқаро воситачилик институтини ташкил этиш; “Медиация тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш; воситачилик учун солиқ ва бошқа имтиёزلарни кенгайтириш; меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва суд жараёнларини такомиллаштириш; мақсадли бозорлар ва асосий тармоқларга эришиш.

Ушбу тавсиялар асосида амалга оширилган ҳаракатлар натижасида 2017 йил 1 ноябрдан кучга кирган “Медиация тўғрисида”ги қонунда медиация жараёнининг кўплаб ҳуқуқий жиҳатларига аниқлик киритилди ва соҳага оид норматив ҳужжатлар кодификация қилинди.

Элёрбек СОИБНАЗАРОВ,

Сирдарё вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судьяси.

СУДЬЯЛАРНИНГ ХУЛҚУ ОДОБИ АДОЛАТ ПОЙДЕВОРИ

Барчамизга маълумки, одил судловнинг мамлакатимиз конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномалари талабларига қатъий риоя қилинган ҳолда амалга оширилишида, шунингдек жамиятнинг суд ҳокимиятига бўлган ишончини таъминлашда судьянинг одоби, юксак маданияти ва маънавияти муҳим аҳамият касб этади.

Айнан шунинг учун ҳам суд ҳокимиятининг обрўи ва нуфузини сақлаш судьянинг мажбурияти эканлигини уқтирган ҳолда одоб-ахлоқ қоидаларини белгиловчи Судьялар одоби кодекси қабул қилинган.

Хусусан, ушбу кодекснинг “Суд процесси иштирокчилари билан ўзаро муносабатлар” номли 10-моддасида судьяларимиз эътибор қаратиши зарур бўлган бир қанча жиҳатлар бор. Бу бежизга эмас, чунки халқ судьянинг шахсида суд ҳокимияти вакилини кўради, унинг одобидан келиб чиқиб, бутун суд ҳокимиятига баҳо беради.

Шунинг учун ҳам судьяларимиз суд процесси иштирокчилари билан ўзаро муносабатлари икки кўринишда бўлиши керак:

биринчиси, одил судловни амалга оширишда муайян ишни суд мажлисида кўриш жараёнида, фуқароларни шахсий қабул қилишда, қонунчиликни тарғибот-ташвиқот қилиш вақтида ва иш фаолияти билан боғлиқ бошқа ҳолатларда;

иккинчиси, одил судловни амалга оширишдан ташқари вақтларда, хусусан қариндошлик, таниш-билишчилик, қўшничилик ҳамда процессуал ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган ҳар қандай мулоқотда.

Кодексда қайд этилишича, судья ўзининг ташқи кўринишини, хулқ-атвори, риторикаси ва нутқининг изчиллигини қатъий назорат қилиши шарт. Судьянинг нутқи тўғри, аниқ ва тушунарли бўлиши лозим, у суд мажлисида адабий тил қоидаларига риоя қилиб сўзлаши, жаргон сўзлардан фойдаланмаслиги, турли шеваларда гапирмаслиги талаб этилади. Судья ўз хулосаларини қисқача, аниқ баён қилиши керак.

Жамиятда ҳар хил тоифа одам бўлади. Кимдир фикрини аниқ, лўнда тушунтирса, айрим инсонлар бунинг акси бўлиши мумкин. Баъзан, иккинчи тоифадаги инсонлар судда иштирок этиб қолиши мумкин. Бундай вазиятда судьяларимиз суд мажлиси иштирокчиларининг ишдан ташқари баёнотларини ишга алоқадор ёки иш учун муҳим бўлмаганлиги сабабли хушмуомалалик билан тўхтатиши, иш учун аҳамиятли ҳолатларни аниқлаштириши учун муносиб саволларни қизиқиш билан бериши, вазиятни назорат қилиши, қалтис вазият содир бўлганда усталик билан ундан чиқиш чораларини кўриши тавсия этилган.

Ишни видеоконференцалоқа режимида ёки бошқа техник имкониятлардан фойдаланиб онлайн кўриб чиқаётганда эса, кўп гапирадиган иштирокчига техник қуролмани ўчириб қўйган ҳолда чора кўриш мумкин эмас. Чунки, бу иштирокчининг конституциявий ҳуқуқини бузади. Суд мажлисида иштирок этаётган шахсларга фақатгина процессуал қонунчиликда назарда тутилган таъсир чораларини қўллаш лозим бўлади.

Бугун жамиятда деярли ҳар бир инсон ишларини маълум бир режа асосида амалга оширади. Шунинг учун ҳам судьяла-

римиз суд мажлисини ўз вақтида бошлаши лозим бўлади, мობодаки ўз вақтида бошлаш имкони бўлмаган тақдирда жараён иштирокчиларига кечикиш сабабини тушунтириб, узор сўраш ўринли бўлади.

Шунингдек, кодексда суд мажлисида қўтилмаган, фавқулодда вазиятлар юзага келган тақдирда судья аввало тез фурсатда ўзини қўлга олиши, суд залида бўлганларни тинчлантириши, вазиятни назорат қилиб, юзага келадиган ҳар қандай муаммоларни зудлик билан ҳал қилиш чораларини кўриш тавсия этилган.

Судьялар ўз мустақиллиги, ҳолислиги ва беғаразлигини шубҳа остида қолдириши мумкин бўлган вазиятларга ҳам тушиб қолиши керак эмас. Шунинг учун улар муайян иш юзасидан якуний қарор қабул қилгунига қадар тарафлар билан суд мажлисидан ташқари бўлган мулоқотда умуман бўлмаслик чораларини кўриши шарт. Вазият тақозо қилганда суд жараёнларидан кейин ҳам тарафлар билан имкон қадар мулоқотда бўлмаслик ҳолатларини кўрса фойдадан ҳоли бўлмайди.

Жамиятда судья кўпчилиكنинг эътибор марказида бўлади. Шунинг учун ҳам ҳар қандай ҳолатда судьядан суд мажлисида ва суд биносидан ташқари ёки суд мажлисларида иштирок этиш учун келган ўзининг танишлари, дўстлари ва қариндошлари билан муносабатини намоийш этмаслиги, муайян чегараларни сақлаши талаб этилади.

Бу жуда оддий ҳолатлар бўлиши мумкин, лекин мана шу оддий вазиятлар ортидан катта эътироз ва ўринсиз гумонлар юзага келганини амалиётда кўрганмиз. Яъни, танишлар билан ҳаддан ташқари илиқ салом-аликлар алмашинуви уларни кўриб турган суд мажлисининг иштирокчиларида, тарафларда судьянинг ҳолислиги ва беғаразлигига шубҳа туғилишига сабаб бўлиши мумкин. Судья худди шундай ижтимоий тармоқларда фаол бўлишдан чекланиши, иш ҳолатлари юзасидан аниқ муносабат билдириши, бошқа ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларига баҳо ва оммавий нашрлар ҳақидаги субъектив ва танқидий хулосалар беришдан тийилиши зарур бўлади.

Хулоса сифатида айтидиган бўлсак, Судьялар одоби кодекси бамисоли судьянинг ҳимоя қалқонидир. Ушбу қалқонни ҳамиша маҳкам тутган судьяларимиз ўринсиз гумон, тўхмат ва салбий фикрдан ҳимояда бўлади. Шундай экан барча судьяларимиз ушбу кодексни ўқиб ўз ҳаётларига тарғиб қилишса нафақат ўзларининг, балки, ҳамкасбларининг ҳам фойдасига хизмат қилади.

Ойбек ХАЙИТОВ,

жиноят ишлари бўйича Қизилқум туман суди раиси.



ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Фарзандликка олиш фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан алоҳида иш юри-тиш тартибида кўрилиб Оила кодекси, Фуқаролик процессуал кодекси, “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва Олий суд Пленумининг 2013 йил 11 декабрдаги “Судлар томонидан фарзандликка олиш ҳақидаги ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги 21-сонли қарори асосида амалга оширилади.

Фарзандликка олиш доимийдир. Масалан, васийлик (ҳомийлик) бола тўлиқ фуқаролик лаёқатига эга бўлганда тугатилади. Истиснолар фақат фарзандликка олишни бекор қилишнинг мумкин бўлган ҳолатларидир. Фарзандликка олишда фарзандликка олинган болалар ва фарзандликка олувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари туғишган бола ва ота-онанинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларига тенглаштирилади. Шундай қилиб, фарзандликка олиш биринчи даражали қариндошликка ўхшайди. Унинг бу хусусияти фарзандликка олишнинг махфийлиги тўғрисидаги қоидалар билан тасдиқланган. Бошқа баъзи ҳуқуқий тизимлардан фарқли ўларок, ички қонунлар фарзандликка олишда асраб олинган бола асраб олувчи билан қондош муносабатларнинг йўқлигидан хабардор бўлмайдилар, бу келиб чиқиш ва асраб олиш муносабатларини бирлаштиради. Бундан ташқари, фарзандликка олишни бекор қилиш учун асослар кўп жиҳатдан ота-оналарни ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум қилиш асосларига ўхшайди. Биринчи даражали қариндошлик сингари, фарзандликка олиш ҳам муҳим ҳуқуқий оқибатларга олиб келади. Фарзандликка олинган боланинг фарзандликка олувчилардан мерос олиш ҳуқуқи, фарзандликка олувчиларнинг турар-жойидан фойдаланиш ҳуқуқи ва бошқалар шулар жумласидандир.

Оила кодексининг 151-моддасига кўра, фарзандликка олишга фақат вояга етмаган, яъни 18 ёшга тўлмаган болаларга нисбатан ва фақат уларнинг манфаатларини кўзлаб йўл қўйилади. Фарзандликка олиш болани фарзандликка олишни истаган шахсларнинг (шахснинг) аризасига кўра, васийлик ва ҳомийлик органларининг фарзандликка олишнинг асослилиги ва фарзандликка олинаётган бола манфаатларига тўғри келиши ҳақидаги хулосаси ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан амалга оширилади. Вояга етмаган бўлса-да, лекин Фуқаролик кодексининг 28-моддасида назарда тутилган тартибда эмансипация қилинган шахслар фарзандликка олиниши мумкин эмас. Чунки, шахс вояга етиши ёки эмансипация қилиниши оқибатида тўлиқ, муомала лаёқатига эга бўлади ва уни тарбиялашга, ҳуқуқ ва манфаатлари ўзга шахслар томонидан ҳимоя қилинишига зарурият қолмайди, яъни фарзандликка олишнинг асосий мақсади — боланинг оилада тарбияланишини таъминлаш зарурияти ўз аҳамиятини йўқотади.

Оила кодексининг 152-моддасида вояга етган эркак ёки аёл фуқаролар фарзандликка олувчилар бўлиши мумкинлиги кўрсатилган бўлиб, қандай шахслар фарзандликка олувчи бўлмаслиги мазкур моддада батафсил ёритиб берилган. Бироқ, қонун чиқарувчи томонидан мазкур моддага ўзгартириш киритилганлигига қарамай, ҳалигача фуқаро-

ларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини реал амалга оширишга тўсқинлик қилувчи нормалар мавжуд.

Фарзандликка олишнинг махфийлиги тўғрисидаги қоидаларни қўллаш фарзандликка олишнинг барча ҳолатлари учун бир томондан фуқаролик процессининг ошкоралик таъминлиги чеклаш, бошқа томондан, аксинча фарзандликка олиш сирининг ҳуқуқий режими масаласи ҳисобланади.

Оила кодексининг 153-моддасида фарзандликка олиш сир сақлаш қонун билан ҳимоя қилинади. Шунингдек, Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш дафтарларидаги ва бошқа ҳужжатлардаги фарзандликка олувчилар фарзандликка олинганларнинг ота-онаси эмаслигини билдирадиган мазмундаги ёзувлар билан таништириш, бу ёзувлардан кўчирмалар ва бошқа маълумотларни фарзандликка олувчиларнинг розилигисиз, агар улар вафот этган бўлса, васийлик ва ҳомийлик органининг розилигисиз бериш тақиқланади.

Суд мажлиси жараёнида ишда иштирок этувчи шахслар фарзандликка олиш билан боғлиқ маълумотларни сир сақлашлари зарурлиги, ушбу сирни ошкор қилганлик учун Жиноят кодексининг 125-моддасига биноан, жиноий жавобгарликка тортилишлари мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирилади.

Фарзандликка олинганлар ва уларнинг ота-онаси (ота-она қариндошлари) бир-бирларига нисбатан шахсий ва мулкий ҳуқуқларни йўқотадилар ҳамда ўзаро мажбуриятлардан озод бўладилар.

Бола битта шахс томонидан фарзандликка олинган тақдирда, унинг манфаатларини кўзлаб, боланинг шахсий номулкий ҳамда мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлари сақланиб қолиниши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, фарзандликка олиш тўғрисидаги ишлар судда кўрилганда суд бола учун энг қулай ва хавфсиз муҳитни таъминлашга интилиб, фарзандликка олувчиларнинг шахсий, ижтимоий ва молиявий ҳолатларини синчиклаб ўрганади. Бу жараён боланинг руҳий ва жисмоний ривожланишига ижобий таъсир кўрсатишга йўналтирилган бўлиб, унинг шахсий ва оилавий ҳуқуқлари халқаро стандартларга мос равишда ҳимоя қилинади. Шундай қилиб, фарзандликка олиш бўйича қарор қабул қилиш жараёнида суд бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, унинг келажаги учун барқарор ва меҳрибон оила муҳитини таъминлашга хизмат қиладиган муҳим институт сифатида намоён бўлади.

Гулҳаё ДЖУМАЕВА,

фуқаролик ишлари бўйича

Шайхонтоҳур туманлараро судининг судьяси.

АЁЛЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИ: МУАММО, ТАЖРИБА, ЕЧИМ

Ижтимоий ҳавфли ҳодиса саналган жиноятчилик барча даврларда жамиятнинг маънавий, иқтисодий, сиёсий устқурмаларини шикастлаб келган бўлса, аёллар томонидан жиноятлар содир этилиши эса ушбу жараёни икки қарра тезлаштиради. Чунки ҳар бир аёл аввало, она – оиланинг маънавий тарбиячиси ҳисобланади. Аёлнинг жиноят содир этиши ортида жамиятнинг маънавий таназзули ётади.

Аёллар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг умумий ўсиш тенденцияси алоҳида олинган бир даврда бир мунча камайганига қарамасдан ошиб бориши қайд этилмоқда. Бу борадаги тадқиқотлар шуни кўрсатадики, содир этилган жиноятларда аёллар сонининг ўсиш суръати эркаклар жинояти кўрсаткичларидан ўзиб кетмоқда.

Маъмур тадқиқотларда қайд этилишича, аёллар жиноятчилиги кўпроқ уюшганлик хусусиятига эга. Содир этилган жиноятлар кесимида олиб қаралганда уюшган гуруҳлар таркибида аёллар улуши 10 фоизга ортмоқда. Гуруҳ бўлиб содир этилган жиноятларда уларнинг иштироки 40 фоизгача ўсганлигини рад этиб бўлмайди. Шунингдек, аёллар томонидан оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этилиш тенденцияси ҳам сақланиб қолмоқда. Бунда ўғрилиқ ва фирибгарлик жиноятлари улуши 50 фоиздан кўпроқни ташкил қилади.

Аёллар жиноятчилиги сабаблари таҳлили шуни кўрсатадики, аёлларнинг жиноятга қўл уриши сабаблари турли-тумандир. Бунда – моддий қийналганлик, ишсизлик, оилавий алоқаларнинг мўртлиги, ижтимоий назоратнинг пастлиги, ахлоқий қадриятларнинг шаклланмаганлиги, маънавий дунёқарашнинг торлиги, ўз-ўзини назорат қилишнинг етишмаслиги, шахсларга (аёлларга) нисбатан чиқарилаётган суд ҳукмлари ҳамда қарорлари, ажримлари тарбиявий таъсирининг пастлиги асосий сабаб бўлмоқда.

Жиноятчиликка мойил аёллар ўртасида тарбиявий ишлар жиддий равишда яхшиланмаса, жиноятчиликнинг олдини олиш ишлари кўзланган натижага олиб келмайди. Маълумки, ҳаётда содир бўладиган турмуш қийинчиликлари аёлларга кучли таъсир қилади. Чунки ўзининг ҳаётдаги ўрни туфайли булар билан энг биринчи навбатда аёллар тўқнашади ва улар бу муаммоларни кучли эмоционал ҳолда қабул қилади. Бундан ташқари, аёлларнинг жамиятда эркаклар билан тенглиги тўғрисидаги нормалар мавжудлигига қарамасдан, уларнинг етарли даражада ижтимоий ҳимояланмаганлигини, кўп ҳолларда тенгсизлигини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керак.

Тадқиқот натижаларига кўра, зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар (одам ўлдириш, баданга шикаст етказиш, безорилик ва бошқалар) аёллар томонидан асосан оилавий турмуш низолари туфайли содир этилади. Бундай жиноятларнинг олдини олишга қаратилган умумий ёндашув умумижтимоий даражада аллақачон маълум. Бу, энг аввало, оилани мустаҳкамлашдир. Оила жамиятнинг бошланғич ижтимоий ташкилоти бўлиб, уни сақлаш, мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун барча чоралар кўрилиши керак.

Бундан ташқари, оилавий ёмон аҳволни тушуниш ва олдини олиш учун фақатгина эр-хотин ўртасидаги муноса-

батларгина эмас, балки барча оила аъзоларининг муносабатлари эътиборга олиниши керак.

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш институти ходимлари томонидан ўтказилган махсус тадқиқот натижаларига кўра ички ишлар органлари ходимларининг ҳаммаси ҳам оилавий турмуш низоларини ҳал қилиш бора-сида етарли тажрибага эга эмас. Оилавий турмуш соҳасидаги ҳуқуқ бузилишларнинг олдини олишни самарали ҳал қилиш мақсадида оилавий жанжаллар билан боғлиқ бўлган ҳуқуқ бузилишларнинг олдини олишнинг махсус хизмат қисми ташкил қилиниши лозим. Бундай таклиф диққатга ва ўрганишга лойиқдир ва бундай хизмат аёллар жиноятчилигининг олдини олишга қаратилган ҳолда ташкил этилиши лозим. Статистик маълумотларга кўра аёллар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг 30 фоизини оилавий, турмуш муносабатлари билан боғлиқ бўлган жиноятлар ташкил этмоқда ва бундай низоларнинг жабрланувчиси кўп ҳолларда аёлларнинг ўзлари бўлиб қолмоқдалар.

Оилавий турмуш низоларини умумдават миқёсида ҳал қилишга қаратилган ишларда ҳамда эр-хотинлар ўртасидаги низолар ва жанжалларни ҳал қилишнинг турли-туман усулларини қўллашда биз эҳтимол, ривожланган давлатлардан нисбатан ортда қолаётгандирмиз. У давлатлардаги амалда зўрлик ишлатиш фактлари билан тўқнашганда полиция бу оила билан ишлаш учун эр-хотинлар кенгаши, оила ва туман адвокатларини, юридик ёрдам кўрсатиш хизматини, махсус клиникаларни, гиёҳдвандликдан даволаниш марказларини, руҳшунослик агентлигини, махфий ёрдам агентлигини, аёллар марказини, кам таъминланган оилаларга, оилаларга хизмат кўрсатиш марказларини, жиноят натижасида жабрланганларга ёрдам кўрсатиш марказини, биринчи ижтимоий ёрдам марказларини, иқтисодий имкониятларини баҳолаш ташкилотларини ва ҳоказоларни жалб қилиши мумкин. Шундай чоралар ота-она томонидан болаларга нисбатан зўрлик ишлатиш ҳоллари юз берган тақдирда ҳам қўлланилади.

Бизда ҳам юқоридаги муаммоларни ҳал қилиш учун комплекс чора-тадбирлар кўриш керак. Хусусан, ички ишлар ходимлари, корхона, ташкилот ва муассасалар вакилларини оилавий можароларни ҳал қилишга жалб қилиш, ахлоқий-диний ёрдамга муҳтож бўлган одамларга ёрдам керак бўлган ҳолларда, уни ҳал қилиш учун диний муассасаларнинг вакилларини жалб қилиш лозим.

Хусан КАЮМОВ,

*жиноят ишлари бўйича
Яшнобод туман судининг судьяси.*



ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИНГ УЙ-ЖОЙГА БЎЛГАН ХУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ ЮЗАСИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИ

АННОТАЦИЯ: мақолада вояга етмаганларнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратига оид қонун ва қонуности ҳужжатлари тўлиқ ўрганилган.

Шу билан бирга, муаллиф томонидан вояга етмаганларнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратига оид халқаро ҳужжатлар таҳлил этилган.

Калит сўзлар: прокурор назорати, вояга етмаганлар, уй-жойга бўлган ҳуқуқ, прокурор назорати ҳужжатлари, текширишлар.

Вояга етмаганларнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш доимо долзарб ҳисобланган. Давлат вояга етмаганларнинг малакали ҳимояга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда ғамхўрлик қилиш нуқтаи назаридан уларнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқларини амалга оширишга оид самарали механизмлари яратган. Мазкур механизмларнинг ишлашида прокуратура органлари муҳим рол ўйнайди.

Қайд этиш керакки, уй-жойга бўлган конституциявий ҳуқуқни ишончли ва тўлақонли таъминлаш ва уни амалга ошириш ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқий ҳолатидан келиб чиқади. Масалан, фуқаронинг вояга етмаганлиги, ёши, ақлий қобилияти, етимлиги, ногиронлиги мавжудлиги, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлганлиги шулар жумласига киради.

Бугунги кунда прокуратура органлари томонидан вояга етмаганлар, шу жумладан етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлашга алоҳида эътибор берилиб вояга етмаганларнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шунга қарамайдан, бу борада қонунчиликка киритилиши керак бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар ҳамда қилиниши лозим бўлган ишлар еталича.

Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги қонунининг 13-моддасида Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори томонидан прокуратура органлари ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқариши белгиланган. Айнан вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ишончли ва самарали ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2017 йил 11 сентябрдаги “Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан назорат фаолияти самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 139-сонли буйруғи қабул қилинган. Унга кўра, бу борадаги қонунлар ижроси устидан назорат қилиш прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланган фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қилишнинг кичик бир йўналиши сифатида қайд этилган. Бундан ташқари, ушбу буйруққа мувофиқ вояга етмаганларнинг ижтимоий муҳофазаси соҳасида, хусусан уй-жойга бўлган ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қилишда прокурор томонидан амалга ошириладиган хатти-ҳаракатлар баён қилинган. Масалан, прокуратура органлари болаларнинг уй-жой ва мулкӣ ҳуқуқлари бузилиши

ҳолатларига зудлик билан муносабат билдириш ҳамда прокуратура органлари уй-жой билан боғлиқ битимларни тузишда вояга етмаганлар ҳуқуқларини бузган мансабдор шахсларга нисбатан жавобгарликнинг муқаррарлигини тушунтириш, шунингдек, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг шахсий ва мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлашга қаратилган қонунчилик нормаларининг масъул идоралар томонидан сўзсиз бажарилишини таъминлаши зарурлиги қайд этилган.

Мамлакатимизда бола ҳуқуқларининг кафолатлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш учун 2008 йил 7 январь куни Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги УРҚ-139-сон қонуни қабул қилинган бўлиб, бу қонун орқали Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларининг ишончли ҳимоя қилиниши таъминланишига замин яратилди. Шунингдек, ушбу қонунда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари (боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш; бола ҳуқуқлари кафолатларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш; бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилишини таъминлаш;), давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг бола ҳуқуқларини таъминлаш бўйича ваколатлари (бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонунчиликни ижро этиш; бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича давлат дастурлари ҳамда ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқариш; ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни қўллаб-қувватлаш масалаларини ҳал этиш;), бола ҳуқуқларини таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштироки баён қилинган.

Бола ҳуқуқларининг асосий кафолатлари ҳисобланган бола ҳуқуқларининг қонуний кафолатлари, боланинг ғайриқонуний кўчирилишдан ҳимояланиш ҳуқуқи кафолатлари, боланинг хусусий мулкка бўлган ҳуқуқи кафолатлари, боланинг турар жойга бўлган ҳуқуқлари кафолатлари, шу билан бирга, ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг турар жойга бўлган ҳуқуқлари кафолатлари, тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим болалар ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳуқуқларининг кафолатлари белгиланган. Бундан ташқари, вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонун билан

қўриқланадиган манфаатлари суд ва судгача бўлган босқичларда ҳимоя қилиниши тартиби қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 11-моддасига кўра, оилавий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш суд томонидан фуқаролик суд ишларини юритиш қоидалари бўйича, ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда эса, васийлик ва ҳомийлик органлари ёки бошқа давлат органлари томонидан амалга оширилади. "Бошқа давлат органлари" дейилганда прокуратура органи ҳам назарда тутилади.

Мазкур кодекснинг 67-моддасига мурожаат қиладиган бўлсак, унда прокурор боланинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ваколатига эга субъект сифатида қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 90-95-моддаларида оилада ота-она ҳамда болаларнинг мулкӣ ҳуқуқӣ муносабатлари, ота-она ва болаларнинг алоҳида-алоҳида мулки, ота-она ва болаларнинг умумӣ мулки, болаларнинг оиладаги хусусӣ мулки ҳамда вояга етмаган болаларнинг хусусӣ мулкӣни бошқариш ва тасарруф этишга оид меъёрлар белгиланган. Қайд этиш керакки, ота-она ва болаларнинг улар ўр-тасидаги умумӣ мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси билан белгиланиши ҳамда вояга етмаган болаларнинг мол-мулкӣни тасарруф этишга доир ваколатлар амалга ошириладиганда фуқаролик қонунчилигидаги тегишли қоидалар қўлланилиши белгиланган.

Вояга етмаганларнинг уй-жойга бўлган конституциявий ҳуқуқларини ишончи ҳимоя қилиш бўйича яна бир муҳим ҳужжатлардан бири Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексидир. Ушбу норматив-ҳуқуқӣ ҳужжатда уй-жой тўғрисидаги қонунчилик билан тартибга солинадиган муносабатлар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг уй-жой муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг уй-жой муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг уй-жой муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги иштироки, шунингдек, турар жойларга мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқининг юзага келиши, амалга оширилиши, ўзгариши ҳамда бекор бўлишига оид муносабатларини тартибга солишига оид нормалар қайд этилган.

Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексини таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, вужудга келган низоларни ҳал қилишнинг икки хил тури белгиланган. Улардан биринчиси суд тартибда ҳимояланиш, иккинчиси эса маъмурий тартибда прокурор рухсати асосида амалга оширишдир. Вояга етмаганларнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқларини таъминлашга оид яна бир норматив-ҳуқуқӣ манба бу Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида.

Фуқаролик кодексининг 21-моддаси фуқаронинг, шу жумладан вояга етмаганнинг яшаш жойи тўғрисида бўлиб, унга мувофиқ фуқаронинг доимий ёки асосан яшаб турган жойи унинг яшаш жойидир. Таъкидлаш лозимки, ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаганларнинг (кичик ёшдаги болаларнинг) ёки васийликда бўлган фуқароларнинг қонунӣ вакиллари – ота-оналари, фарзандликка олувчилари ёки васийлари яшайдиган жой вояга етмаганлар ёки васийликда бўлган фуқароларнинг яшаш жойидир.

Фуқаролик кодексининг 27-моддаси 1-қисмида ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар томонидан

битимларни ўз ота-оналари, фарзандликка олувчилари ёки ҳомийларининг ёзма розилиги билан тузишлари қайд этилган. Бунга вояга етмаганларнинг уй-жой билан боғлиқ битимларини киритиш мумкин. Қайд этиш керакки, ушбу тоифадаги вояга етмаган шахс томонидан тузилган битим кейинчалик шахснинг ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёки ҳомийси ёзма равишда маъқуллаган тақдирда, ҳақиқӣ ҳисобланади.

Фуқаролик кодексининг 29-моддасига мувофиқ, ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаганлар (кичик ёшдаги болалар) учун битимларни уларнинг номидан фақат ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёки васийлари тузиши мумкин. Бу тоифадаги вояга етмаганлар қонунчиликка мувофиқ ўзларига тегишли бўлган уй-жойларини тасарруф эта олмаслиги белгиланган.

Миллий фуқаролик қонунчилигига кўра, прокурорлар ўн тўрт ёшга тўлмаган шахс томонидан уй-жойга оид тузилган битимларни аниқлаган тақдирда, ушбу битимни суд тартибда ҳақиқӣ эмас деб топишга асос бўлади. Фуқаролик кодексининг 118-моддасига мувофиқ, ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаган шахс томонидан уй-жойга оид тузилган битимлар унинг ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёки ҳомийсининг розилиги талаб қилинадиган ҳолларда уларнинг розилигисиз тузилган бўлса, ушбу битим ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёки ҳомийсининг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқӣ эмас деб топилиши мумкин.

Қайд этиш жоизки, Фуқаролик кодексининг 118-моддасида уй-жойга оид тузилган битимларни ҳақиқӣ эмас деб топиш бўйича даъво аризалари субъектлари қаторига прокурор киритилмаган. Шу боис, ушбу субъектлар доирасига прокурорни киритиш зарур.

Мамлакатимизда вояга етмаганларнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида бир нечта қонун ҳужжатлари қабул қилинган.

Вояга етмаганларнинг уй-жойга оид норматив-ҳуқуқӣ ҳужжатларини етарлича билиш ҳамда уни амалиётда тўғри қўллаш уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ишончи ҳимоя қилишга замин яратди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, вояга етмаганларнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш жуда муҳим эканлиги, шу боис мазкур соҳани чуқур ўрганиш зарур ва уларни турлича қўлламаслик, шунингдек, вояга етмаганларнинг уй-жойга бўлган конституциявий ҳуқуқларини тўлақонли рўёбга чиқариш учун бу борадаги қонунчиликни такомиллаштириш лозим.

Сардорбек КАРИМОВ,

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси мустақил изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2017 йил 11 сентябрдаги "Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан назорат фаолияти самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги 139-сон буйруғи.
2. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 21.08.2021 й., 03/21/709/0808-сон; 10.02.2022 й., 03/22/752/0113-сон; 30.03.2022 й., 03/22/761/0250-сон; 21.04.2022 й., 03/22/765/0332-сон; 18.05.2022 й., 03/22/770/0424-сон, 07.06.2022 й., 03/22/775/0477-сон; 04.11.2022 й., 03/22/800/0990-сон; 16.11.2023 й., 03/23/878/0852-сон; 22.02.2024 й., 03/24/911/0142-сон; 28.02.2024 й., 03/24/914/0161-сон
3. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.10.2020 й., 03/20/641/1389-сон.
4. https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/childcon.shtml
5. https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/declhr.shtml

ЎЗБЕКИСТОНДА ЭКОЛОГИК СУДЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мақолада Ўзбекистонда ихтисослаштирилган экологик судларни ташкил этиш истиқболлари таҳлил қилинган ва унинг ҳуқуқий асослари, ваколатлари ва тузилиши масалалари кўриб чиқилган. Бу борада халқаро тажриба таҳлил қилиниб, Ўзбекистон учун мақбул модел таклиф этилган. Экологик судларни ташкил этиш босқичлари, судьяларни тайёрлаш, моддий-техник таъминот масалалари ёритилган. Экологик судлар фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш механизмлари таклиф этилган.

Калит сўзлар: экологик судлар, экологик ҳуқуқбузарликлар, экологик низолар, суд тизими, экологик қонунчилик, экологик назорат, экологик ҳуқуқлар, суд ҳимояси, экологик хавфсизлик, барқарор ривожланиш, экологик экспертиза, халқаро тажриба.

Янги минг йиллик глобал ўзгаришлар экологик ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги меъёрларнинг бир-бирига чамбарчас боғлиқлигини яққол кўрсатди. Бугунги кунда инсон ҳуқуқлари тоифаларида экологик ҳуқуқлар ҳам ажратиб кўрсатилади ва уларнинг ижроси миллий ҳамда халқаро даражада суд орқали таъминланиши мумкин. Кўплаб мамлакатлар конституцияларида экологик ҳуқуқларни ҳимоя қилишни кафолатловчи қоидалар мавжуд. Янги Ўзбекистон Конституциясида ҳар бир инсоннинг қулай атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи ва давлатнинг экологик хавфсизлигини таъминлаш мажбурияти мустаҳкамланган бўлиб, бу фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш институционал механизмларини янада ривожлантириш учун ҳуқуқий асос яратади.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг халқаро универсал ва минтақавий воситаларида экологик ҳуқуқлар ё тўғридан-тўғри қайд этилган ёки аллақачон тан олинган инсон ҳуқуқларидан (яшаш ҳуқуқи, соғлиқни сақлаш ҳуқуқи ва бошқалар) кенгайтирилган талқин қилиш йўли билан келиб чиқарилади.

Бу эса глобал экологик хавф-хатарлар ва барқарор ривожланишни таъминлаш зарурати шароитида Ўзбекистон Республикасида ихтисослашган экологик судларни ташкил этиш масаласи алоҳида долзарблик касб этаётганини яққол кўрсатмоқда. Ўзбекистонда экологик судларни ташкил этиш гоёси бир қатор объектив омилларга асосланади. Биринчидан, бу экологик ҳуқуқбузарликлар сонининг кўпайиши ва экологик таҳдидларга самарали жавоб бериш заруратидир. Иккинчидан, махсус билим ва уларни ҳал этишга комплекс ёндашувни талаб қилувчи экологик низоларнинг ўзига хослигидир. Учинчидан, Ўзбекистоннинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги халқаро мажбуриятлари ва уларни амалга оширишнинг самарали механизмларини яратиш заруратидир.

Экологик судларни ташкил этиш ва фаолият юритишининг халқаро амалиёти Ўзбекистон учун катта аҳамиятга эга. Ҳозирги кунда жаҳон амалиётида экологик судлар 50 дан ортиқ мамлакатда муваффақиятли фаолият юритиб, ихтисослашган экологик одил судловни ташкил этишга турли хил ёндашувларни намоён этмоқда. Ҳар бир мамлакат ўз миллий ҳуқуқий тизими, экологик муаммолари ва маъмурий-ҳудудий тузилишини ҳисобга олган ҳолда экологик судларнинг ўзига хос моделини шакллантирмоқда.

Мисол учун Ҳиндистон ихтисослашган экологик суди фаолияти энг муваффақиятли намуналардан биридир. 2010-йилда ташкил этилган Ҳиндистон Миллий яшил трибунали атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида катта ваколатларга эга. Трибунал экологик ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ фуқаролик ишларини, экологик зарарни қоплаш масалаларини, экологик қонунчилигини амалга ошириш тўғрисидаги низоларни кўриб чиқади. Ҳиндистон моделининг ўзига хос хусусияти унда суд ва квази-суд функцияларининг уйғунлигидир, бу эса экологик ҳуқуқбузарликларга тезкор муносабат билдириш имконини беради.

Хитой экологик одил судловни ташкил этишга кенг қўламли ёндашувни намоён этмоқда. 2007-йилдан бошлаб мамлакатда ихтисослашган экологик судлар ташкил этила бошланди ва бугунги кунда уларнинг тармоғи бутун мамлакат ҳудудини қамраб олган. Хитой экологик судлари умумий суд тизимига бирлаштирилган, аммо атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида махсус ваколатларга эга. Судларнинг табиатни муҳофаза қилиш органлари ва илмий муассасалар билан яқин ҳамкорлиги муҳим хусусият ҳисобланади.

Австралия экологик судлари модели, биринчи навбатда, Янги Жанубий Уэлс ер ва экология суди томонидан тақдим этилган бўлиб, экологик низоларни кўриб чиқишга комплекс ёндашув билан ажралиб туради. Суд ер ва экология низоларини кўриб чиқиш ваколатларини бирлаштиради, бу эса ердан фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг ўзаро боғлиқ масалаларини ҳал қилишда ягона ёндашувни таъминлаш имконини беради.

Янги Зеландия мамлакатнинг маданий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда экологик суднинг ноёб моделини яратди. Янги Зеландия Экологик суди замонавий ҳуқуқий механизмларни маори маҳаллий аҳолисининг анъанавий билим ва амалиётлари билан уйғунлаштиради. Бу эса экологик муаммоларни ҳал қилишда маданиятга сезгир ёндашувни таъминлаш имконини беради.

Швеция экологик судлари тизими юқори даражадаги профессионаллик ва илмий-техник таъминот билан ажралиб туради. Швеция экологик судлари таркибига профессионал судьялар ва техник экспертлар киради, бу эса мураккаб экологик низоларни ваколатли кўриб чиқишни таъминлайди. Тизим биринчи инстанция судларини ва ихтисослаштирилган апелляция судини ўз ичига олади.

Бразилия тажрибаси йирик давлатда федерал экологик судларни ташкил этишнинг самарадорлигини кўрсатмоқда. Бразилиянинг экологик судлари федерал даражада фаолият юритиб, энг муҳим экологик низоларни кўриб чиқишга ихтисослашган. Амазония ва бошқа ноёб экотизимларнинг табиий ресурсларини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилади.

Филиппин экологик ишлар учун инновацион процессуал қоидаларни жорий этди. Филиппин Олий суди фуқароларнинг экологик одил судловга мурожаат қилишини осонлаштирадиган махсус процессуал нормаларни қабул қилди. Экологик ишлар бўйича исботлашнинг алоҳида қоидалари жорий этилди, жамоавий даъволар бериш имкониятлари кенгайтирилди.

Кения тажрибаси ривожланаётган мамлакатда самарали экологик судни ташкил этиш мумкинлигини кўрсатмоқда. Кениянинг экология ва ер суди маҳаллий шароит ва эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда халқаро экологик стандартларни қўллашни муваффақиятли уйғунлаштирмоқда.

Халқаро тажрибани ўрганиш шуни кўрсатадики, ихтисослашган экологик судларнинг ташкил этилиши атроф-муҳитни муҳофаза қилиш самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш ва барқарор ривожланишга хизмат қилади. Бунда ҳар бир

мамлакат миллий хусусиятлар ва эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда экологик одил судловни ташкил этишнинг ўзига хос моделини танлайди. Бундан ташқари, халқаро тажрибани ўрганиш экологик судларнинг муваффақиятли фаолият кўрсатишининг асосий элементларини ажратиш кўрсатиш имконини беради: юрисдикциянинг аниқ белгиланиши, судьяларнинг профессионал ихтисослашуви, техник экспертларнинг иштироки, фуқаролар учун одил судловдан фойдаланиш имконияти, самарали процессуал тартибга солиш, етарли моддий-техник таъминот.

Экологик судлар самарадорлигининг муҳим омиллари куйидагилардан иборат: табиатни муҳофаза қилиш органлари ва илмий муассасалар билан фаол ҳамкорлик, экологик одил судловда жамоатчиликнинг иштироки, экологик зарарнинг олдини олиш учун профилактик чоралар кўриш имконияти, экологик ишлар бўйича суд қарорларини ижро этиш механизмларининг мавжудлиги.

Ўзбекистонда экологик судларни ташкил этишни босқичма-босқич амалга ошириш мумкин. Биринчи босқичда мавжуд умумий юрисдикция судлари таркибида экологик ишлар бўйича ихтисослашган судлов ҳайъатларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Бу зарур тажрибани тўплаш ва мустақил экологик судларни шакллантириш учун асос яратиш имконини беради. Иккинчи босқичда мамлакат ҳудудининг экологик раёнлаштирилишини ҳисобга олган ҳолда туманлараро экологик судларни ташкил этиш мумкин.

Экологик судларнинг ваколати кенг доирадаги масалаларни қамраб олиши керак. Уларнинг судлов доирасига экологик зарарни қоплаш тўғрисидаги ишлар, табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик ҳақидаги низолар, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар, экологик жиҳатдан зарарли фаолиятни тўхтатиб туриш ёки тугатиш тўғрисидаги низолар, фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги ишлар киритилиши мумкин.

Экологик судлар таркиби масаласи алоҳида аҳамиятга эга. Экологик ҳуқуқ соҳасида мутахассисликка эга бўлган профессионал судьялардан ташқари, суд таркибига техник судьялар - экология, табиатдан фойдаланиш, экологик хавфсизлик соҳасидаги мутахассислар кириши мумкин. Бу экологик низоларни кўриб чиқишга комплекс ёндашиш ва ваколатли қарорлар қабул қилишни таъминлайди.

Экологик судлар фаолиятининг муҳим жиҳатларидан бири уларнинг фуқаролар учун очиқлигини таъминлашдир. Экологик масалалар бўйича судга мурожаат қилишнинг соддалаштирилган тартибини, жамоавий даъволар бериш имкониятини, муайян тоифадаги ишлар бўйича суд ҳаражатларидан озод қилишни назарда тутиш лозим. Экологик низоларни судда кўриб чиқишда жамоатчилик иштирокини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Экологик судларда ишларни кўришнинг процессуал хусусиятлари экологик ҳуқуқий муносабатларнинг ўзига хос жиҳатларини ҳам ҳисобга олиши керак. Экологик зарарнинг олдини олиш учун суд томонидан таъминлаш чораларини кўриш имкониятини, экологик ҳуқуқбузарлик далилларини тўплаш ва тақдим этиш ва экологик экспертиза ўтказишнинг алоҳида тартибини назарда тутиш мақсадга мувофиқ.

Экологик судларни ташкил этиш катта тайёргарлик ишларини талаб этади. "Экологик судлар тўғрисида"ги ва "Экологик суд ишларини юритиш тўғрисида"ги қонунларни ўз ичига олган тегишли норматив-ҳуқуқий базани ишлаб чиқиш зарур. Процессуал қонунчилик, суд тузилиши ва судьялар мақоми тўғрисидаги қонунларга ўзгаришлар киритилиши лозим.

Тайёргарлик ишларининг муҳим йўналиши экологик судлар учун малакали кадрлар тайёрлашдир. Судьяларни экологик ҳуқуқ бўйича махсус тайёрлаш, малака ошириш дастурларини ишлаб чиқиш, тажриба алмашиш мақсадида бошқа мамлакатларнинг етакчи экологик судлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш керак.

Экологик судлар фаолиятини моддий-техник таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Сайёр мажлислар ўтказиш, экологик ҳуқуқбузарликлар содир этилган жойларни кўздан кечириш, экспертизалар ўтказиш имкониятини берувчи замонавий инфратузилмани яратиш зарур. Судларни атроф-муҳит ҳолатини кузатиш ва экологик ҳуқуқбузарликларни қайд этишнинг замонавий воситалари билан таъминлаш муҳим.

Бундай судларнинг ташкил этилиши Ўзбекистонда экологик одил судловни ривожлантиришга хизмат қилади. Бу экологик қонунчиликни бир хилда қўллашни, ихтисослаштирилган суд амалиётини шакллантиришни, фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш самарадорлигини оширишни таъминлайди.

Экологик судлар фаолияти очиқлик ва шаффофлик тамойилларига асосланиши керак. Бунда жамоатчиликка судлар фаолияти тўғрисидаги маълумотлардан кенг фойдаланиш имкониятини бериш, уларнинг ишини оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритиб бориш, экологик ишлар бўйича суд амалиёти шарҳларини эълон қилиб бориш муҳим.

Экологик судлар Ўзбекистонда экологик бошқарув тизимининг муҳим бўғинига айланиши мумкин. Уларнинг фаолияти давлат экологик сиёсати самарадорлигини оширишга, экологик хавфсизликни таъминлашга, жамият экологик маданиятини ривожлантиришга ёрдам беради.

Экологик судлар фаолиятининг самарадорлиги кўп жиҳатдан уларнинг бошқа давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиги даражасига ҳам боғлиқ бўлади. Шу сабаб табиатни муҳофаза қилиш органлари, илмий муассасалар, экологик ташкилотлар билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйишлари зарур.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда экологик судларни ташкил этиш суд тизимини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишидир. Бу фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишни таъминлашга, экологик низоларни кўриб чиқиш сифатини оширишга, экологик одил судловнинг самарали тизимини шакллантиришга ёрдам беради. Ушбу ташаббусни муваффақиятли амалга ошириш учун пухта тайёргарлик кўриш, халқаро тажриба ва миллий хусусиятларни ҳисобга олиш, давлат ва жамият саъй-ҳаракатларини бирлаштириш талаб этилади.

Гулжан ПИРНИЯЗОВА,

*Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети
мустақил изланувчиси.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абашидзе А. Х., Васильев Ю. Г., Солнцев А. М. Международное экологическое право: док. и коммент. Вып. III. Экологические права человека. М.: РУДН, 2010.
2. Antonson H. Det antikvariska landskapet - ett paradigmskifte inom svensk landskapsförändring. Med landskapet i centrum. Kulturgeografiska perspektiv på nutida och historiska landskap. Stockholm: Stockholms Universitet, 2003.
3. Дж. Принг и К. Принг "Environmental Courts & Tribunals: A Guide for Policy Makers" (2023).
4. Davis P., Westgate A. China Focuses on Criminal Enforcement of Environmental Laws // Latham. London. URL: <https://www.latham.london/2017/01/china-focuses-on-criminal-enforcement-of-environmental-laws/>
5. Конституция Республики Узбекистан. 2023 // Национальная база данных законодательства, 01.05.2023 г., № 03/23/837/0241
6. Kothari A., Anuprita P. Environment and human rights. An Introductory Essay and Essential Readings // National Human Rights Commission of India, 2006. URL: <http://www.nhrcc.in>
7. Marlene Oliver. Environment Commissioner of Environment Court of New Zealand. Implementing Sustainability [Электронный ресурс]. New Zealand's Environment Court. Annexed Mediation. Fifth International Conference on International Environmental Law (8–9 December 2007, New Delhi, India). // <http://www.leadr.co.nz/db/images/marlene.pdf>
8. Pring G., Pring C. Increase in environmental courts and tribunals prompts new global institute // Journal of court innovation. 2010. V. 3. № 1. P. 11–23.
9. Philippine Merchant Marine Code. Republic Act No. 8544 - chapter 2 (February 24, 1998). Official Gazette of the Republic of the Philippines [website]. URL: <https://www.officialgazette.gov.ph>
10. Silva T.T. de A., Vieira L.C. de A. The Unconstitutionality of Vaquejada: An Analysis of Animal Dignity on Adi No. 4983 and the State Law No. 15.299/13. Amazon's Research and Environmental Law, 2016, vol. 4, no. 3, pt. 3, pp. 42-60. DOI: 10.14690/2317-8442.2016v4i3i98
11. The environmental Management and Coordination Act № 8 of 1999 http://www.vertic.org/media/National%20Legislation/Kenya/KE_Environmental_Management_Act.pdf

СУД ИШЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШГА АРАЛАШИШНИНГ СУБЪЕКТИВ БЕЛГИЛАРИГА ОИД МУЛОҲАЗАЛАР

АННОТАЦИЯ: мақолада суд ишларини ҳал этишга аралашишнинг субъектив белгиларига оид мулоҳазалар ёритилган.

Тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашишнинг субъектив томони айбнинг тўғри қасд шаклида ифодаланади, яъни шахс ўз ҳаракатларининг ижтимоий хавфлилигини билади, қонунга зид ва адолатсиз қарор чиқарилишини, тергов йўналишининг бошқа томонга огишини, натижада ўзи истаган натижа келиб чиқишини хоҳлайди. Ушбу жинойтнинг мотиви шахсий манфаатдорлик, гаразли ният ва бошқалар бўлиши мумкин.

Калит сўзлар: одил судлов, тергов ёки суд ишларига аралашганлик, жавобгарлик, қасд, ижтимоий хавфлилик даражаси.

ЖКнинг 17-моддасига мувофиқ, “жиноят содир этгунга қадар ўн олти ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахслар жавобгарликка тортиладилар”. Кўриб турганимиздек, мазкур нормада жинойт субъектига қўйиладиган барча талаблар белгиланган. Шахсни жиноий жавобгарликка тортишнинг умумий шартларидан бири ижтимоий хавфли қилмишни содир этган пайтда у қонунда белгиланган жиноий жавобгарлик ёшига тўлганлиги ҳисобланади.

Жиноий жавобгарлик ёши қонунда эркин белгиланиши мумкин эмас. Энг аввало, физиология, умумий ва ёш психологияси ҳамда педагогика фанларининг нормал ривожланган ўсмирда юқорида кўрсатилган қобилиятлар шакллани бошлайдиган ёш ҳақидаги маълумотлари ҳисобга олинади.

Бироқ, шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун у маълум даражада ҳуқуқий онгга, ўз қилмишларининг фактик томони билан бир қаторда, уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий аҳамиятини баҳолаш қобилиятига эга бўлиши лозим. Бу борада Қ.Абдурасулова ҳақли равишда “жиноий жавобгарлик ёшини белгилаш учун асос бўлиб вояга етмаган шахснинг онглилиги даражаси, унинг содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни англаш ва шунга мувофиқ онгли ҳаракат қилиш қобилияти хизмат қилади. Шунинг учун ҳам бундай қобилиятга эга бўлмаган ўсмирлар жинойт субъекти деб топилмайди”, деб қайд этади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 236-моддаси, яъни тергов қилиш ва суд ишларига аралашиш жиноят-

тининг субъекти ва субъектив томонларини юқоридаги таъриф ва қоидалардан келиб чиққан ҳолда ёритамиз.

Мазкур модда тузилишига кўра икки қисмдан иборат бўлиб, иккинчи қисми огирлаштирувчи таркиб сифатида намоён бўлади. Жиноят кодексининг 236-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган жиноятнинг субъекти Жиноят кодексининг 17-моддаси биринчи қисми талабларига биноан 16 ёшга тўлган, ақли расо ҳар қандай жисмоний шахс ҳисобланади. Шунингдек, жиноят кодекси 236-моддасининг иккинчи қисмида тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашиш учун қилмишнинг огирлаштирувчи ҳолати кўрсатилган. Унга асосан агарда қилмиш мансабдор шахс томонидан содир этилган бўлса, ушбу модданинг иккинчи қисми билан баҳоланади. Демак, Жиноят кодекси 236-моддасининг иккинчи қисми махсус субъектлик жиноят саналади. Шу сабабли ушбу моддада назарда тутилган жиноятнинг субъекти ўн саккиз ёшга тўлган мансабдор шахслар ҳисобланади.

Мансабдор шахс тушунчасига турли хил адабиётларда турлича таъриф берилган. Масалан, ҳуқуқшунос М.Х.Рустамбоев мансабдор шахс ишни тергов қилиш ёки ҳал этишга аралашишга бевосита ваколати бўлган шахсдир. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судья ҳам қоида бўйича мансабдор шахс ҳисобланади. Энг аввало, давлат мансабини эгаллаган шахслар мансабдор шахслардир. Бундан ташқари, судья мансаб ваколати билан боғлиқ бўлмаган ҳолда у билан алоқадор шахслар, масалан, судья, прокурор ёки терговчининг фарзандлари таълим олаётган мактаб директори, судья ёки унинг қариндоши яшаётган уйнинг, маҳалланинг оқсоқоли ва бошқалар ҳам мансабдор шахс деб топилади, - тарзида фикр билдирган бўлса, Б.Ж.Аҳроровнинг таъкидлашича, “Мансабдор шахс – давлат органида, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органида, мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона, муассаса, ташкилотда тайинланадиган, сайланадиган ёки махсус топшириқ асосида доимий ёки вақтинча ташкилий-бошқарув ёки маъмурий-хўжалик ваколатини амалга оширувчи шахс”. Ўзбекистон Республикаси Олий суди амалиётида мансабдор шахс тушунчаси кенг талқин қилинади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги “Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорида “мансабдор шахс” тушунчасининг мазмуни “...давлат, кооператив, жамоат ва бошқа корхона, муассаса ва ташкилотларда мансабдорлик вазифасини доимий ёки вақтинчалик бажараётган ходимлар...”, деб тушунтирилади.

«Агар яхши кўрган нарсангни йўқотсанг, эсла: барча дарахтлар кузда япроқларидан айрилади. Баҳорда яна япроқ очади. Ҳаётда ҳар бир нарсанинг аччиқ-чучуги бўлади».

Нажиб Маҳфуз.

Жиноят кодекси Махсус қисмининг саккизинчи бўлимида ушбу тушунчага таъриф берилган. Унга кўра, мансабдор шахс – бу доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, муассасаларда, ташкилотларда ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс, худди шунингдек халқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахсдир.

Демак тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашининг субъектив томони айбнинг тўғри қасд шаклида ифодаланади, яъни шахс ўз ҳаракатларининг ижтимоий хавфлилигини билади, қонунга зид ва адолатсиз қарор чиқарилишини, тергов йўналишининг бошқа томонга олиниши, оқибатда ўзи истаган натижа келиб чиқишини хоҳлайди. Ушбу жиноятнинг мотиви шахсий манфаатдорлик, ғаразли ният ва бошқалар бўлиши мумкин.

Тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашининг субъектив томони айбнинг қасд шаклида ифодаланади, шунингдек ушбу жиноят формал таркибли жиноят ҳисобланиб, у фақатгина тўғри қасд билан содир этилади.

Бундай ҳулосага келиш Жиноят кодексининг 21-моддаси биринчи қисмида мустаҳкамланган қоида билан асосланади. Унга кўра, Жиноят кодекси моддасида акс этган жиноят тамом бўлган пайт ижтимоий қилмиш бажарилган вақт деб ҳисобланган бўлиб, уни содир этган шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфлилиги хусусиятини англаган ва шундай қилмишни содир этишни истаган бўлса, бундай жиноят қасддан содир этилган деб ҳисобланади. Қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги хусусиятини англаши (айбнинг интеллектуал элементи) ҳақида қонун чиқарувчи томондан жиноятнинг зарурий белгиси сифатида, аралашини иш юритувининг қайси бир босқичида амалга оширилишга боғлиқ бўлган жиноят мақсадини назарда тутганликдан далолат беради. Агарда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказиш дастлабки тергов босқичида амалга оширилса, унда айбдор ишнинг ҳар томонлама, тўла ҳолисона ўрганилишига тўсқинлик қилишга интилади. Агарда қонунга хилоф равишда таъсир қилиш суд муҳокамаси босқичида амалга оширилса, унда айбдор адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқарилишига эришиш мақсадини кўзлайди. Қонунда таъкидланган қилмишлар, мақсадлар ушбу қилмишнинг зарурий муқобил белгиси ҳисобланиб шахсни Жиноят кодексининг 236-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортиш учун суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судьянинг фаолиятига аралашини амалга оширишдан манфаатдор шахснинг интилаётган онгли натижасини белгиловчи мақсад ёки мақсадлар борлигини аниқлаш лозим.

Субъектив томоннинг зарурий белгиси аралашини қандай мақсадда содир этилганлиги ҳисобланади. Агар аралашини жиноят ишини тергов қилиш жараёнида амалга оширилса, мақсад терговнинг тўлиқ ва ҳар томонлама олиб борилишига тўсқинлик қилиш ҳисобланади. Суд ишларини адолатли қарор топтириш учун иш бўйича судьялар

(ёки судья) томонидан қонуний ва адолатли қарор (ҳукм, ажрим, қарор ва ҳал қилув қарори) қабул қилиш ҳисобланади ҳамда юқоридаги таърифларда келтириб ўтганимиздек, мазкур жиноят субъектив томондан қасддан, хусусан, айбнинг тўғри қасд шакли билан содир этилади.

Шунингдек, жиноятларнинг мотиви ва мақсади қилмишнинг квалификация қилишга таъсир кўрсатади. А.С.Якубов, Р.Қабулов, Б.Б.Матлюбов, Д.Й.Пайзиев, Т.Р.Кучкаровларнинг фикрича, агар Жиноят кодексини Махсус қисми моддасининг диспозициясида кўрсатилмаган бўлса, жазони енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолат бўлиши мумкин. Мотив ва мақсад жиноятларда зарурий белги сифатида келса, тўғри қасд билан содир этилган ҳисобланади. Тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашини жиноятнинг субъектив томонини кенг ўрганиш натижасида маълум бўлдики, ушбу жиноят амалиётда жуда ҳам кам қўлланилади ва бунга сабаб тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашини доимо ҳар хил шаклда содир этилади ва бир қараганда бошқа бир жиноят таркибини келтириб чиқаргандек кўринади.

Шу ўринда қонунчилик томонидан айнан қайси ҳаракатлар тергов фаолиятига аралашини деб баҳоланиши ва айнан қайси ҳаракатлар суд ишларини ҳал этишга аралашини ифодаланадиган хатти-ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) аниқланиши ҳамда дифференциация қилиниши мақсадга мувофиқ.

Сайфилло Рамазанов,

Судьялар олий мактаби мустақил изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ахбаров Б.Д. Бошқарув тартибига қарши мансабдорлик жиноятлари учун жавобгарлик муаммолари: Юрид. фан. докт....диссертация. – Т., 2008. – Б.125-126.
2. Динеева В.И. Преступления против государственной власти, интересов государственной службы и службы органов местного самоуправления: Монография / Под ред. профессора Н.И.Ветрова. – М.: Юридический институт МВД России, 2000. – С. 85–87.
3. Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм: Дарслик. Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашри / Ш.Т.Икрамов, Р.Қабулов, А.Отажонов ва бошқ.; Масъул муҳаррир Ш.Т.Икрамов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014. – 786 б. 544-бет.
4. Қабулов Р., Отажонов А.Одил судловга қарши жиноятлар. Ўқув қўлланма.Т.: 2013. – Б.50.
5. Курс уголовного права: Общая часть. Т. 1: Учение о преступлении / Под ред. Н.Ф.Кузнецовой, И.Л.Тяжковой. – М., 1999. – С. 168.
6. М.Х.Рустамбаев Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. IV том. Махсус қисм. Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар. Экология соҳасидаги жиноятлар. Ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар. Олий таълим муассасалари учун дарслик. — Т.: “ILM ZIYO”, 2011. 424 бет. 379-бет.
7. Манохин В.М. Советская государственная служба. – М.: Юридическая литература, 1966. – С. 123.
8. Пахомов И.Н. Виды советских государственных служащих, их права и обязанности. – Львов: Право, 1965. – С. 55-57.
9. Ямпольская Ц.А. О должностном лице в советском государственном аппарате // Вопросы советского административного права. – М., 1949. – С.141.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”-ги Фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>
11. Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонуни. <https://lex.uz/docs/5534923#5538048>
12. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги “Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. 1999 йил 3–4-сон. – Б. 22.
13. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Чизмалар албому /А.С.Якубов, Р.Қабулов, Б.Б.Матлюбов, Д.Й.Пайзиев, Т.Р.Кучкаров. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014. – 154 б. 35-бет.

ЙИГИЛИШ ҚАРОРЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ

АННОТАЦИЯ: ушбу мақолада умумий йиғилиш қарорининг ҳуқуқий ҳужжат сифатида ўзига хос хусусияти тўғрисида маълумотлар берилган ҳамда йиғилиш қарорларига нисбатан муаллифлик таърифи келтирилган.

Калит сўзлар: йиғилиш қарори, ҳўжалик жамиятлари, акция эгалари, корпоратив муносабатлар, йиғилиш баённомаси, очик овоз бериш, сиртдан овоз бериш.

Ҳар бир йиғилиш қарори мазкур йиғилишнинг моҳияти, мақсади ва вазифалардан келиб чиқиб муайян тартиб ва таомилларга мувофиқ қабул қилинади.

Умумий йиғилиш қарорининг ҳуқуқий ҳужжат сифатида ўзига хос хусусияти шундаки, у ўзининг ҳуқуқий табиатига кўра ҳам норматив бўлмаган, ҳам норматив ҳужжат бўлиши мумкин. Норматив ҳужжатларга турли хил низомлар (директорлар кенгаши, тафтиш комиссияси тўғрисидаги ва бошқалар) ва регламентлар мисол бўла олади.

Юридик шахсларнинг бошқарув органлари ҳужжатлари турларини таснифлашнинг юқоридаги мезонига кўра, юридик шахс олдида турган вазифанинг хусусиятига қараб, одатда, қандайдир қисқа муддатли, битта вазифа бажариш учун қабул қилинган тезкор (ёки динамик) характердаги ва доимий, узок муддатли вазифани бажариш учун қабул қилинган умумий йиғилиш қарорларини ажратиш мумкин.

Ҳуқуқшунос Е.М.Хегайнинг фикрича “акциядорлар умумий йиғилиши АЖнинг бошқа бошқарув органлари орасида алоҳида мақомга эга бўлиб акциядорларнинг умумий йиғилиши – АЖнинг ташкил этиш ва тузилишига нисбатан махсус таомил назарда тутилмаган ягона органи ҳисобланади, бинобарин акциядорлар умумий йиғилиши органининг мақоми АЖ давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади, акциядорларнинг умумий йиғилиши ўз ваколатлари ва қонун билан ваколат берилган локал норма ижодкорлиги доирасида ўз фаолияти учун ҳам, жамиятнинг бошқа органлари фаолияти учун ҳам ҳуқуқий асос яратади ва акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирокчиси – жисмоний шахслар томонидан шакллантирилган ирода ва улар томонидан амалга оширилган ҳаракатлар алоҳида юридик техника воситасида юридик шахснинг ўз иродаси ва ҳаракати сифатида кўрилади”.

Ўз навбатида, А.В.Савиков АЖ умумий йиғилишининг қуйидаги хусусиятларини қўшимча қилади: “ушбу орган АЖнинг бутун бошқарув тизимини яратади, умумий йиғилишда иштирок этиш акциядорни жамиятни бошқарувда иштирок этиш ҳуқуқи ҳисобланади ва умумий йиғилиш иштирокчиларига нисбатан қонунчиликда жамиятнинг бошқа бошқарув органлари аъзолари учун белгиланган жавобгарлик назарда тутилмаган”.

Ҳ.Р.Раҳмонқулов ва С.С.Гулямовларнинг ёзишларига кўра “умумий мажлисига жамиятни бошқариш тартибини белгилайди, уставга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, корпорациянинг мол-мулки ва умуман жамиятнинг тақдирини ҳал қилиш ваколатларига эга бўлади”.

Ҳўжалик жамиятларининг умумий йиғилиши унинг энг юқори органи бўлиб, у орқали акциядорлар ёки иштирокчилар ўз ҳуқуқ ва манфаатларини амалга ошириш, бошқарувда иштирок этиш ҳамда овоз бериш орқали муҳим қарорлар қабул қилиш ҳуқуқини амалга оширадилар. Умумий йиғилиш қарори ўз

навбатида, жамият учун стратегик аҳамият касб этади ва шу боис умумий йиғилиш қарори ва уни қабул қилиш тартиботи қонунчилик даражасида аниқ қоидалар билан тартибга солиниши зарур.

В.В.Витрянский йиғилишлар қарорларининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиб, қуйидагиларни ажратади: 1) йиғилиш қарори қонуний кучга эга бўлиши учун овоз беришда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган барча субъектларнинг иродаси ифода этилиши талаб қилинмайди; 2) қарор қабул қилишда белгиланган таомилларга риоя этилиши лозим бўлади; 3) йиғилишнинг бориши, иштирокчилари, мазмуни ва унда қабул қилинган қарорни ўзида ифодалаган баённома тузилади.

С.Ю.Филиппованинг фикрига кўра “йиғилиш қарори юридик фактнинг алоҳида тури эмас, чунки ҳуқуқий муносабатларнинг моҳиятидан келиб чиқиб, жамоавий иродани шакллантириш ва ифода этиш зарур бўлган ҳолларда юридик фактни содир этишда иродани шакллантириш ва ифода этишнинг бир усули бўлиб, бунда қонун чиқарувчи ироданинг уйғун ифодасини талаб қилмайди”. Бундай ҳолларда, йиғилишнинг қарори озчиликнинг иродасини эътиборсиз қолдириб, кўпчиликнинг иродасини бирлаштириш орқали жамоавий ирода шаклландиган ҳуқуқий таомил сифатида намоён бўлади.

Фикримизча, йиғилиш қарорини юридик тартиб-таомиллар мажмуи сифатида талқин этиш мумкин. Бирок, бундай таомил асосида йиғилиш юридик таркиб сифатида амалга оширилади. Шу билан бирга, шахслар тўплами сифатида йиғилиш қарори ҳали ҳам юридик факт сифатида кўриб чиқилиши ва битимлар билан таққосланиши мумкин.

АЖ тўғрисидаги қонуннинг 60-моддаси иккинчи қисмига биноан умумий йиғилишда овозга қўйилган масалалар бўйича қарорлар унда қатнашаётганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Бунда овоз бериш ҳуқуқига “жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгалари” ҳақли ҳисобланадилар.

Шу билан бирга, ҳуқуқий тавсифлаш нуқтаи назаридан умумий йиғилиш иштирокчиларининг аниқ қарорларни қабул қилиш учун овоз бериш масаласи ҳам муҳимдир. Учрашув иштирокчиси томонидан муайян қарор фойдасига ёки унга қарши овоз бериш орқали ўз иродасини ифодалаш битимми?, – деган саволга жавоб бериш битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги қоидаларга мувофиқ эрк-иродани ифодалаш (овоз бериш) факти бўйича низолашиши ва йиғилиш қарорининг ҳақиқийлиги хавф остига қўйилиши мумкин.

Ушбу масала йиғилишлар мажлисларида овоз беришда (шу жумладан масофадан туриб) ҳам, сиртдан овоз беришда ҳам долзарбдир. Битимларнинг ҳақиқий эмаслиги тўғрисидаги қоидаларни қўллаш аргументлар рўйхатини ва йиғилиш қарорига эътироз билдирмоқчи бўлган шахснинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усулларини кенгайтиришга имкон беради.

Қонун ҳужжатларида акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишнинг иккита асосий шакли кўзда тутилган, хусусан:

– чақирилган йиғилишда барча акциядорларнинг биргаликда иштирок этиши, асосий зарур қарорлар юзма-юз овоз бериш йўли билан қабул қилинади (яъни шахсан);

– акциядорларнинг биргаликдаги шахсий иштирокисиз сиртдан овоз беришни ўтказиш орқали (яъни, сўров йўли билан).

Анъанавий шакл – бу белгиланган вақтда, белгиланган жойда ўтказиладиган акциядорларнинг юзма-юз умумий йиғилиши бўлиб, унда масалалар бевосита муҳокама қилинади ва кун тартибдаги барча масалалар бўйича қарорлар қабул қилинади.

Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатлари қонунчиликда ҳам жуда кенг қамровли тарзда белгиланган. Шундай қилиб, АЖ акциядорларининг умумий йиғилиши ўз ваколатига кирмайдиган масалаларни кўриб чиқишга, шунингдек улар бўйича акциядорлик жамиятлари тўғрисидаги қонунда назарда тутилган қарорлар қабул қилишга ҳақли эмас. Ушбу органга директорлар кенгаши (кузатув кенгаши) ва ижроия органи ваколатига қирадиган масалаларни кўриб чиқиш ваколати берилмаган. Кўпгина тадқиқотчилар бу қонун чиқарувчининг мутлақо адолатли қарори, деб ҳисоблашади, чунки “умумий йиғилиш акциядорларнинг хоҳиш-иродасини ифода этиш шакли сифатида ҳали ҳам уни жамиятнинг жорий фаолиятини бошқаришда қўллаш учун етарлича мослашувчан восита ҳисобланади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 ноябрдаги ПҚ-415-сон “Корпоратив муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг 1-бандига асосан, “2022 йил 1 декабрдан бошлаб масъулияти чекланган жамиятнинг юридик шахс ҳисобланган иштирокчилари вакилларига умумий йиғилишда иштирок этиш учун бериладиган ишончнома-ни нотариал тартибда тасдиқлаш талаби бекор қилинган”. Шу муносабат билан МЧЖ тўғрисидаги қонуннинг 34-моддаси тўртинчи қисмини бундай ишончномаларни нотариал тасдиқлаш талаб этилмаслигига оид норма билан тўлдириш лозим бўлади: “бунда, жамиятнинг юридик шахс ҳисобланган иштирокчилари вакилларига берилган ишончномаларни нотариал тартибда тасдиқлаш талаб этилмайди”.

МЧЖ тўғрисидаги қонунда жамият иштирокчиси жамиятнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотлар, ҳужжатлар билан фақатгина танишиши ва ахборот олиши мумкин бўлиб, ушбу ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини олиш, хусусан умумий йиғилиш баённома нусхаларини етказиш масаласи белгиланмаган. Бу эса, жамият иштирокчилари ва уларнинг фаолиятларида юзага келиши мумкин бўлган ноаниқликлар ва зиддиятларнинг олдини олишга ҳамда суд амалиётида ишни мазмунан кўриш учун аҳамиятга эга бўлган далилларни тақдим қилишга ва шу каби бошқа муаммоларни юзага келмаслигига олиб келади. Шу боис, жамият иштирокчиларининг жамият фаолиятида самарали иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши баённомаси расмийлаштирилгандан уларнинг нусхаларини жамият иштирокчиларига бериш шартлигини белгилаш талаб этилади. Фикримизча, МЧЖ тўғрисидаги қонуннинг 35-моддаси тўртинчи қисми сифатида қуйидаги қондан киритиш зарур: “жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши баённома-

си расмийлаштирилгандан сўнг беш иш кун ичида йиғилиш қотиби жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши баённомаси нусхасини барча иштирокчиларга почта алоқаси ёки электрон почта орқали юбориши шарт”.

Юқорида таъкидланганидек, амалдаги ФҚда йиғилиш қарорларини қабул қилиш тартибига оид аниқ ва йиғилишларнинг барча турлари учун татбиқ этилиши мумкин бўлган қоидалар мавжуд эмас. Бу эса ўз навбатида, ҳар бир йиғилиш учун қарор қабул қилишга оид алоҳида қоидаларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш билан боғлиқ муаммоли жиҳатларни юзага келтиради.

Фикримизча, йиғилиш қарорларининг ҳақиқий эмаслиги ҳақидаги қоидалар битимларнинг ҳақиқий эмаслигига оид нормалардан алоҳида шакллантирилиши ва уларга оид умумий нормалар ФҚда ўз ифодасини топиши лозим бўлади. Йиғилиш қарори ҳақиқий эмаслиги юзасидан низоли ва ўз-ўзидан ҳақиқий эмас қарорларга бўлиниши мақсадга мувофиқ. Бу йиғилиш қарорини қабул қилишда қандай шартлар ва талаблар бузилганлигига ҳамда қабул қилинган қарорнинг мазмуни ва моҳиятидан келиб чиқади. Шунингдек, йиғилиш қарори суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилганда қандай ҳаракатлар амалга оширилиши борасида ҳам ФҚда аниқ қоидалар ва талаблар белгиланиши лозим. Суд томонидан йиғилиш қарори ҳақиқий эмас деб топилганлиги тегишли равишда эълон қилиниши, бу ҳақдаги ёзув тегишли реестрга киритилиши ва шу каби процессуал хатти-ҳаракатлар ҳам амалга оширилиши ҳақидаги қоидалар қонунчиликка киритилиши мақсадга мувофиқдир.

Сарвиноз ХАСАНОВА,

*Тошкент давлат юридик университети
мустақил изланувчиси.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майдаги ЎРҚ-370-сон “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни // <https://lex.uz/docs/2382409>.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 6 декабрдаги “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги 310-II-сон қонуни // <https://lex.uz/docs/22525#22970>
3. Морозова Л. А. Теория государства и права. – М.: 2007. – С. 248.
4. Ганижев А.Я. Правовая природа и виды решения общего собрания хозяйственного общества // Журнал российского права. 2012. – № 8. – С. 116.
5. Хегай Е.М. Правовой статус общего собрания акционеров по российскому законодательству: порядок организации работы, принятия и обжалования решений: автореф. дис.... канд. юрид. наук. – М.: 2009. – 7 с.
6. Савиков А.В. Правовое положение общего собрания акционеров по законодательству Российской Федерации: автореф. дис.... канд. юрид. наук. – М.: 2004. – С. 6-7.
7. Канатова А.К. К вопросу о месте общего собрания акционеров в управлении акционерным обществом // Matters of Russian and International Law. 2019, Vol. 9, Is. 2A. – С. 110.
8. Раҳмонқулов Ҳ.Р., Гулямов С.С. Корпоратив ҳуқуқ. – Тошкент: ТДЮИ, 2006. – 272 б.
9. Витрянский В.В. Новеллы о сделках и решениях собраний // Хозяйство и право. 2016. № 1 (Приложение). Приведено по СПС “КонсультантПлюс”.
10. Филиппова С.Ю. Юридические действия как юридические факты в российском гражданском праве: дисс. докт. юрид. наук. – М.: 2021. – 207 с.
11. Коваленко Ю.Н. Развитие альтернативных форм проведения общих собраний собственников // Гражданское право. 2022. – № 1. Приведено по СПС “КонсультантПлюс”; Шевченко И.М. О некоторых вопросах оспаривания решений собрания кредиторов в делах о банкротстве // Закон. 2020. – № 9. Приведено по СПС “КонсультантПлюс”.
12. Сарбаш С.В. Исполнение договорного обязательства. М.: Статут, 2005. Приведено по СПС КонсультантПлюс.
13. Мотовиловкер Е.Я. Спорные вопросы теории сделок // Вестник гражданского права. 2011. N 4. Приведено по СПС “КонсультантПлюс”.

МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИНИ ЧЕКЛАШНИНГ ҚОНУНИЙ АСОСЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мақолада муаллифлик ҳуқуқини чеклашнинг қонуний асослари ҳамда ҳуқуқий жиҳатлари муҳокама қилинган. Шунингдек, муаллифнинг қонуний манфаатларига путур етказмаслик шарти билан унинг асаридан эркин фойдаланишга йўл қўйилиши турлари ва тушунчалари баён қилинган.

Калит сўзлар: интеллектуал мулк, интеллектуал фаолият натижалари, муаллифлик ҳуқуқининг чекланиши, асардан эркин фойдаланиши.

“Истисно” ва “чеклаш” тушунчалари қонунда кенг қўлланилади. Ушбу тушунчаларни кўриб чиқишдаги ёндашувлар уларни қўллаш доирасига қараб фарқ қилади. Аввало, бу тушунчаларни умумий назарий жиҳатдан кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Давлат ва ҳуқуқлар назарияси контекстида ушбу тушунчаларнинг турли жиҳатларини батафсил кўриб чиқиш орқали ҳуқуқнинг бошқа соҳаларида ўрганилаётган тушунчаларнинг инструментал мақсадини тўлиқ ва изчил ўрганиш мумкин.

Конституциямизнинг 29-моддасига кўра ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлигига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга. Амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир. Фикр юртиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин. Юқоридаги конституциявий нормалар илмий-ижод эркинлиги муайян истиснолар билан амал қилишини кўрсатади. Илмий ижод эркинлигини илмий тадқиқотлар мавзусини танлаш, усул ва воситаларни белгилаш, эришилган илмий натижаларни эълон қилиш ёки эълон қилмаслик эркинлиги маъносида талқин этиш мумкин.

Рим конвенциясининг 15-моддасига кўра ҳар қандай давлат ички қонунчилиги билан қуйидаги чеклашларни (асардан эркин фойдаланишни) жорий этиши мумкин. Жумладан, асардан шахсий мақсадларда, кундалик воқеаларни шарҳлашда парчалар ишлатишда, ўз техника воситалари орқали ўзларининг дастурларини тайёрлашда қисқа муддатга овоз ёзувларидан фойдаланиш ва илмий изланишлар олиб бориш мақсадларида фойдаланишлари мумкин. БИМТ, ЮНЕСКО, Бутунжаҳон меҳнат ташкилоти ушбу конвенциянинг маъмурий вазифасини бажаришда масъул ташкилотлар ҳисобланади.

Ҳуқуқларни чеклаш институтини тармоқлараро институт деб ҳисоблайдиган ва конституциявий, маъмурий, жиноий, фуқаролик, меҳнат ва бошқа ҳуқуқ соҳалари нормаларини ўз ичига олган К.К. Гасановнинг позициясига қўшилмаслик мумкин эмас. Ушбу гоёни ривожлантирар экан, олим ҳокимият ва бўйсунуш муносабатларини тартибга солишини таъкидлайди, шунинг учун у ҳуқуқий тартибга солишнинг бўйсунувчи ёки императив усули билан тавсифланади. Асосий ҳуқуқларни

чеклаш уларнинг баъзиларидан фойдаланишни тўғридан-тўғри тақиқлаш билан ҳам у ёки бу ҳуқуқни маълум бир ҳуқуқ мазмунидан чиқариб ташлаш бундай ҳуқуқни амалга оширишнинг махсус тартибини белгилаш орқали амалга оширилади деб ҳисоблайди.

Шу билан бирга, муаллифлик ҳуқуқи чеклови фуқаролик ҳуқуқи чекланишидан фарқ қилади. Бунинг сабаби шундаки, муаллифлик ҳуқуқини чеклаш бошқа шахсларнинг асардан қонунда белгиланган ҳолларда ва чегараларда фойдаланишни тақиқлаш имкониятини чеклашдан иборат. Муаллифлик ҳуқуқида эксклюзив ҳуқуқларни чеклаш ижтимоий фойдали мақсадга эга бўлиб, улар нотижорат мақсадларда ахборот, маданий объектлар ва таълимни рағбатлантиришни таъминлашга қаратилгандир. Асардан муаллифнинг исми-шарифини ва олинган манбасини албатта кўрсатган ҳолда ҳамда асардан нормал фойдаланилишига зарар етказмаслик ва муаллифнинг қонуний манфаатларига путур етказмаслик шарт билан қуйидаги тарзда эркин фойдаланишга йўл қўйилиши “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонунда келтириб ўтилган.

Уларга қуйидагилар киради:

- ошкор қилинган асарлардан асл нусхада ва таржимада илмий, тадқиқий, мунозаравий, танқидий ҳамда реклама билан боғлиқ бўлмаган ахборот мақсадларида кўзланган мақсадга мос ҳажмда иқтибос олиш, шу жумладан газета ва журналлардаги мақолалардан парчаларни матбуот шарҳлари шаклида такрорлаш;

- ошкор қилинган асарлардан ёки бундай асарларнинг парчаларидан таълим ва ўқув тусидаги нашрларда, радиоэшиттириш ва телекўрсатувларда, овозли ва видео ёзувларда кўзланган мақсадга мос ҳажмда мисоллар тариқасида фойдаланиш;

- кундалик сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва диний масалалар юзасидан газета ва журналларда чоп этилган мақолалар ёки эфирга узатилган ёхуд кабель орқали юборилган шу тусдаги асарларни газеталарда такрорлаш, эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш, шундай фойдаланиш муаллиф томонидан махсус тақиқланган ҳоллар бундан мустасно;

- омма олдига сўзланган сиёсий нутқлар, мурожаатлар, маърузалар ва шунга ўхшаш асарларни кўзланган мақсадга мос ҳажмда газеталарда такрорлаш, эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш. Бунда ана

шундай асарларни тўпламларда чоп этиш ҳуқуқи муаллифда сақланиб қолади;

- кундалик воқеалар жараёнида кўриш ёки эшитиш мумкин бўлган асарларни ана шундай воқеаларнинг шарҳларида фотография ёки кинематография воситалари ёрдамида эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш йўли билан ахборот мақсадига мос ҳажмда такрорлаш ёки барчанинг эътибори учун юбориш. Бунда ана шундай асарларни тўпламларда чоп этиш ҳуқуқи муаллифда сақланиб қолади;

- даромад олишни кўзламаган ҳолда кўзи ожизлар учун қабарик нуқтали ҳарфлар ёки бошқа усуллар билан чоп этилган асарларни такрорлаш, ана шундай такрорлаш усуллари учун махсус яратилган асарлар бундан мустасно.

Шуни ёдда тутиш керакки, ушбу қоидалар фақат муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимояланган асарлардан бепул фойдаланиш учун қўлланилади. Шу билан бирга, шуни таъкидлаш керакки, ушбу бепул фойдаланиш ҳолатлари муаллифлик ҳуқуқининг аниқ чекловлари ҳисобланади, чунки бу асарга эксклюзив ҳуқуқлар муддати тугамаган асарлардан фойдаланишни назарда тутди. Шунинг учун муаллифлик ҳуқуқини чеклаш — бу асарлардан бепул фойдаланишнинг бир тури бўлиб, унга ижтимоий мулкка ўтган асарлардан бепул фойдаланиш (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1066-моддаси) ҳам киради.

Муаллифнинг ижодий фаолияти натижалари, фан ва маданият ютуқларидан эркин фойдаланиш қобиляти жамиятда ижодкорлик, таълим ва маданиятни ривожлантиришнинг зарурий шартидир. Интеллектуал фаолият натижаларидан эркин фойдаланиш институти интеллектуал мулк ҳуқуқининг энг муҳим функционал институтларидан бири ҳисобланади. Масалан, Никитина ушбу институтни “манфаатлар бирдамлиги”нинг намоён бўлиши сифатида белгилаб, муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги қонун бошқа юридик институтларга қараганда кўпроқ “муаллиф манфаатларининг давлат манфаатлари билан бирдамлигини ифода этишига” алоҳида эътибор қаратади.

Шубҳасиз, муаллифлик ҳуқуқини чеклашдан мақсад янги асарларнинг пайдо бўлишини рағбатлантиришдир. Гибо Люсининг фикрича, муаллиф монополиясини тан олиш ва асарларга мутлақ ҳуқуқлардан фойдаланиш бу асардан фойдаланмоқчи бўлганларнинг сўз эркинлигини чеклаш ва шунчаки маълумот ва маълумотлардан фойдаланмоқчи бўлганларнинг ижод эркинлигига бўлган ҳуқуқларини чеклашдир. Муаллиф яратган асаридаги ғоялар, шунинг учун кўплаб субъектларга муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимояланган асарлардан ўзларининг сўз эркинлиги ва маълумот олиш ҳуқуқини тарғиб қилиш учун маълум бир тарзда фойдаланишга имкон бериш учун киритилган муаллифлик ҳуқуқини чеклашнинг бутун мажмуаси мавжуд.

Хорижий илмий адабиётларда сўз эркинлиги манфаатларини, яъни таълим ва фан каби бошқа жамоат манфаатларини қондириш учун муаллифлик ҳуқуқи эгаларининг мутлақ ҳуқуқларига чекловлар мавжуд

бўлиши нуқтаи назари мавжуд. Ronan Deazleyнинг таъкидлашича, муаллифлик ҳуқуқи истиснолари муаллифлик ҳуқуқи эгасининг иқтисодий манфаатлари ва бошқалар томонидан ижтимоий, маданий, сиёсий ёки иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлиши керак бўлган мувозанатни топишга уринишдир.

Юқоридаги фикрларимизни умумлаштирадиган бўлсак, муаллифлик ҳуқуқини чеклаш бу интеллектуал мулк ҳуқуқи институтининг жамият ва муаллифларнинг манфаатларини мувозанатлаштириш воситасидир. Давлат муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимоя қилинган асарлардан фойдаланишда асоссиз тўсиқлар яратмасдан ва муаллифлар (муаллифлик ҳуқуқи эгалари) ҳуқуқларининг асоссиз бузилишига йўл қўймасдан, бундай манфаатлар мувозанатини мувофиқлаштириш усуллари ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади.

Шу билан бирга ҳуқуқий доктринада “муаллифлик ҳуқуқини чеклаш” тушунчаси тўғрисида ягона назарий тушунча мавжуд эмас. Кўп ҳолларда “истиснолар” ва “чеклов” тушунчаларига суд амалиётининг универсал таърифи ҳам ишлаб чиқилмаган.

Муаллифлик ҳуқуқини чеклаш асарлардан бепул фойдаланиш турларидан биридир. “Асарлардан эркин фойдаланиш” тушунчаси, ўз навбатида, муаллифлик ҳуқуқи чекловларига қараганда мазмунан кенгроқ бўлиб, муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги қонунда белгиланган, муаллифнинг розилигисиз ва унга ҳақ тўламасдан интеллектуал фаолият натижаларидан фойдаланиш имкониятини таъминлайдиган ҳуқуқий нормалар мажмуини ифодалайди.

Ирода АЛИМАРДАНОВА,

Судьялар олий мактаби таянч докторанти.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 29-модда.
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси.
3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига шарҳ: Илмий шарҳлар. Т.3./ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. — Тошкент: Baktia press, 2013. 367 б. <https://www.osce.org/files/f/documents/5/a/106233.pdf>.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонуни.
5. Никитина М. И. Авторское право на произведения науки, литературы и искусства. Казань. 1972. С. 85.
6. Gibo L. The nature and scope of restrictions and exclusions from copyright and related rights in the light of common tasks of knowledge transfer: prospects for their adaptation to the digital environment [Electronic resource] // UNESCO Bulletin on Copyright. 2004. No. 1. URL: <http://www.unesco.ru/> (date of access: 03/25/2016).
7. Омон Окюлов. ТДЮУ профессори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, юридик фанлар доктори, профессор “Интеллектуал мулк объектларининг ижодкор яратувчиси ҳуқуқларининг устуворлиги” - Интеллектуал мулк объектларини суд орқали ҳимоя қилишнинг ташкилий ҳуқуқий таъминлаш масалалари мавзусида ўтказилган давра суҳбати материаллари.
8. Гасанов К.К., Стремоухов А.В. Абсолютные права человека и ограничения прав // Правоведение. 2004. № 1. С. 164-173.
9. Gibo L. The nature and scope of restrictions and exclusions from copyright and related rights in the light of common tasks of knowledge transfer: prospects for their adaptation to the digital environment [Electronic resource] // UNESCO Bulletin on Copyright. 2004. No. 1. URL: <http://www.unesco.ru/> (date of access: 03/25/2016).
10. Deazley R. Copyright and Digital Cultural Heritage: The Permitted Acts - Exceptions to Copyright [Electronic resource]. URL: https://copyrightcortex.org/files/copyright10_1/7-CDCH-Permitted-Acts.pdf (date of the application: 10.05.2017).

СУД ҲОКИМИЯТИНИНГ ИЛМИЙ ТАСНИФИ ВА ТУЗИЛИШИ

Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши тамойилига асосланади. Суд ҳокимияти давлат органлари тизимида алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 130-моддасига мувофиқ, “Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятдан, сиёсий партиялардан, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан мустақил ҳолда иш юритади”.

Суд ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар билан биргаликда мавжуд бўлиши ҳамда уларнинг биргаликда фаолият юритиши демократик давлатнинг муҳим белгиси ҳисобланади.

Суд ҳокимияти давлатнинг бошқа тузилмаларидан мустақил ажралиб чиқиши мазкур мамлакатнинг ҳуқуқ устунлиги тамойилини, ундаги эркинлик ва адолат ғояларини амалга татиқ этишдаги жиддий ютуқлари ҳақида гувоҳлик беради. Суд ҳокимиятининг асосий мақсади – жамият аъзоларининг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини жамият бошқа аъзоларининг ҳуқуққа хилоф тажовузларидан, давлатнинг нотўғри ҳаракатларидан асраш, ҳимоя қилишдир. Бундай фаолиятни амалга оширмай туриб, ҳеч қайси бир давлатни ҳуқуқий ҳисоблаб бўлмайди.

Суд ҳокимияти жамиятда вужудга келадиган низоларнинг ҳуқуқий асосда ҳал этилишини таъминлаб, барча субъектларнинг қонунга итоат этиши ва ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи

тармоқларини чегаралаб, тийиб туришда, уларнинг фаолиятлари устидан ҳуқуқий назоратни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади. Мазкур вазифа суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият тармоқлари фаолиятларининг Конституцияга қанчалик мос бўлаётганини текшириш, улар томонидан Асосий қонунга хилоф равишда чиқарилган қонун ҳужжатларининг амал қилишини тўхтатиб қўйиш имконига эга бўлган тақдирдагина ўзининг самарасини беради.

Россиялик олим В.М. Савицкий, суд ҳокимияти нафақат судлов билан шуғулланишини, балки у қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият қарорлари ҳамда фаолиятига ҳуқуқий жиҳатдан фаол таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлиб, уларни ўзаро муносабатда ушлаб туришини таъкидлайди.

Суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан қанчалик алоҳида бўлмасин, улар ўртасида боғлиқлик бор. Масалан, қонун чиқарувчи органлар ҳамма учун, судлар учун ҳам мажбурий бўлган қонунларни чиқаради. Суд ҳокимияти органлари эса, ўзларига тегишли бўлган ваколатлар орқали қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органлар фаолияти мазмунига таъсир этиши мумкин.

Суд ҳокимиятининг асосий вазифаси жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, одил судловни амалга ошириш ҳисобланади. Судлар ишларни ошкора кўриши орқали ҳар бир фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари ҳимоя қилинишига кафолат яратади. Мустақил ва холис судни талаб қилиш ҳар бир инсоннинг ҳуқуқи эканлиги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 10-моддасида ҳам мустаҳкамлаб қўйилган. Жумладан, “Ҳар бир инсон, унинг ҳуқуқлари ва бурчларини белгилаш ва унга қўйилган жиноий айбнинг нечоғли асосланганлигини аниқлаш учун, батамом тенглик асосида, ўз иши ошкора, адолатнинг барча талабларига риоя этилиб, мустақил ва холис суд томонидан кўриб чиқиши ҳуқуқига эгадир”.

Суднинг суд ҳокимияти органи сифатидаги хусусияти яна шундан иборатки, унинг фаолияти учун махсус қоидалар, жараёнлар ўрнатилган бўлади. Бу қоидалар у ёки бу ишнинг судда кўрилишида барча масалаларни қатъиян тартибга солиб қўяди. Уларнинг асосий мақсади қонуний ва адолатли ечим чиқарилишини таъминлашдир. Суд ҳокимиятини амалга ошириш жараёнларининг бир қанча кўринишлари шакланган бўлиб, улар судловнинг турлари сифатида намоён бўлади. Уларга: конституциявий, фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий судловлар киради. Бу судлов турларининг ҳар бири Жиноят-процессуал

**Йўлда тепаликка
чиқиб кетаётган
нингда одамлар билан
мулойим муомалада
бўлгин, чунки
настга тушаётган
нингда ҳам уларга
рўпара бўлишинг
бор.**

**“Ҳикматлар саодатга
етаклар” китобидан.**

кодекси, Фуқаролик процессуал кодекси, Маъмурий суд ишларини юритиш, Иқтисодий процессуал кодекси каби махсус қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Демак, суд ҳокимиятининг хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлади:

- суд ҳокимияти алоҳида давлат органлари – судлар томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасидаги судлар йиғиндиси суд тизимини, суд ҳокимиятини ташкил этади;
- суд ҳокимияти Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра фуқаровий, жиноий, маъмурий ва иқтисодий судлов ишларини юритиш орқали амалга оширилади;
- суд ҳокимияти аниқ белгиланган процессуал шаклларга (тегишли ҳуқуқий таомилларга) биноан амалга оширилади;
- суд ҳокимияти органларининг қарорларини ҳокимиятнинг бошқа тармоқлари назорат қилиши мумкин эмас.

Шу билан бирга, судлар фақат ўзларига хос бўлган сифатларга эга. Жумладан:

- судлов фаолияти давлат томонидан амалга оширилади;
- судлов махсус тартибда ташкил этилган (сайланган ва тайинланган) муассасалар томонидан амалга оширилади (масалан, суднинг ҳукми ва ҳал қилув қарори Ўзбекистон Республикаси номи билан, деб эълон қилинади);
- судлар ўз фаолиятида фақат қонунга бўйсунадилар ҳамда фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий ишларни қонунда белгиланган процессуал тартибда ҳал этадилар;
- судлар бошқа ҳокимият тармоқларидан мустақил фаолият юритадилар;
- суд яқдил таърифланади, яъни давлатнинг бошқа ҳеч қайси идораси судлов функцияларини ўз зиммасига ололмайди, фақат суд давлат номидан мажбурлов ваколатларини амалга оширади;
- суд ҳокимияти тўлақонли ва қатъийдир, яъни суднинг қонуний қарори (ҳукми) барча учун мажбурийдир.

Шу ўринда қайд этиб ўтиш жоизки, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида суд тизими Конституциявий суд, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, ҳарбий судлар, Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари; Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари; фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судлари; жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судлари; туманлараро, туман, шаҳар иқтисодий судлари ҳамда туманлараро маъмурий судлардан иборатдир.

Сўнгги йилларда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган ислохотлар суд ҳокимиятининг чинакам му-

стақиллигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатини кучайтириш ҳамда одил судловга эришиш даражасини ошириш билан бирга алоҳида соҳадаги ихтисослашган судларни тузиш, яъни суд тузилишининг ўзига хос бўлган соҳаларини иноватга олган ҳолда шакллантириш имкониятини яратди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, айтиш жоизки, суд ҳокимияти давлат ҳокимиятининг алоҳида мустақил тармоғи сифатида жамият ҳаётида одил судловни амалга оширишга сафарбар этилган. Ваколатли суд муассасаси ўз фаолиятига кўра ҳуқуқ нормалари талабларини бузиш оқибатида келиб чиқувчи низоли ҳолатларни муҳокама этиб, тегишли ҳуқуқий ечим топади.

Демак, суд ҳокимияти бу – қатъий белгиланган процессуал шаклларга мувофиқ процессуал ва моддий қонунни қўллаш йўли билан ишларни ҳал этиш учун суд ваколати доирасига киритилган ва у томонидан амалга ошириладиган ҳокимиятдир.

“Суд ҳокимияти – бу судларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари устуворлиги принципига сўзсиз риоя қилиш асосида жиноий, фуқаролик, иқтисодий, маъмурий ишларини ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш бўйича ваколатидир.

Фақат мустақил суд ҳокимияти ҳар бир фуқаронинг ваколатли ва холис судда ишни ошкора кўриш орқали ўзининг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиши мумкинлигига кафолат бўлиб хизмат қилади”.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди
Пленумининг “Суд ҳокимияти тўғрисида”ги
1996 йил 20 декабрдаги 1/60-сонли қарори.

Шунинг учун ҳам, суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

Икромжон Матмусаев,

Судьялар олий мактаби мустақил изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. В.М.Савицкий. “Организация судебной власти в Российской Федерации. // М.1996, С.75.
2. М.Н.Рустамбоев, А.Т. Алламуратов. Суд ҳокимияти органлари. Тошкент-2007.
3. О.Сулайманов. Суд ҳокимияти мустақиллигига оид халқаро стандартлар. Тошкент-2020. “Tafakkur qanoti”, 269-б.
4. “Судлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 28.07.2021й. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. <https://lex.uz/>.
5. “Суд ҳокимияти тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарори. 1996 йил 20 декабрь.1/60-сон, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. <https://lex.uz/>.
6. Фокин В.М. Правоохранительные органы Российской Федерации: Учебник –М.: Былина, 2003. Б.29.
7. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент. 2023. “Адолат” миллий-ҳуқуқий ахборот маркази.

ФУҚАРОЛИК – ҲУҚУҚИЙ ШАРТНОМАЛАРДА “ЗАИФ ТОМОН” ТУШУНЧАСИ ВА БЕЛГИЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мақолада фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларда “заиф томон” тушунчаси, белгилари ва уларни аниқлаш усуллари илмий адабиётлар ва ҳуқуқшунос олимларнинг бу борадаги қарашлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: шартноманинг “заиф томони”, шартнома эркинлиги, фуқаролик муомаласининг профессионал субъекти, адолатсиз шартнома шартлари, директива.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1-моддасида фуқаролик муносабатлари иштирокчиларининг тенглиги, шартноманинг эркинлиги фуқаролик қонунчилигининг асосий негизлари қаторида эътироф этилади. Шунингдек, фуқаролар (жисмоний шахслар) ва юридик шахслар шартнома асосида ўз ҳуқуқ ва бурчларини белгилашда ҳамда қонунчиликка зид бўлмаган ҳар қандай шартнома шартларини аниқлашда эркиндирлар.

Бироқ, фуқаролик ҳуқуқий шартномаларининг айрим турлари борки, уларни тузиш жараёнида амалда бундай тенгликка ва ҳар иккала тараф эрк-иродасининг бир хил ифодаланишига эришиш қийин. Сабаби, амалдаги баъзи норматив-ҳуқуқий ва қонуности ҳужжатларида юқорида таъкидланган фуқаролик қонунчилигининг асосий принципларини амалга ошириш механизмлари тўлиқ ишлашига тўсқинлик қиладиган ва шартноманинг бир тарафига устунлик берган ҳолда иккинчи томонни заифлаштирувчи нормалар мавжуд. Мисол учун, бозорда устун мавқега эга бўлган компания ёки шунчаки муайян фаолият билан шуғулланувчи профессионал ташкилот кўпинча кучсизроқ контрагентга ўз шартларини юклайди. Ҳуқуқий нуқтаи назардан, улар бошқа томоннинг битим шартларини ўзгартиришига тўсқинлик қилиб, савдолашиш (шартнома шартларини белгилаш ёки ўзгартириш) кучининг тенгсизлигидан фойдаланадилар. Фойда олишга интилаётган бундай компаниялар шартнома шартлари заиф контрагентга салбий таъсир кўрсатиши ҳақида ўйламайди. Шартноманинг заиф томони шундаки, қонунчиликда бундай турдаги шартномалар мажбурий тартибда тузилиши белгиланганлиги, муқобил компаниялар йўқлиги ва бошқа айрим омиллар сабабли ўзи учун ноқулай бўлган шартларга розилик билдиришга мажбур бўлади.

Бундай турдаги шартномалар қаторига суғурта, кредит, лизинг, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш бўйича контрактация ва бошқа шартномаларни киритиш мумкин. Бунда айнан суғурта қилдирувчилар, кредит ва лизинг олувчилар, контрактация шартномаси бўйича маҳсулот етказиб берувчилар моҳиятан фуқаролик муомаласининг профессионал субъекти билан тузилган шартномаларда “заиф томон” сифатида қаралади. Мазкур фикримизни асослашда шартноманинг заиф томони тушунчаси ва унинг белгилари борасидаги олимларнинг илмий қарашлари, қонун ҳужжатларидаги айрим нормалар ва бу борадаги халқаро тажриба таҳлиliga тўхталиб ўтамиз.

Фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларга оид илмий адабиётлар ва суд қарорларини таҳлил қилиш бизга заиф томоннинг моҳияти кўпинча ушбу тоифанинг маълум бир белгилари орқали очилади, деган хулосага келишимизга имкон беради. Бироқ, бундай белгиларнинг рўйхатига ягона ёндашув фанда ҳам, ҳуқуқни

қўллаш амалиётида ҳам ўрнатилмаган. Шу боисдан ҳам шартноманинг “заиф томони” тушунчаси ва унинг белгиларини аниқлаш муаммоси ҳозирги вақтда долзарб бўлиб қолмоқда.

Таъкидлаш лозимки, миллий қонунчилигимизда шартноманинг заиф томони тушунчасига муайян таъриф берилмаган. Шундай бўлсада қонун чиқарувчи томонидан уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш айрим нормаларда (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 123 ва 360-моддалари, “Рақобат тўғрисида” қонуни ва бошқалар) назарда тутилган.

Илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, миллий ва хорижий ҳуқуқшунос олимлар томонидан шартноманинг “заиф томони” тушунчаси, белгилари ва айнан қимлар шартноманинг заиф томони сифатида эътироф этилиши лозимлиги борасида билдирилган турлича фикр ва қарашлар мавжуд. Жумладан, К.Синдаров қишлоқ хўжалиги соҳасида тузиладиган шартномаларнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этган ҳолда аграр соҳа ишлаб чиқариши ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг (тез бузилиши, зараркуналдалар ва касалликларга тез чалиниши) ўзига хос хислатларини инобатга олиб, шарнома субъектларининг “кучсиз тараф” сифатида алоҳида ҳуқуқий мақомга эга эканлигини таъкидлаган.

Бошқа бир адабиётларда заиф томонга истеъмолчи, меҳнат муносабатларида ходим ва суғурта шартномаси бўйича йўловчилар, наф олувчилар киритилиб муаллифлар ушбу рўйхат юқорида айтиб ўтилганлар билан чекланмаслигини билдиради. Ҳуқуқшунос С.А.Хохлов эса шартнома тарафининг заифлигини унинг ҳуқуқий муносабатлардаги позицияси билан боғлайди. Унинг фикрича, мажбуриятларда заиф томон ҳар доим кредитор, жабрланувчи ва қонун бўйича ўзларига тегишли бўлган нарсани йўқотган бошқа шахслардир.

Яна бир нуқтаи назарга кўра, заиф томон қарздор бўлиб, у бошқа томон фойдасига муайян ҳаракатларни амалга ошириш (ёки белгиланган ҳаракатлардан воз кечиш) зарурати билан боғлиқ; у ўз зиммасига юклатилган мажбуриятни бажара олмаслик хавфини олади; фуқаролик ҳуқуқий муносабатларининг ушбу субъектига жавобгарлик юклатилади. Р.С.Бевзенко кафилик шартномалари бўйича заиф томон муаммосини кўриб чиқиб, шартнома тузиш босқичида кучсиз томон, қоида тариқасида, шартноманинг стандарт шартларига риоя қиладиган қарздор ҳисобланса, шартномани бажариш босқичида заиф томон кредитордир, чунки у қарздор томонидан мажбурият тўғри бажарилишини кутиш ҳолатида бўлади, деган хулосага келган.

Демак, олимлар ўртасида шартноманинг ҳар иккала томонини ҳам мажбурий ҳуқуқий муносабатларнинг кучсиз тарафи сифатида тан олувчилар мавжуд. Бундан кўринадики, шартноманинг айнан бир тарафи “заифлигини” аниқлашнинг бошқа мезонларини ҳам таҳлил қилиб чиқиш лозим.

Фикримизча, шартномавий муносабатларда заиф томоннинг ўзига хос хусусияти кучли томон таъсирининг оқибатлари сифатида намоён бўлиши мумкин бўлган турли белгиларда ифодаланади ва бундай белгилар:

биринчидан, юридик аҳамиятга эга бўлиши;

иккинчидан, фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир кўрсатиши;

учинчидан, қонун чиқарувчи томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришда фойдаланилиши;

тўртинчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан шартномавий низоларни ҳал этишда қўлланилиши лозим.

Юридик адабиётларда тадқиқотчилар шартноманинг заиф томони белгиларини уларнинг иқтисодий ҳолатига, касбий фаолиятига, иш тажрибасига, соҳага оид норматив ҳужжатлар ҳамда ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида етарли маълумотларга эга эмаслики каби омиллар билан боғлайдилар. Масалан, Ю.В.Романецнинг фикрича, заиф томонни ҳимоя қилиш зарурлигининг асосий сабаби субъектларнинг иқтисодий тенгсизлигидир, К.И.Забоевнинг таъкидлашича, заифлик иқтисодий заифликда эмас, балки профессионализмда намоён бўлади.

Бироқ, улар орасида нисбатан аниқ ёндашув Э.П.Волос томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, у фуқаролик ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг иқтисодий ва ташкилий имкониятларидан келиб чиқиб заиф томонни аниқлашнинг тўғридан-тўғри ва билвосита усулини фарқлаган ҳолда унинг белгиларини ажратиб кўрсатади. Унинг фикрича, шартноманинг заиф томонини тўғридан-тўғри аниқлайдиган белгиларга қуйидагилар киради:

- шартнома тузишда музокараларнинг заиф позицияси;
- тажрибасизлик;
- шартнома тузиш соҳасида профессионализмнинг йўқлиги;
- ҳуқуқий билимларнинг етишмаслиги;
- шартнома шартларини ўқимаслик;
- шартнома тузишнинг техник масалаларида қобилиятсизлик;

- шартнома тузишга эҳтиёж, яъни оғир молиявий аҳвол ва бошқа қийин ҳаётий ҳолатлар;
- шартнома тузишга қизиқишнинг ортиши.

Муаллиф заиф томонни аниқлашнинг билвосита усулига қуйидаги белгиларни киритади:

- шартномани тузиш жараёнига таъсир ўтказмади;
- контрагент томонидан шартнома шартларини белгилаш;
- субъектнинг бозорда устун мавқега эга бўлган шахс билан ҳуқуқий муносабатларга кириши;
- шахснинг табиий монополия субъекти билан ҳуқуқий муносабатларга кириши.

Фикримизча, муаллиф томонидан таклиф қилинган заиф томон белгиларининг мазкур тизими қонунчилик фаолиятида энг самарали ёндашувни танлаш учун, шунингдек, суд амалиётида бундай субъектларни ҳимоя қилиш зарурлигини асослаш учун қўлланилиши мумкин.

Бундан ташқари, Европа Иттифоқи Кенгашининг 1993 йил 5 апрелдаги “Истеъмол шартномаларида адолатсиз шартлар

тўғрисида” Директиваси истеъмолчиларга (ўз бизнеси ёки касбидан ташқари мақсадларда фаолият юритадиган жисмоний шахсларга) шартноманинг бошқа тарафи томонидан олдидан ишлаб чиқилган ва истеъмолчи зарар етказадиган шартнома шартларидан ҳимоя қилишни таклиф қилади. Директива қоидалари “истеъмолчи ўзининг савдолашиш кучи ва билим даражасига нисбатан заиф позицияда бўлади, бу эса уни шартноманинг шартларига таъсир қилмасдан уларни қабул қилишига олиб келади”, деган нуқтаи назарга асосланади. Хусусан, мазкур ҳужжатнинг 3-моддаси биринчи қисмига кўра, индивидуал равишда муҳокама қилинмаган шартнома муддати, агар у виждонлилик талабига зид равишда, истеъмолчи зарарига томонларнинг шартнома бўйича келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларида сезиларли даражада номутаносибликка олиб келадиган бўлса, адолатсиз деб ҳисобланади.

Демак, юқоридаги таҳлилларга асосланиб хулоса қиладиган бўлсак, биринчи навбатда, миллий қонунчилигимизда шартноманинг “заиф томони” тушунчаси назарда тутилмаганлигини инобатга олиб, унга мукаммал таъриф ишлаб чиққан ҳолда қонунчиликда акс эттирилиши лозим, деган фикрдамыз. Шу боисдан унга қуйидагича муаллифлик таърифи илгари сурилди:

Шартноманинг заиф томони бу – шартнома тузиш жараёнида лойиҳаси тарафлардан бири томонидан таклиф қилиниб, унинг контрагенти учун аниқ оғир бўлган ва тарафларнинг манфаатлари мувозанатини сезиларли даражада бузадиган адолатсиз шартлар юклатилган ёки шартноманинг алоҳида шартларининг бошқа мазмуни бўйича келишиб олишни қийинлаштирадиган ҳолатга келтирилган шартнома тарафидир.

Шунингдек, биз ҳуқуқий муносабатларнинг заиф томони сифатида фуқаролик ҳуқуқий битимларнинг ҳар қандай иштирокчиси ҳам жисмоний ҳам юридик шахс, шу жумладан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар бўлиши мумкин, деб ҳисоблаймиз ҳамда улар заиф томон сифатида алоҳида ҳуқуқий мақомга эга бўлиши ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг мавжуд механизмлари такомиллаштирилиши зарур.

Сардор ЖАКБАРОВ,

Судьялар олий мактаби мустақил изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Гражданский кодекс Российской Федерации. Часть вторая: Текст, комментарии, алфавитно-предметный указатель / Под ред. О.М. Козырь, А.Л. Маковского, С.А. Хохлова. М.: МЦФЭР, 1996. С. 236–237.
2. Бевзенко Р.С. Новеллы судебной практики в сфере поручительства // Вестник ВАС РФ. 2012. № 11. С. 48.
3. Вавилин Е.В. Осуществление и защита гражданских прав. М.: Волтерс Клувер, 2009. С. 50.
4. Волос Е.П. Признаки слабой стороны в гражданском правоотношении в современных экономико-правовых условиях // Актуальные проблемы российского права. – 2022. – Т. 17. – № 9. – С. 94–101.
5. Забоев К.И. Правовые и философские аспекты гражданско-правового договора. СПб: Юрид. центр “Пресс”, 2003. С. 90.
6. К.Синдоров. Қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги шартномалар. Монография. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди. Тошкент – 2003. “Янги аср авлоди” нашриёти. 42-бет.
7. Романец Ю.В. Система договоров в гражданском праве России. М.: Юристъ, 2004. С. 136.
8. Campo Comba M. The Law Applicable to Cross-border Contracts involving Weaker Parties in EU Private International Law. Springer, 2021. – 380 p.
9. Council Directive 93/13/EEC on unfair terms in consumer contracts [1993] OJ L 095/29 (Unfair Contract Terms Directive) // <https://eur-lex.europa.eu/legal-content/EN/TXT/?uri=celex%3A31993L0013>
10. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, <https://lex.uz/docs/111189>

НИЗОЛАРНИ СУДГАЧА ҲАЛ ҚИЛИШНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мазкур мақолада инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаш ҳамда низоларни муқобил ҳал этиш усуллари (ADR) таҳлил қилинган. Шу билан бирга мақолада медиация, арбитраж, келишув битими каби муқобил ҳал этиш усуллари оммавий муносабатлардаги ихтилофларни самарали ва тезкор ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эга эканлиги ёритилган ва бир қатор тавсиялар тақдим этилган.

Калит сўзлар: фуқаро эркинликлари, муқобил ҳал этиш усуллари (ADR), медиация, арбитраж, келишув битими, оммавий муносабатлар.

Конституциямиз мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросига ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш учун кенг имкониятлар тақдим этган. Айниқса, 55-модданинг 1-қисми қонун доирасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим асос бўлиб хизмат қилади: "Ҳар ким ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қонунда тақиқланмаган барча усуллар билан ҳимоя қилишга ҳақли." Бу модда фуқароларнинг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлаш ва адолатни таъминлаш учун самарали механизмларни ишлаб чиқиш зарурлигини билдиради.

Демократик фуқаролик жамияти шакллана боргани сайин кўплаб ижтимоий муносабатларнинг иштирокчиси бўлган фуқароларнинг муаммоларини ҳал қилиш вазифасини янги-янги ижтимоий институтлар ўз зиммасига олиши мумкин ва лозим. Бу низоларни муқобил ҳал этиш шакллари вужудга келиш жараёнини англади. Улар воситасида низолар анча тез ечим топади, тарафлар давлат бюрократиясидан холи тарзда фуқаровий шакл ва усуллар ёрдамида

кам харажат эвазига ўз ҳуқуқлари тикланиши имкониятига эга бўлади. Бундай афзалликлар нафақат тадбиркорлик субъектларига, балки суд тизими учун ҳам низоҳатда муҳимдир.

Мазкур қоидадан фойдаланган ҳолда, жамиятда низоларни муқобил ҳал этиш (Alternative Dispute Resolution, ADR) усуллари жорий қилиш масаласи бугунги кунда муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Ҳозирги даврда ушбу усуллар нафақат суд тизимига ёрдамчи механизм сифатида, балки тўғридан-тўғри низоларни ҳал этиш воситаси сифатида ҳам ривожланмоқда.

Низоларни муқобил ҳал этиш усуллари (ADR) — бу анъанавий суд жараёнларидан ташқарида низоларни ҳал қилишнинг турли усуллари. Буларга қуйидагилар киради:

1. Медиация

Медиация жараёни учинчи шахс — медиатор орқали тарафлар ўртасида муро-са қилиш йўли билан низо-ни ҳал этиш усулидир. Медиатор мустақил ва бетараф шахс бўлиб, икки тарафнинг манфаатларини инобатга олади ва уларни бир-бирига яқинлаштиришга ёрдам беради.

Медиация ихтиёрий жараён ҳисобланиб, махфийликни сақлашни таъминлайди. Бу жараён тарафларга оз вақт ва харажат сарфлаб ечим топиш имконини беради;

2. Арбитраж

Арбитраж — бу тарафлар ўртасидаги низо-ни мустақил арбитраж томонидан кўриб чиқиш жараёни ҳисобланади. Арбитраж тарафлар келишувига кўра тайинланади ва улар қабул қилган қарор мажбурий бўлиб, одатда суд қарори каби кучга эга.

Арбитраж жараёни одатда тезкор, махфий ва кам харажатли ҳисобланади. Ушбу усул кўпроқ тадбиркорлик ва халқаро низоларни ҳал этишда қўлланади;

3. Консилиация (муроса қилиш)

Консилиация усулида тарафлар муро-са қилиш йўли билан келишишга интилади. Консилиатор мустақил ва бетараф шахс бўлиб, тарафларга муро-са қилиш учун тавсиялар беради.

Бу жараён медиаторликка ўхшаш, аммо консилиатор тарафларга ечим таклиф этади;

*Мен ҳақимда
эшитма, мендан
эшит. Миш-миш-
ни адовати бор
тўқийди, ҳасад-
чи тарқатади ва
фикр юритмайди-
ганлар эшитади.*

Айман ЁҒИЙ.

4. Нотиқ (Фасилитация) ёрдамида ҳал этиш

Нотиқ ёрдамида низоларни ҳал этиш жараёнида нотиқ тарафлар ўртасидаги мулоқотни яхшилашга ёрдам беради. Нотиқ тарафларнинг бир-бирини яхши тушунишини ва ўзаро мурося қилишини таъминлайди;

5. Келишув битими тузиш

Келишув битими низони суд ёки судгача босқичда ҳал қилишга қаратилган битим бўлиб, тарафлар ўзаро келишиб, шартномавий асосда низони ҳал қиладилар.

Низоларни муқобил ҳал этиш усуллари бир қатор муҳим афзалликларга эга:

1. Тезкорлик — суд жараёнлари одатда узоқ муддат талаб қилади, ADR эса тезкор ечим топиш имконини беради;

2. Махфийлик — суд жараёнларидан фарқли равишда, ADR жараёни махфий ҳисобланади, бу эса тарафларнинг махфий маълумотларини сақлашга ёрдам беради;

3. Харажатларни камайтириш — суд харажатлари кўп бўлиши мумкин, ADR эса иқтисодий жиҳатдан тежамкор ҳисобланади;

4. Муносабатларни сақлаш — ADR жараёнида мурося қилиш тарафлар ўртасидаги муносабатларни сақлаб қолиш имконини беради;

5. Тарафларнинг розилиги — тарафлар ўз ихтиёрига кўра ADR жараёнида иштирок этишади ва ечим уларнинг розилиги асосида қабул қилинади.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида ADR усуллари самарали қўлланилаётганини кўришимиз мумкин. Жумладан, АҚШда медиаторлик ва арбитраж усуллари амалда кенг тadbик этилади. Суд тизимида ADR жараёнлари суд муҳокамасига параллел равишда ўтказилиши мумкин. Адвокатлар ва судьялар тарафларни ADR усулларида фойдаланишга чақиришади. Буюк Британияда арбитраж ва медиаторлик тизими кенг тарқалган. Судгача медиация жараёни кенг жорий қилинган бўлиб, тарафлар аввал медиаторга мурожаат қилишлари керак бўлади. Германияда эса, судгача медиация жараёни давлат томонидан қўллаб-қувватланади. Германияда ADR тизими жамиятда мурося ва адолат принципларини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Бугунги кунда мамлакатимизда ҳам медиация ва арбитраж жараёнларини жорий қилиш бўйича қонунчилик ислохотлари кенг кўламда амалга оширилмоқда. Бу эса қуйидаги имкониятларни яратади:

1. Фуқаролар ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш;
2. Суд тизимининг юкласини камайтириш;
3. Жамиятда мурося маданиятини ривожлантириш;

4. Бизнес муҳитини яхшилаш ва халқаро инвестицияларни жалб қилиш.

Шунингдек, низоларни муқобил ҳал этиш усуллари фуқаролар ва юридик шахслар учун самарали ечим таклиф қиладиган механизмлар ҳисобланади. Оммавий муносабатларда ушбу усуллардан фойдаланиш орқали мурося ва адолат тамойиллари

мустаҳкамланади. Шунга кўра, қуйидаги тавсияларни бериш мумкин:

Ҳар бир фуқаро ва ташкилот ушбу механизмлардан фойдаланиш имконияти ҳақида тўлиқ хабардор бўлиши лозим;

— низоларни муқобил ҳал этиш бўйича қонунчилик янада ривожлантирилиши ва самарадорлиги оширилиши керак;

— юристлар, медиаторлар ва арбитраж тайёрлаш жараёнига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Олимлар низони судларда ҳал этиш ва низоларни ярашув тартиб-қоидаларини қўллаш (медиацияни қўллаш, келишув битими тузиш) орқали ҳал қилиш ўзига хос процессуал жараёнларга ва мақсадга эга эканлигини ҳақли равишда қайд этадилар. Низони судда ҳал этишнинг асосий мақсади тарафларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдир. Низони ҳал этишда яраштириш тартиб-таомилларига мурожаат қилинганда эса мақсад тарафларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини уйғунлаштириш орқали ҳар тарафга мақбул ечимни топиш бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керак-ки, бизнинг жамиятда низоларни ҳал қилишнинг қулай ва самарали механизмларига катта эҳтиёж бор, бу нафақат суд ишини оптималлаштириш орқали одил судлов сифатини яхшилашга, балки, биринчи навбатда, низоларни камайтиришга, ижтимоий ва ишбилармонлик алоқаларини мустаҳкамлашга, шериклик муносабатларини ривожлантиришга, қонунга ҳурмат муносабатини шакллантиришга, шунингдек, ҳуқуқий онг ва ижтимоий фаолликни оширишга ёрдам беради. Шу муносабат билан, амалдаги Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексимизга “Келишув битими”нинг киритилиши мавжуд камчиликларни бартараф этишга хизмат қилади. Шунингдек, “Медиация тўғрисида”ги қонуннинг амал қилиш доирасига маъмурий ва оммавий-ҳуқуқий муносабатларни, шу жумладан тadbиркорлик ва хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган масалалардан келиб чиқадиган низоларнинг ҳам қамраб олиниши таклиф этилди.

Санобар КАБУЛОВА,

Судьялар олий мактаби таянч докторанти.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Альтернативные механизмы разрешения споров // обзор зарубежного опыта. Т.:2017 // https://www.undp.org/sites/g/files/zskgke326/files/migration/uz/un_uzb_Alternative_dispute_resolution_mechanisms_rus.pdf
2. Ноздрачев А.Ф. Административные соглашения (теоретическое рассмотрение проблемы и анализ практики использования в государственном управлении) // Законодательство и экономика. 2012. № 9. – С. 5-31.
3. Отахонов Ф.Х. "Низоларни судгача ҳал қилиш: музокаралар, талабнома тартиби, медиация." Тошкент, 2010, с. 120-125.
4. Рысай Б.Г. "Внесудебные формы разрешения административного спора." Дисс.... канд. юрид. наук. Нижний Новгород, 2018.
5. Разгильдеев А. В. Административное правосудие: опыт стран Европы, США и возможность его использования в России //За-кон. – 2013. – №. 11. – С. 150.
6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон.

КОРРУПЦИЯВИЙ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ТАВСИФИ

АННОТАЦИЯ: мақолада коррупциявий жиноятларнинг тезкор-қидирув тавсифи тушунчаси таҳлил қилиниб, ушбу тушунчага муаллифлик таърифи ишлаб чиқилиб, коррупциявий жиноятларни аниқлаш, фош этиш, ТҚФнинг назарияси ва амалиётини ривожлантиришга муҳим ҳисса қўшилиши ҳақида хулосага келинган.

Калит сўзлар: коррупция, порахўр, тезкор-қидирув тавсиф, жиноятни аниқлаш, жиноятни фош этиш.

Коррупциявий жиноятларнинг тезкор-қидирув тавсифи ҳақида фикр-мулоҳазалар билдиришда “коррупция”, “пора”, “порахўр”, “порахўрлик” каби атамаларнинг лугавий маъносини, “жиноятларнинг тезкор-қидирув тавсифи” жумласининг мазмун-моҳиятини тушуноқ лозим.

Тарихда илк марта “пора”, “порахўрлик” каби атамалар қўлланилган бўлиб, кейинчалик илмий адабиётларда кенгрок маънода “коррупция” сўзи ишлатилиши бошланган.

Изоҳли лугатда пора [форсча – майда пул, чақа; хайр садақа: ришва] Бирон ишни ноқонуний тарзда битириб бергани учун мансабдор шахсга бериладиган ёки берилган нарса ёки пул; порахўр [форсча – пора еювчи, олувчи] Пора оладиган, порага ўрганган; порахўрлик пора олиш, пора ейиш билан шугулланиш; коррупция [лотинча – бузиш, йўлдан оздириш, сотиб олиш] Мансабдор шахсларнинг ўзларига ишониб топширилган ҳуқуқлари ва ҳокимият ваколатларидан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиши (порахўрлик, мансабни суистеъмол қилиш ва б. ноқонуний ҳаракатларни ўз ичига олади) мазмунида ҳуқуқий таъриф берилган. Мазкур атамаларнинг таърифидан коррупция бу – жамиятнинг барча соҳаларида учрайдиган асосан мансабдор шахс томонидан хизмат мавқеидан фойдаланиб содир этиладиган ноқонуний ҳаракатларнинг мажмуидир. Ушбу қонунга зид ҳаракатлар ЖКнинг махсус қисмида белгиланган. Буларга: ўзгалар мулкни талон-торож қилиш (165, 167, 168); тадбиркорлик фаолиятига ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қилиш билан боғлиқ жиноятлар (1929, 19210, 19211, 192, 12); бошқарув тартибига қарши (205, 206, 209, 210, 211, 212, 213, 214-моддалари); жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш (243); ҳарбий мансабдорлик (301) жиноятлари киради. Жами 17 та жиноятларни аниқлаш ва фош этилиши билан ваколатли давлат органлари шугулланиб, шундан ички ишлар органларининг тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи тезкор бўлинмалари асосан ЖКнинг 165, 167, 168, 210–214-моддаларида назарда тутилган фактларни аниқлаш ҳамда фош этиш билан шугулланишади. Боиси, биринчидан, ИИО ходимларининг қонун бўйича хизмат ваколатлари чегараланганлиги бўлса; иккинчидан, барча коррупция жиноятларнинг содир этилишидан кўзланган ягона, асосий мақсад шахснинг пора олиш истагини яъни, моддий манфаатдор бўлишини келтириб чиқаради ва коррупциявий бошқа жиноятлар порахўрлик жиноятини содир этиш усули жиҳатидан бир-бирига ўхшаш ҳамда ўзаро узвий боғлиқдир.

Б.С.Шамсутдинов мазкур жиноятлар ҳақида қуйидагича: “коррупциявий жиноятлар жиноят кодексининг турли бобларида белгиланган бўлиб, ягона бобда жамлаш лозим” деб фикр билдиради ва тадқиот иши доирасида ЖКга коррупциявий жиноятлар нормасини кенгайтириш таклифини илгари суради. Ушбу фикрга қўшилиб бўлмайди. Коррупциявий жиноятларни ЖКда ягона боб (институт)да белгиланган тақдирда ҳам ушбу жиноятлар содир этилиши давом этади. Масаланинг асл моҳияти шундаки, мазкур жиноятларни содир этилишига йўл қўймаслик, содир этилаётганини энг мақбул механизмлардан фойдаланган ҳолда

аниқлаш, ҳаттоки латент бўлиб қолаётган коррупциявий жиноятларни аниқлаб, илдиизи билан йўқ қилиш энг асосий вазифадир.

Жиноятларнинг тезкор-қидирув тавсифи тушунчаси назарияда илк бор 1970 йилларнинг охири, 1980 йилларнинг бошларида қўлланилган. Жумладан, Д.В.Гребельский ушбу тушунчага қуйидаги: “жиноятларнинг тезкор-қидирув тавсифи – бу бир қатор тартибга солинган ва бир-бири билан узвий боғланган ва ҳар хил манбалардан билим сифатида олинган ва ўзида криминалистик, криминологик, иқтисодий ва ўзга табиатга эга бўлган ахборот аломатидир” мазмунида таъриф беради.

В.Д.Ларичев: “жиноятларнинг тезкор-қидирув тавсифи ўзида жиноий тажовуз объектининг ўзига хос хусусиятларини, жиноят содир этиш усуллари, жиноий ҳаракатларни тергов қилиш механизмига оид маълумотларни қамраб олиб, тезкор ходим ушбу маълумотлардан хабардор бўлиши жиноятларни аниқлаш ва фош этишнинг услубий ва тактик жиҳатларини ўзлаштиради” деб мазкур тушунчага илмий таъриф ишлаб чиқишга ҳаракат қилади.

О.П.Степанов: “жиноятларнинг тезкор-қидирув тавсифи кенг қамровли тушунча эканлиги ва унинг таркибий қисмлари тезкор-қидирув фаолиятининг барча даражалари учун қулай бўлганлиги” ҳақида умумий хулосага келган. Кейинчалик унинг фикри тезкор-қидирув ҳуқуқи назарияси соҳасида бир неча олимлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Хусусан, С.Н.Иванов жиноятларнинг тезкор-қидирув тавсифини жиноят-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилади, яъни жиноий гуруҳларнинг бир қисми бўлган жиноятчиларнинг кимлиги (жинси, ёши, миллати); жиноятнинг ривожланиш босқичларини, жиноий режани амалга ошириш учун яратилган шароитлар, жиноий режани амалга ошириш, гуруҳий жиноятлар фаолиятини ҳаракатланиш механизмини аниқлашга эътибор қаратади.

ИИОлари тезкор бўлинмалари коррупциявий жиноятларга самарали қарши курашишда ушбу турдаги жиноятларнинг тезкор-қидирув тавсифини моҳиятини яхши билишлари зарур. Шунга қараб хизмат фаолиятини ташкил этишнинг аниқ йўналишлари ҳамда функциялари белгилаб олинади.

Коррупциявий жиноятларнинг тезкор-қидирув тавсифи ҳақида айрим мутахассислар ва олимлар турлича фикр мулоҳазаларни билдириб ўтишган.

Хусусан, Е.В.Кузнецов ва А.С.Щетининларнинг фикрича: “порахўрлик жиноятларининг тезкор-қидирув тавсифига жиноятнинг ўзига хос хусусияти: жиноят содир этган шахс, жиноятни содир этиш усуллари, далилий ашёнинг шакли (нақд электрон ва б.) ҳақида маълумотлар кириб, тезкор ходим ушбу маълумотлардан хабардор бўлиши, жиноятни иссиқ изида фош этишга ёрдам беради” деб таъкидлайдилар. Дарҳақиқат, порахўрлик жиноятининг тезкор-қидирув хусусиятининг элементлари орасида порани предмети, пора олиш ва беришни амалга ошириш усуллари муҳим аҳамиятга эгадир. ИИОлари тезкор ходимлари учун бу элементларни ўрганишнинг зарурати шундан иборатки, мазкур жараёнда ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларни ўзгартириб бораётганлиги, ҳозирда иқтисодий, ижтимоий муаммоларни, ахборот коммуникациялари ва технологияларни жадал суръатларда ривожланиб бориши натижасида мазкур жиноятнинг пред-

мети, жиноятни содир этишнинг усуллари ўзгариб боради. Масалан, товар ва хизматларнинг нархи ошиши, замонавий алоқа воситалари орқали сўзлашув ёки махсус воситалар орқали электрон пул маблағларини банк пластик ҳисоб рақамларига ўтказилиши шулар жумласидандир. Агарда поранинг предмети моддий бўлмаса, исботлаш жараёнини қийинлаштиради.

В.А.Данько фикрича: “порахўрликнинг тезкор-қидирув тавсифи ТҚФнинг мақсади асосида тезкор-қидирув тадбирларни ўтказиш тартибини белгилашга ёрдам беришини, шу боис ушбу жиноятларнинг тезкор-қидирув тавсифи ўз ичига жиноий-ҳуқуқий, квалификация белгилари; жиноий тажовуз предмети; жиноятни содир этиш усули; жиноят соҳаси; жиноий хатти-ҳаракатларнинг хусусиятлари каби элементларни қамраб олиши, ушбу олти элементларнинг мавжудлиги, ТҚФни амалга оширишда ходимлар учун зарур ахборот манбаи бўлиб хизмат қилади. Криминология нуқтаи назаридан, жиноятни содир этиш усули эса порахўрликни содир этишда ишлатиладиган махсус техника русуми аниқланиб, жиноятни содир этган шахсни аниқланишига имкон беради” деб ҳисоблайди. Ушбу фикрга қўшилишимиз мумкин, чунки мазкур элементлар порахўрлик жиноятнинг тезкор-қидирув тавсифини конкрет белгилашда жуда муҳимдир. Бу мулоҳазамизни коррупциявий жиноятларни аниқлаш мисолида кўриб чиқамиз. Масалан, пора олиш, пора олиш ва беришда воситачилик қилиш ҳақидаги дастлабки ахборотларни ИИОларини тезкор ходими биринчи навбатда тўлиқ текшириб кўриши керак. Текширув жараёнида ариза берган фуқаро билан сўров ТҚТни ўтказиб, ундан гумондор қанча миқдорда пора сўраётганлигини билиб, унинг ҳаракатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят факти борлигини аниқлаштириб олади. Агарда жиноят факти борлиги маълум бўлса, ЖКнинг қайси моддаси, қисми ва банди бўйича жиноий жавобгарлик келиб чиқишини малакалаши лозим. Сўралаётган пул нақдми? Электронми? (пластик карта) ёки бошқа моддий нарсаси, ашёларми? аниқлик киритилиб, шунга қараб зарур чораларни амалга ошириш режалаштирилади. Кейин мазкур жиноят тури коррупциявий жиноятларни қайси соҳасидан бири (маиший, банк, қурилиш, аграр, ҳокимият, тадбиркорлик соҳаси ва бошқ.)га тааллуқли эканлигини аниқлаш ва тегишли мутахассисларни ТҚТларига жалб этиш мумкин. Жиноят содир этишда гумонланаётган шахсларнинг ўзига хос хусусиятини аниқлайди. Яъни, уларнинг сони, ёши, жинси, судланганлик ҳолати, ижтимоий аҳволи ва бошқа жиҳати ўрганилади. Агарда порахўрлик жиноятини содир этаётган шахслар бир гуруҳ, профессионал эканлиги маълум бўлса, далилий ашёларни йўқолмаслик чораларини кўриш ва ТҚТларига тажрибали ходимларни жалб этилиши мақсадга мувофиқдир. Ушбу тадбирни самарали яқунланиши икки жиҳатга боғлиқдир. Булар: далилий ашёларни йўқолмаслиги ва уларни ЖПК бўйича расмийлаштириш; гумондор шахсни қочиб кетмаслигини таъминлаш орқали ТҚФнинг вазифаси бажарилади.

А.В.Аспидов фикрича: “коррупциявий жиноятларнинг тезкор-қидирув тавсифи - ТҚФ назариясининг хусусий таълимоти сифатида белгиланиб, коррупциявий жиноятларни аниқлаш ва фош этишда ТҚФнинг кучлари, воситалари ва усулларидан фойдаланиш зарурлиги, жиноятни тезкор-қидирув тавсифининг ўзига хос хусусиятини ҳисобга олиш лозимлиги масалан, ўрмон саноатидаги коррупциявий жиноятларнинг тезкор-қидирув тавсифи, ушбу жиноятларнинг жиноий-ҳуқуқий белгиларини, жиноят содир этиш усуллари ва жиноятчининг шахси, жиноий хулқ-атвори, жиноятни содир этишнинг уюшган шакллари, жиноят содир этилган жой билан жиноятни содир этган шахснинг яшаш жойи билан ўзаро боғлиқлиги тўғрисида маълумотни ўрганишга имкон бериши”ни таъкидлаб, В.А.Даньконинг фикрига ўхшаш жиноятларнинг тезкор-қидирув тавсифи олти элементлардан иборат бўлиш кераклигини билдиради. Фарқли жиҳати шундаки, жиноят содир этилган жой билан жиноятни содир этган шахснинг яшаш жойининг ўзаро боғлиқлиги элементи мазкур жиноятнинг тавсифини аниқ белгилашда жуда муҳимлигини А.В.Аспидов ўз таърифида баён этган. Ма-

салан, коррупциявий жиноятларни гумондор шахс ўзи яшаётган туманида содир этиши, бу унинг яшаш жойидан узокда ёки яқинда бўлган объект атрофида амалга оширилиши мумкин. Ушбу элементни ИИО тезкор ходими яхши билсагина, “Пора” тадбири жараёнида гумондор шахс (шахслар) ни ушлашда ўзининг ижобий самарасини беради.

Юқорида коррупциявий жиноятларнинг тезкор-қидирув тавсифи ҳақида мулоҳаза юритган мутахассислар(Е.В.Кузнецов, А.С.Щетинин, В.А.Данько ва А.В.Аспидов)нинг таърифи ўхшаш бўлиб, А.В.Аспидов илгари сурган фикрни аниқроқ ва мукамал дейишимиз мумкин. Сабаби, таърифда субъект ва объект аниқ белгиланиб, коррупциявий жиноятларни аниқлаш ва фош этишда муҳим олти элементларга оид ахборотни йиғиш ва шу асосда ҳаракатланиш баён этилган.

Билдирилган мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда тадқиқот ишимизга тегишли бўлган “Коррупциявий жиноятларнинг тезкор-қидирув тавсифи” тушунчаси юзасидан шахсий нуқтаи назаримизни белгилла олишимиз лозим.

Коррупциявий жиноятларнинг тезкор-қидирув тавсифи деганда мазкур жиноятларни аниқлаш, фош этишда ТҚФнинг кучлари, воситаси ва усулларидан фойдаланиб, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда йўналиш вазифасини бажарувчи, жиноятнинг жиноий-ҳуқуқий белгиси, жиноят содир этиш усули, жиноятчи шахси, унинг яшаш манзили, жиноий хулқ-атвори ва жиноятда иштирокчилик шакли ҳақида дастлабки маълумотлар йиғиндиси тушунилади. Ушбу таърифни ишлаб чиқиши, коррупциявий жиноятларни аниқлаш, фош этишда, ТҚФнинг назарияси ва амалиётини ривожлантиришга ҳисса қўшади.

Қахрамон ЭРГАШЕВ,

Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари – Тезкор-қидирув хизмати бошлиги, подполковник, мустақил изланувчи.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аспидов А.В. Понятие оперативно-розыскной характеристики преступлений коррупционной направленности в лесопромышленном комплексе // Вестник Санкт-Петербургского университета МВД России. 2017. №1 (73). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/ponyatie-operativno-rozysknoy-harakteristiki-prestupleniy-korruptsionnoy-napravlenosti-v-lesopromyshlennom-komplekse> (дата обращения: 19.08.2024).
2. Гребельский Д.В. О соотношении криминалистических и оперативно-розыскных характеристик преступлений // Криминалистическая характеристика преступлений. – М., 1984. – С.3. (С.73-77).
3. Данько В.А. Оперативно-розыскная характеристика взяточничества // Евразийская адвокатура. 2022. №1 (56). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/operativno-rozysknaya-harakteristika-vzyatochnichestva> (дата обращения: 19.08.2024).
4. Иванов С.Н. Оперативно-розыскное обеспечение раскрытия и расследования групповых преступлений: Дис... д-ра юрид. наук. – М., 2001. – С.16-17. (210 с.)
5. Кузнецов Е.В., Щетинин А.С. Оперативно-розыскная характеристика предмета и способов совершения взяточничества // Криминалистика: вчера, сегодня, завтра. 2018. №3 (7). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/operativno-rozysknaya-harakteristika-predmeta-i-sposobov-soversheniya-vzyatochnichestva> (дата обращения: 19.08.2024).
6. Ларичев В.Д. Оперативно-розыскная характеристика экономических преступлений: вопросы теории и практики в современных условиях // Безопасность бизнеса. – 2008. – № 2. – С. 2–7.
7. Степанов О.П. Совершенствование оперативно-розыскных мероприятий раскрытия имущественных преступлений, совершенных группой несовершеннолетних. Автореф. дис... канд. юрид. наук. – М., 1991. – 25 с.
8. Шамсутдинов Б.С. Коррупциявий жиноятлар учун жавобгарлик. Монография // Масъул муҳаррир: Д.Б.Базарова, ю.ф.н., профессор в.б. – Т.: Тошкент давлат юридик университети, 2020. – Б. 21.(120 б.)
9. Ўзбек тилининг изоҳли лугати: 80.000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. III. П –Тартибли / Таҳрир хайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ. Ўз. Рес. ФА Тил ва адабиёт ин-ти. –Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б.296-297.
10. Ўзбек тилининг изоҳли лугати: 80.000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. II. К –Тартибли / Таҳрир хайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ. Ўз. Рес. ФА Тил ва адабиёт ин-ти. –Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б.409.

ТУРДОШ ҲУҚУҚЛАРНИНГ ТАРИХИ ВА ҚОНУНЧИЛИКДА МУСТАҲКАМЛАНИШИ

Турдош ҳуқуқлар деганда - асарларни ижро этиш, техника ёрдамида овозли ёзиб олиш, нусха кўпайтириш, эфир ёки кабел орқали узатиш ва бошқача усулда такрорлаш (қайта ишлаб чиқариш, фойдаланиш)да юзага келадиган муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш тушунилади. Турдош ҳуқуқлар интеллектуал мулк ҳуқуқининг таркибий қисми бўлган муаллифлик ҳуқуқи қонунчилиги билан тартибга солинадиган ҳуқуқ соҳасининг алоҳида йўналиши ҳисобланади.

Юридик адабиётларда турдош ҳуқуқлар генезиси ҳақида кам ёритилган. Шунингдек, турдош ҳуқуқларни муҳофаза қилиш тўғрисида илмий тушунчалар ҳам кам берилган. Турдош ҳуқуқларга тушунча беришда халқаро ташкилотлар Уставлари ва ҳужжатлари, амалда ҳаракатда бўлган халқаро шартномаларга ҳам асосланиш мумкин.

БМТ томонидан қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси” (1948 йил 10 декабрь)нинг 27-моддасида “ҳар бир инсон жамиятнинг маданий ҳаётида эркин иштирок этишга, санъатдан баҳраманд бўлишга, илмий тараққиётда иштирок этиш ва унинг самараларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга” деб мустаҳкамлаб қўйилган.

ЮНЕСКО уставининг 2-моддасида “интеллектуал фаолиятнинг барча соҳаларида ишловчи шахсларнинг халқаро алмашинуви борасида халқлар ҳамкорлигини рағбатлантириш, ...нашрлар, санъат асарлари ва бошқа фойдали ҳужжатларнинг алмашинувига ёрдам бериши” мустаҳкамланган. БИМТнинг асосий мақсадларидан бири сифатида “бутун дунёда интеллектуал мулкни ҳимоя қилишга кўмаклашиш, миллий қонунчиликни замонавийлаштиришни рағбатлантириш” ва бошқалар белгиланган.

Турдош ҳуқуқлар асосан муаллифлик ҳуқуқи билан чамбарчас боғлиқ. Ҳар иккала ҳуқуқ соҳаси ҳам қўлланишда деярли битта қонунчиликка таянади. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонунида муаллифлик ҳуқуқи билан турдош ҳуқуқларга оид нормалар ва қоидалар кетма-кет жойлаштирилган.

Турдош ҳуқуқлар тушунчаси ҳам ўз тарихига эга. Йигирманчи асрнинг бошларида овозни магнит ленталарига ёзиш имконияти пайдо бўлган ва кейинчалик телевизорнинг кашф этилиши, телевидениенинг йўлга қўйилиши турдош ҳуқуқлар соҳасидаги қарашларни тубдан ўзгартирди. Ҳар қандай овознинг фонографик (акустик товуш) ёзиб олиниши ижрочи (актёр, кўшиқчи, сўз устаси, бошловчи, қизиқчи, созанда, дирекжёр ва бошқа)ларнинг эътироф этилиши ва уларнинг маълум бир ҳуқуқлари вужудга келишига сабаб бўлди.

Тарихга мурожаат қиладиган бўлсак, 1857 йил 25 март куни Франция ҳукумати Леон Скотта “фоноавтограф”ни ихтиро қилгани учун патент берган. Яъни, шу кундан бошлаб дунёда ҳар қандай акустик товушни ахборот ташувчи жисмга ёзиб олишнинг имкони пайдо бўлади. Демак, шу кундан эътиборан ҳар қандай асарнинг ижроси (овози)ни механик тарзда ёзиб олиш ва сақлаш имкони вужудга келган. Бу фонограмманинг пайдо бўлганидан далолат беради.

Фонограмманинг имкониятлари кейинчалик кинофильмларга ҳам тадбиқ этила бошлайди. 1922 йилнинг 17 сентябрь куни кинематография учун муҳим сана ҳисобланади. Чунки, худди шу санада Берлинда дунёдаги биринчи овозли фильм намойиши бўлиб ўтади. Овозли кинематография пайдо бўлгунга қадар фоно-

граф каби овоз ёзиш технологияси мавжуд эди. Уни кино камераси билан бирлаштириш йўлидаги биринчи уриниш 1894 йилда кинетофонографи яратган Томас Эдисон томонидан амалга оширилган. Унинг ёрдамчиси Уильям Диксон биринчи саунд-трекни ёзган. Бир сўз билан айтганда, фонограмма аудиовизуал асарларнинг вужудга келишида хизмат қилган дейиш мумкин.

Фонограммдан аввал ижро ва ижрочилар пайдо бўлган. Европа давлатларида театр ва санъат саройларининг қурилиши уларда сахна асарлари (драматик асарлар, балет, концерт ва бошқалар) намойишини бошлаб берди. “Уйғониш даври” деб аталадиган давр турдош ҳуқуқлар субъекти сифатида ижрочиларни кашф этди. Буюк композитор ва ижрочи (пианиночи, скрипкачи, дирекжёр ва бошқа)лар ҳукуматлардан ўзлари томонидан яратилган ёки ижро этилган асарларга нисбатан тегишли ҳуқуқлари тан олинишини талаб эта бошладилар.

Ижрочи ёки фонограмма тайёрловчининг ҳуқуқлари билан боғлиқ қарашлар бирон бир қонунларда алоҳида норма ёки қоидаларда белгиланмаган бўлса-да, лекин асарларга доир ҳуқуқлар муаллифлик ҳуқуқига оид дастлабки қонунларда алоҳида норма ёки қоидалар сифатида белгилаб қўйилган. Бу ҳуқуқ билан боғлиқ назарий қарашлар нафақат адабиётларда, балки турли анжуман ва йиғинларда баён қилинган. Яъни, муаллифларга ҳурмат кўрсатиш асосида асарларнинг ижрочиларига ҳам муносиб ҳурмат кўрсатиш ва ҳақ тўлаш лозимлиги қайд этилган.

Юридик адабиётларда муаллифлик ҳуқуқи кейинчалик фуқаролик ҳуқуқи нормаларида алоҳида ҳуқуқ тармоғи сифатида ривожланиб, қатор давлатларнинг қонунчилигида ўз аксини топади. Биринчи бўлиб Англияда 1709 йилда муаллифлик ҳуқуқи ҳақида алоҳида қонун қабул қилинди. Бу қонунда муаллиф асарларини нусха қилиб кўпайтиришга рухсат бериш ҳуқуқини олди, яъни “Copyright” (нусха олишга рухсат) термини пайдо бўлди. Мазкур қонунда асардан рухсатсиз фойдаланиш (қароқчилик) ҳуқуқбузарлик, деб эълон қилинди ва муаллифлик ҳуқуқи қонунчилиги ривожлантирилиб, 1842 йилда янги “Муаллифлик ҳуқуқи тўғрисида”ги қонун қабул қилинади. Бу қонунда муаллифларнинг ҳуқуқлари янада кенгайтирилади. Кейинчалик 1911, 1956 йилларда муаллифлик ҳуқуқи соҳасида янги қонунлар қабул қилинган.

1787 йилда АҚШ Конституциясида интеллектуал мулк ҳуқуқи алоҳида моддаларга ажратилган. Натижада муаллифлик ҳуқуқининг конституциявий-ҳуқуқий асослари пайдо бўлди. Шунга асосан 1790 йилда Конгресс карталар, схемалар ва китоблар ҳимояси ҳақида биринчи федерал қонунини қабул қилди. Натижада инсонларга ўз асарларини ҳимоя қилиш имкониятини берувчи, асар яратилганидан сўнг 14 йил ва яна 14 йилга муаллифлик ҳуқуқини узайтирувчи нормалар пайдо бўлди.

Франциянинг 1791, 1793 йилларда қабул қилинган Декретларида муаллифлик асарлари “мулкнинг энг муқаддас тури”

сифатида тан олинди ва муаллифлар ҳуқуқлари қонунларда мустаҳкамланди. Француз қонунчилигидаги фарқ шундан иборатки, у АҚШ қонунларидан фарқли ўлароқ, муаллифга ўз асаридан бошқалар фойдаланишига рухсат бериш ҳуқуқини эмас, балки "шахсий номлуқий ҳуқуқлар"га ҳам кенг ўрин берилади.

Пруссиянинг 1794, 1837 йилларда, Даниянинг 1741 йилда, Испаниянинг 1762 йилда, Россиянинг 1830 йиллардаги муаллифлик ҳуқуқига оид қонунлари муаллифлик ҳуқуқини нафақат бир давлат ҳудудида, балки бутун дунёда ҳимоя қилиш лозимлигини кўрсатди. Шу туфайли 1886 йилда муаллифлик ҳуқуқини халқаро миқёсда ҳимоя қилишга қаратилган кўп томонлама "Адабий ва бадий асарларни муҳофаза қилиш ҳақида"ги Берн конвенцияси ташкил топди.

Ўзбекистон Республикасида ҳам турдош ҳуқуқларнинг муаллифлик ҳуқуқига ўхшаш ўз тарихи бор. Қадимда муаллиф ҳисобланган шоир, рассом, ўймакор, дostonчи ва бошқаларнинг шаъни, кадр-қиммати, улар яратган асарлар қадрият сифатида ҳимоя қилинган, муаллифлар эса рағбатлантирилган. Муаллифлик ҳуқуқи шариат нормалари асосида ҳимояланган бўлиб, яратилган асарларнинг дахлсизлиги таъминланган.

Турдош ҳуқуқларнинг янги объекти сифатида фонограмма кейинроқ майдонга келди. Фонограмма (грекча: φωνή пхоне - товуш ва γράμμα грамма) - махсус техник восита (фонограф, магнитофон, рақамли рекордер каби)лар ёрдамида ёзилган товуш садолари йиғиндиси. Тайёрланиш усули (механик, фото, электромагнит, электронрақамли ва бошқалар)га кўра турли шаклларда намоён бўлади: граммофон пластинкаси, магнит тасма, кинотасма, трек, электрон файл ва бошқа ёзиш жараёни хусусиятларига биноан моно, стерео, квадро ва бошқа турлари ажратилади.

Фонограмма, одатда, махсус овоз ёзиш студияси ҳамда киностудияларда тайёрланади. Фонограмма юқори акустик сифатлари, энг яхши ижроларни танлаш ҳамда улардан узок муддат мобайнида фойдаланиш имкониятлари туфайли радио (1940 йиллар охири), телевидение (1950 йиллардан), оммабоп мусиқа маданияти (айниқса, попмусиқа)дан кенг ўрин олган.

Ўзбекистонда грампластинкага овоз ёзиш, овозли кино, радио ва телевидение тизимлари ташкил топиши фонограмма тайёрлаш жараёнига асос солди (Тошкент грампластинка заводи, 1945 йил). 1962 йилдан Н.Ҳасанов ташаббуси билан стерео фонограммалар тайёрлана бошланди ("Шашмақом" ёзувлари ва бошқалар). Кейинчалик А.Тожиев, Р.Умархўжаев, В.Гушчинлар ва кейинги йилларда "Мустақиллик", "Наврўз" каби давлат байрамлари, йирик шоу-концертлар учун сифатли фонограммаларни тайёрлашда И.Иосис, И.Миничлар алоҳида хизмат кўрсатдилар.

СССРнинг 1973 йил 27 май куни "Бутунжаҳон муаллифлик ҳуқуқи конвенцияси" (Женева)га аъзо бўлиб кириши Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодекси нормаларига қатор ўзгартириш киритишга олиб келди. Конвенциянинг халқаро нормаларини миллий қонунчиликка яқинлаштириш мақсадида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1974 йил 30 май фармонида кўра Ўзбекистон Республикасининг 1964 йилдаги Фуқаролик кодексининг 521-563-моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Муаллифлар мулкӣ ҳуқуқларини амалда таъминлаш мақсадида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1971 йил 26 майдаги "Адабий-бадий асарлар яратганлик учун муаллифлик

ҳақлари тўғрисида"ги 226-сонли қарори, СССР Давлат матбуот кўмитасининг 1973 йил 28 мартдаги 153-сонли буйруғи билан тасдиқланган "СССРда чоп этиладиган адабиёт, фан ва санъат асарларига муаллифлик ҳуқуқи ҳимоя белгисини қўллаш тўғрисида"ги Йўриқнома, СССР Маданият министрлигининг 1973 йил 20 июль кундаги "Муаллифлик ҳақлари ставкалари ва матбуотда бадий графика ишлари учун ҳақ миқдорлари ҳақида" 314-сонли Буйруғи, муаллифлик шартномалари тузишни янада кенгайтириш мақсадида СССР Министрлар Советининг Ноширлик, полиграфия ва китоб савдоси Давлат Кўмитасининг 1975 йил 24 март кундаги "Муаллифлик намунавий шартномалари"ни тасдиқлаш тўғрисидаги 88-сонли Буйруғи, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1979 йил 13 декабрь кундаги "Адабиёт ва санъат асарларини оммавий ижро этганлик учун муаллифлик ҳақи миқдорлари тўғрисида"ги 832-сонли ва 1988 йил 16 ноябрда 428-сонли қарорлари қабул қилинган.

Юқоридагиларга кўра Ўзбекистонда муаллифлик ҳуқуқи билан боғлиқ нормалар аввал қонунларда, кейинчалик қонуности ҳужжатларида ўз аксини топган. Шундай бўлса-да, шўролар даврида муаллифлик ҳуқуқи мафқуралаштирилган, давлат манфаатларига бўйсундирилган ва доимо давлат назоратида бўлган. Муаллифлар эса давлат буюртмаларини яратишга жалб этилганлар. Аслида, муаллифлик ҳуқуқи нафақат фуқаролик ҳуқуқининг институти, балки бошқа ҳуқуқлар тизимида ҳам мавжуд бўлиши, ҳуқуқ тизимида тутган ўрни билан ҳам характерланади. Гарчанд, муаллифлик ҳуқуқи фуқаролик ҳуқуқи орқали ўрганилса ҳам ёки унинг ажралмас қисми ҳисобланса ҳам, лекин у бошқа ҳуқуқ фанлари билан ҳам мустаҳкам алоқада. И.Насриевнинг таърифида кўра, ижодий фаолиятнинг аниқ бир шаклда, кўринишда ифода этилган натижалари интеллектуал мулк ҳисобланади ва ҳуқуқ билан ҳимоя қилинади.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлсак, турдош ҳуқуқларни тушунишда аввало, муаллифлик ҳуқуқи қоидалари ва принциплари таҳлил қилиниши лозим. Агарда, муаллиф асар яратса, турдош ҳуқуқлар субъекти - актёр, артист, дирижёр, ижрочи, созанда ва бошқалар асарни ижро этади ёки уни бошқача усулларда такрорлайди ёхуд эфир (кабел) орқали узатади ёки фонограммада ёзиб олади. Шунга кўра турдош ҳуқуқларни муаллифлик ҳуқуқига нисбатан иккиламчи ҳуқуқ ёки "такрорланадиган ҳуқуқлар тизими", дейиш мумкин. Агарда, асар ёки унинг муаллифи бўлмаса, турдош ҳуқуқлар субъекти ҳам, ижро ҳам бўлмайди ва тегишли ҳуқуқий муносабатлар юзага келмайди. Шунга кўра, турдош ҳуқуқларни муаллифлик ҳуқуқига эргашиб юрадиган ҳуқуқ соҳаси, дейиш мумкин.

Гулнора ХУДАЙБЕРДИЕВА,

*Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси
мустақил ишланувчиси.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. <https://constitution.uz/uz/pages/humanRights> (мурожаат қилинган вақт-2024 йил 6 март)
2. Мўминов А. Ўзбекистон ва ЮНЕСКОнинг халқаро-ҳуқуқий муносабатлари. –Т.: Янги аср авлоди, 2003. –Б.167
3. Ҳакимов Р. Ўзбекистон ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти. –Т.: Ф.Фулмон номидagi Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001. –Б.83-85.
4. <https://ru.wikipedia.org/wiki/Фонограмма>
5. <https://bugun.uz/bugun-cinema-17-sentyabr-ilk-ovozli-kino-taqdim-etilgan-kun-zamonaviy-kino-sanoatining-ibtidosiga-aylangan-ovoz-haqida>
6. Носиров М. <https://uz.wikipedia.org/wiki/Фонограмма>.
7. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар. –Т.: Адолат, 1998. –Б.20

СУД ВА БОШҚА ОРГАНЛАР ҲУЖЖАТЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШДАГИ МАВЖУД МУАММОЛАР ХУСУСИДА

Сўнгги йилларда мамлакатимизда жамият ва давлат ҳаётини ислоҳ қилиш, шунингдек, амалга оширилган суд-ҳуқуқ ислохотлари доирасида суд ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини такомиллаштириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Дунёнинг илғор демократик давлатларида суд ҳужжатларини ижро этиш соҳасида шаклланган тажриба ва амалиёт таҳлили соҳада тизимли равишда ислохотлар амалга ошириш эҳтиёжи мавжудлигини кўрсатмоқда.

Мамлакатда фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш, суд ҳокимиятининг нуфузи ва таъсирчанлигини кучайтириш, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари ижросининг самарадорлигини янада ошириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш ислохотларнинг пировард мақсади ҳисобланади.

Одил судловнинг сўнгги босқичи сифатида Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси (кейинги ўринларда - Бюро) органлари томонидан амалга оширилаётган мажбурий ижро ҳаракатларини таъкидлаш ўринли.

Сўнгги йилларда, Бюро органлари томонидан салмоқли ишлар амалга оширилиб, суд ва бошқа органлардан келиб тушган ижро ҳужжатларининг ўз вақтида ижроси таъминланишига ҳамда ижро самарадорлигини оширишга катта эътибор қаратилмоқда.

Бирок, Бюро органлари фаолиятини тартибга солувчи қонунчиликдаги айрим нормаларнинг бугунги кун талабларига жавоб бермаслиги соҳада тизимли равишда суд ва бошқа органлар ҳужжатларининг ижросига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Чунончи, Ўзбекистон Республикасида ижро ҳужжатларини юритиш 29.08.2001 йилдаги 258-И-сонли “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонунга мувофиқ юритилади. Мазкур қонун бир мунча эскирган бўлиб, бугунги кун талабига мос келмай қолганлигини куйидаги айрим омиллар орқали кўриш мумкин.

Жумладан, Бюро давлат ижрочилари томонидан коррупцион ва бошқа омиллар таъсирида суд ва бошқа органлар ҳужжатларининг ижроси таъминланмасдан, Қонуннинг 40-моддасига кўра асоссиз равишда қарздор жисмоний ва юридик шахсларни тўловга қобилиятсиз сифатида расмийлаштириб, ижро ҳужжатини иборатдорларга қайтарилиши билан боғлиқ ҳолатлар кузатилиб туради.

Маълумот учун: ижро ҳужжатларида кўрсатилган ундирув амалга оширилмаган ёки қисман амалга оширилган бўлса бюджетга ҳамда давлат мақсадли фондларига солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича боқиманда қарздорликни ундиришни назарда тутувчи ижро ҳужжати солиқ органига, давлат даромадига ўзга ундирувни назарда тутувчи ижро ҳужжати эса тегишсинча ушбу ҳужжатни берган судга ёки бошқа органга қайтарилади.

Эътиборлиси, қарздорнинг мол-мулки турган жойни аниқлаш тўғрисидаги маълумотларни олиш мумкин бўлмаганда ёхуд қарздорнинг мол-мулки ёки даромадларини қидириш юзасидан давлат ижросини томонидан қонунда йўл қўйилмаган доирада қўрилган барча чоралар натижасиз бўлгандагина бу каби ҳаракатлар амалга оширилади.

Шунингдек, мазкур норма қарздорларнинг Бюрога ижро ҳужжати келиб тушгунга қадар мол-мулкларини бошқа шахслар номига ўтказиш (бегоналаштириш) орқали мулкий мажбуриятдан бўйин товлашига шароит яратиб, суд ва бошқа орган қарорларини сўзсиз ижросини таъминлашга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бу эса ўз навбатида, давлатга ва ундирувчилар манфаатига етказилган зарарларнинг ундирилмасдан қолиб кетишига, фуқароларда суд ҳамда давлат идораларига нисбатан ишончсизлик кайфияти шаклланишига замин яратмоқда.

Шу билан бирга, бюджет ҳамда давлат мақсадли фондларига солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорликни ундиришни назарда тутувчи ҳужжатлар ижросиз қайтарилишига ҳамда бюджет тушумларига ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатиши мумкин.

Бюрода ўтказилган ўрганишлар натижасида, қонуннинг 40-моддасига кўра ақунланган ижро ҳужжатларининг муайян қисми асоссиз таъмомланган-

лиги аниқланиб, қайта ижрога қаратиш чоралари кўрилиши давомида ижроси таъминланган.

Шу сабабли, қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бугунги кун талабига мувофиқлаштириш, уларда давлат органлари мансабдор шахслари томонидан суистеъмолликларнинг амалга оширилиши ва коррупциянинг турли шакллари вужудга келишига олиб келувчи нормаларни барта-раф этишга алоҳида эътибор қаратиш зарурияти юзга келган.

Қонунчиликка кўра қарздорнинг ундирувга қаратилиши мумкин бўлган мол-мулки ёки даромадлари мавжудлиги аниқланмаса, ижро иши тамомланиши белгиланган.

Шу муносабат билан, ижро иши юритувлари ягона электрон базаси юритилиши белгиланиб, қарздорнинг ундирувга қаратилиши мумкин бўлган мол-мулки ёки даромадлари бўлмаса ва унинг мол-мулки ёки даромадларини қидириш юзасидан қонунда йўл қўйилмаган доирада қўрилган барча чоралар натижасиз бўлса, ижро иши юритиш давомида қарздор учун белгиланган чекловлар қарздорлик тўлиқ қопланганидан сўнг бекор қилиниши белгиланмоқда.

Шу боис, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини сўзсиз ижросини таъминлашга қаратилган янги институтларни жорий этиш зарурати туғилди.

Хусусан, Ўзбекистонда илк бор суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг сўзсиз ижросини таъминловчи “Мажбуриятлар реестри” (кейинги ўринларда - реестр) институтини жорий этишнинг механизми белгиланди. Бунда:

✘ Реестр Бюро томонидан юритилади;

✘ қарздор мол-мулки йўқлиги сабабли ундирув амалга ошириш имконияти бўлмаганда, у ҳақидаги маълумотлар мажбурий тартибда реестрга киритилади;

✘ қарздор ҳақида маълумот реестрга киритилгандан кейин унга нисбатан ижро иши доирасида қўлланилган барча чекловлар сақлаб қолинади;

✘ Реестрга киритилган қарздорнинг мол-мулки ва пул маблағлари аниқланганда мажбурий ижро ҳаракатлари давом эттирилади;

✘ қарздор ижро ҳужжати бўйича мажбуриятини бажарганда, у вафот этганда, ижро ҳужжати беришга асос бўлган суд ҳужжати ёки бошқа органнинг ҳужжати бекор қилинганда ёхуд ижро ҳужжати бўлган ҳужжат бекор қилинганда ёки ҳақиқий эмас деб топилганда, қарздорнинг 10 йил давомида мол-мулки ёки пул маблағлари ҳақида маълумот аниқланмаганда ёки қарздор банкрот деб топилганда, ундирувчининг аризасига кўра, у ҳақидаги маълумотлар реестрдан чиқарилади.

“Мажбуриятлар реестри” институтини амалиётга жорий этиш учун қонунчиликка қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш лозим.

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.01.2024 йилдаги ПФ-1-сон фармонида “Мажбуриятлар реестри” институтини амалиётга жорий этиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш бора-сида аниқ вазифалар белгиланган.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, қонунчиликка киритилаётган мазкур нормалар суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини сўзсиз ва ўз вақтида ижро этишни таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Аброржон ХИКМАТОВ,
мустақил изланувчи.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида” Қонуни 40-моддаси, 2001й.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини ислоҳ этиш ва соҳани рақамлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ 1-сонли Фармони, 03.01.2024й.

ТРАНСПОРТ ВОСИТАСИДАН СОДИР ЭТИЛАДИГАН ЎҒРИЛИК ЖИНОЯТИНИ ФОШ ЭТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

АННОТАЦИЯ: транспорт воситасидан содир этиладиган ўғрилик жиноятининг олдини олиш ва фoш этишнинг ҳуқуқий асослари таҳлил қилиниб, ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш бўйича амалдаги қонун нормасига ўзгартириш киритиш бўйича таклиф ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: конституция, кодекс, қонун, транспорт, ўғрилик, тезкор эксперимент.

Транспорт воситасидан содир этиладиган ўғрилик жиноятининг олдини олиш ва фoш этишнинг норматив-ҳуқуқий асослари деганда мазкур турдаги ўғирликнинг олдини олиш, бартараф этиш, чек қўйиш, фoш этиш, қидирув ишини амалга оширишга асос бўлувчи миллий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддаси ўғрилик жиноятига бағишланиб, транспорт воситасидан содир этиладиган ўғирлик ҳолати алоҳида қисм, бандлари билан тартибга солинмасдан, жабрланувчига етказилган моддий зарардан келиб чиқиб, ҳуқуқий малакаланади. Транспорт воситасидан содир этиладиган ўғирликнинг объекти деганда ўзга шахснинг, яъни жисмоний, юридик шахсларга тегишли бўлган транспорт воситасининг салоида, юкхонасида ёки эҳтиёт қисмларини ўзлаштириш ва тасарруф этишга қаратилган ноқонуний фаолият тушунилади. Объектив томондан мазкур жиноятлар ҳар доим фаол ҳаракатлар натижасида содир этилади. Жиноят субъекти бўлиб 14 ёшга тўлган, ақли расо, жисмоний шахс (шахслар) ҳисобланиб, субъектив томондан фақат тўғри қасд билан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг (38¹, 39¹, 39², 81, 87, 95¹, 135, 136, 137, 139, 140, 141, 162, 172, 174, 180, 182, 183, 187, 187², 213, 218, 219, 222, 225, 320¹, 320², 321, 322, 328, 329, 331, 333, 334, 336, 338, 345, 355, 364, 367) нормалари мазмунида тезкор қидирув фаолият (ТҚФ)ни амалга оширувчи орган тезкор бўлинмалари транспорт воситасидан содир этиладиган ўғирлик факти юзасидан маълум функцияларни бажаришга шу жумладан, ваколати мансабдор шахсларнинг тезкор бўлинмаларга ёзма топшириқлар бериши, ариза ва шикоят юзасидан терговга қадар текширув ва бошқа ҳаракатларни амалга ошириш; далилларни тўплаш ва исботлашни лозим бўлган ҳолатлар, тезкор ходимнинг ваколати доирасида ўтказиладиган тергов ҳаракатлари (ушлаб туриш, шахсий тинтув ва олиб қўйиш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, экспертиза ўтказиш) ва тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширишда эътиборга молик масалалар, процессуал ҳужжатларни расмийлаштириш, тезкор-қидирув фаолиятининг натижасини ваколатли субъектларга тақдим этиш тартиби, назорат қилувчи давлат органининг тезкор-қидирув фаолияти соҳасидаги ваколатлари, ИИО тезкор бўлинмаси тезкор ходимларидан суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судлар билан ҳамкорликда транспорт воситасидан содир этиладиган ўғирликни фoш этиш, қидирув ишини амалга оширишда масъулият билан ёндошган ҳолда тергов ва процессуал ҳаракатлари, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказилиши ҳақидаги қондалар баён этилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонунига биноан транспорт воситасидан содир этиладиган ўғирликнинг барвақт олдини олишда умумий, махсус, яқка, виктимологик профилактик тадбирлар амалга оширилиб, ички ишлар органларининг тезкор бўлинмалари ходимлари Миллий Гвардия, ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда тезкор-қидирув ва профилактик тадбирларни амалга оширишни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг тегишли (14, 15, 16, 18, 20, 23, 24, 25, 26, 27, 28¹) моддаларига асосан транспорт воситасидан содир этиладиган ўғирлик жиноятини фoш этишда ички ишлар органлари тезкор бўлинмалари томонидан қонуний асослар ва шартларга риоя қилган ҳолда тезкор-қидирув тадбирлари амалга оширилади. Ушбу қонуннинг 14-моддасида назарда тутилган тезкор эксперимент тушунчаси, тергов эксперименти тушунчасига ўхшаш бўлиб қолган. Тезкор экспериментда бўлиб ўтган ҳодиса қайта тикланмайди. Масалан, транспорт воситасидан ўғирлик жиноятини режалаштирилаётган, тайёргарлик кўрилаётган шахсларнинг қилмишини фoш этиш мақсадида чора-тадбирлар кўрилиши лозим. Албатта бунинг учун ИИО-

ларининг тезкор бўлинмаларида тезкор маълумотлар хабар ёки ариза бўлиши талаб этилади. “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунда ушбу тадбирга берилган ҳуқуқий таърифда зарурий шарт кўрсатилмагани ҳуқуқий бўшлиқ борлигини кўрсатмоқда. Транспорт воситасидан содир этиладиган ўғирлик жиноятини фoш этишда тезкор эксперимент тадбири қонуний амалга оширилиши учун тушунчанинг мазмуни тўлиқ ёритиб берилиши, ЖПКда назарда тутилган тергов экспериментидан фарқли жиҳатлари, зарурий элементлар, тушунчада баён этилиши лозим. Амалиётда мулкий турдаги жиноятлардан транспорт воситасидан содир этилган ўғирлик жиноятини самарали фoш этишда тезкор эксперимент тезкор-қидирув тадбири ўтказилиши керак. Шу боис, биринчи навбатда ушбу тадбирни ўтказишнинг зарурий шартини тушунча мазмунида баён этиш ва қонуннинг 14-моддасида назарда тутилган тезкор эксперимент тушунчаси мазмунига: “тезкор маълумот, хабар ёки ариза” жумласини киритиш транспорт воситасидан содир этиладиган ўғирлик жиноятини фoш этишда тезкор ходимнинг касбий билимини оширишга хизмат қилади. Бундан ташқари, мазкур жиноятга қарши курашда жавобгарликнинг таъсирчанлигини ошириш лозим. Шу боис, ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “в” бандини: “транспорт воситасидан” номли банд билан тўлдириш лозим. Статистик маълумотларга кўра, 2024 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, жисмоний шахсларга тегишли автомобиллар 4 млн. 20 минг 744 тани ташкил этиб, 24 йил ичида 2 млн. 575 мингтага ёки 56,1 фоизга кўпайиб, тергов амалиётида жабрланувчиларга етказилган зарар (37.499.000 сўм) анча миқдоргача бўлганида ЖКнинг 169-моддаси 1-қисми билан ҳуқуқий малакаланиб, жиноят содир этган шахснинг ҳаракатларига енгил баҳо берилмоқда. Мисол учун киссавурилик жиноятида жабрланувчига (тахоратхонадаги кийимининг чўнтағидан 500 минг сўм пул, транспорт воситасида кетаётган вақтда сумкадан 2 млн. пуллар ўғирланиб) анча миқдоргача зарар етказилган бўлса ҳам ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “а” бандига асосан шахс ҳаракатига ҳуқуқий баҳо берилади. Лекин, жамоат жойида автомашина очик ва қулф ҳолатда бўлишидан қатъий назар унинг салои, юк хонасидаги мол-мулки, эҳтиёт қисмлари яширин равишда ўғирланиб, зарар анча кўп миқдорни (37,5 млн. сўм) ташкил этсада ЖКнинг 169-моддаси 1-қисми билан ҳуқуқий малакаланмоқда. Аслида бу вазиятда шахснинг ҳаракатларида “ғайриқонуний равишда кириш” мавжуд бўлиб, содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасига мутаносиб жазо тайинланиши учун шахснинг содир этган қилмишини адолат билан ҳуқуқий малакалани лозим, деб ҳисоблаймиз.

Элёржон ХАЙДАМАТОВ,

Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси Тезкор-қидирув хизмати, Жиноят қидирув бошқармаси бошлиғи, подполковник, мустақил изланувчи.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган эски тахрирдаги Конституцияси // Электрон манба: URL: <http://www.lex.uz>
2. Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги Конституцияси // <http://www.lex.uz>
3. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 9 августдаги “Транспорт тўғрисида”ги 706-сон Қонуни // <http://www.lex.uz>
4. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 10 апрелдаги “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги 348-сон Қонуни // <http://www.lex.uz>
5. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // <http://www.lex.uz>
6. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // <http://www.lex.uz>
7. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги 371-сон Қонуни кодекси // <http://www.lex.uz>
8. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги 344-сон Қонуни кодекси // <http://www.lex.uz>
9. <https://president.uz/uz/lists/view/5774/>

СУД ИШЛАРИДА СУНЪИЙ ИДРОКНИ ҚЎЛЛАШ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ БЎЙИЧА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

АННОТАЦИЯ: мақолада суд ишларини юритишда қўлланивчи сунъий интеллект технологияларининг кучли ва заиф жиҳатлари таҳлил этилиб, суд тизимида кўпроқ сунъий интеллектнинг заиф технологияларини қўллашнинг афзалликлари ҳақида фикр-мулоҳазалар илгари сурилган.

Калит сўзлар: суд ҳокимияти, суд тизими, суд ишларини юритиш, сунъий интеллект, ҳуқуқий асос, халқаро ҳужжатлар, хорижий тажриба, такомиллаштириш.

Суд ишларини юритишда сунъий идрок (кейинги ўринларда СИ деб юритилади)ни жорий қилиш орқали адолатлилик, шаффофлик ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида самарадорликка эришиш имконияти юзага келади. Шунинг учун ҳам СИ технологияларининг ривожланиши суд ишларини юритишда жуда муҳим масалалардан бирига айланмоқда.

Хусусан, СИНинг қўлланилиши аввало, суд тизимида иш юкламасининг ортиши билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишга қўмаклашади. Қўплаб мамлакатларда суд ишларининг ортиши натижасида ишларнинг кўрилишида кечикишлар кузатишмоқда. СИ технологиялари суд қарорларини таҳлил қилиш ва ҳужжатларни қайта ишлаш жараёнларини автоматлаштириш орқали тезликни таъминлайди.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш керакки, республика судларида кўриб тамомланган фуқаролик, жиноят, иқтисодий ва маъмурий ишлар ҳажмининг йилдан-йилга кўпайиб бораётгани, бунинг натижасида судда иш кўриш бўйича судьяларнинг ўртача ойлик иш ҳажми ортиб бораётгани фуқаролик ишлари бўйича судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни тақозо этади.

Шунингдек, СИ адолатли суд қарорларини қабул қилишга қўмаклашади ҳамда судьялар ва прокурорларга қарор қабул қилишда ёрдам бериш учун оммадаги маълумотларни таҳлил қилишда қўмаклашади. Бу жараён субъективликни камайтиришга ва бир хил ҳуқуқий муаммоларга нисбатан изчил қарорлар чиқарилишига ёрдам беради.

Шунинг учун процессуал ҳуқуқ соҳасида илмий-тадқиқот ишларини олиб бораётган ҳуқуқшунос олимлар ва мутахассислар олдида қуйидаги назарий вазифалар туради:

- фуқаролик, иқтисодий, жиноят ва маъмурий суд ишларини юритишда техник воситалардан фойдаланиш доирасини аниқлаш (белгилаш);

- амалдаги фуқаролик, иқтисодий, жиноят ва маъмурий суд ишларини юритиш қоидаларини техниканинг “тажовузи”дан ҳимоя қилиш ва унинг таъсир доираси чегарасини белгилаш;

- фуқаролик, иқтисодий, жиноят ва маъмурий суд ишларини юритишда электрон далиллардан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш, уларга судлар томонидан баҳо беришда эътиборга олинadиган масалаларни тадқиқ этиш;

- судьялар ўртасида ишларни электрон тақсимлаш мезонлари ва тартибини шакллантиришнинг илмий-амалий жиҳатларини тадқиқ этиш;

- фуқаролик, иқтисодий, жиноят ва маъмурий суд ишларини юритиш давомида техника воситаларидан фойдала-

нишдаги чегаралар ва бу билан боғлиқ айрим мезонларни ишлаб чиқиш, масалан, қачон суд фаолияти давомида фуқароларнинг процессуал ҳаракатлари ўрнини техника ютуқлари билан алмаштириш мумкинлиги ҳамда қайси ҳолларда бу қўтилган натижани ва самарани бериши мумкинлиги билан боғлиқ мезонлар шулар жумласидандир.

Ҳозирги кунда дунёда суд ишлари доирасидаги катта ҳажмдаги ҳужжатларни СИ орқали қайта ишлаш ишлари кенг қўлланилмоқда. Масалан, электрон архив тизимлари, процессуал қарорларни таҳлил қилиш ва ҳужжатлардан аниқ маълумотларни излаб топиш жараёнларида СИ катта самара беради.

Айрим мамлакатларда СИ технологиялари орқали ўтмишдаги суд қарорлари ва юридик маълумотларга асосланиб, муайян ҳолатда қандай қарор чиқарилишини тахмин қилиш амалиёти ҳам мавжуд. Бу прокурор ва адвокатларга иш режаларини яхшироқ тайёрлаш имконини беради.

Электрон платформада сунъий идрок ёрдамида кичик низоларни онлайн тартибда ҳал қилиш механизми кенг ривожланмоқда. Мазкур ҳолат суд органларининг юкламасини камайтиришда ҳам муҳим рол ўйнайди. Зеро, низолар жаҳон миқёсида мавжуд ва шунинг учун уларни камайтириш, бошқариш ва имконият бўлганда қонуний ҳал этиш жараёнларини ривожлантириш зарур.

Низоларни қонуний, асосли ва адолатли ҳал қилишда энг муҳим жараён ва натижа низолашаётган икки томоннинг ўзаро ҳатти-ҳаракати натижасида юзага келишини эътиборга олиш керак. Афсуски, барча низолар ҳам бундай ҳал этилмайди. Бизнинг фикримизча, СИ орқали низоларни ҳал қилиш амалиёти ҳар икки тарафни ҳам қаноатлантирадиган, низони қонуний, асосли ва адолатли ҳал қилиш имконини берадиган жараён деб ҳисоблаймиз.

Маълумки, юридик адабиётлар таҳлили ҳамда хорижий давлатлар қонунчилиги амалиёти судда кўриладиган низоларни ҳал қилишнинг икки асосий тенденцияга бўлинишини кўрсатади: биринчиси, суд орқали низоларни ҳал қилиш; иккинчиси, низоларни муқобил (альтернатив) ҳал қилиш.

СИни ҳуқуқий тартибга солиш масалалари ва ушбу жараёндаги муаммоларга тўхталадиган бўлсак, сунъий идрокни суд ишларида қўллаш айни вақтда кўплаб ҳуқуқий ва ахлоқий муаммоларни юзага келтирмоқда.

Биринчи масала, жавобгарлик ва масъулиятни аниқлаш бўлиб, СИ орқали қабул қилинган қарорларда ноҳилислик ёки хатолар кузатилганда жавобгарлик кимнинг зиммасида бўлиши масаласи ҳуқуқий нуқтаи назардан мураккабликни юзага келтиради.

Суд қарорларидаги хатолар, жумладан, процессуал хатолар, нотўғри ҳал этилган саволлар ёки янглишишлар суд процессининг самарадорлигига, тарафларнинг ишончига ва қабул қилинаётган қарорларнинг одиллигига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун бу каби хатоларнинг натижасида жавобгарлик масаласи жуда муҳимдир, чунки у суд тизимига ва ҳуқуқий муҳофазага бўлган ишончни йўқолишига олиб келади.

Суд қарорларидаги хатолар учун жавобгарликни белгилаш бўйича айрим масалаларни кўриб чиқамиз.

Суд қарорларида қайта кўриб чиқиш фақат муқаррар равишда юқори суд инстанцияси томонидан амалга оширилади. Агар суд қарорларида процессуал хатоликлар мавжуд бўлса, масъулият албатта судья (судьялар) зиммасида бўлади.

Бироқ, мамлакатимизнинг амалдаги қонунчилигида суд қарорларидаги ноҳолисликлар ёки хатолар бўйича уни қабул қилган судья ёки уни қабул қилишга кўмаклашувчи СИ жавобгарлиги масаласи очик қолган. Ушбу масала назаримизда ҳуқуқий нуқтаи назардан жуда муҳим. Унинг муҳокамаси суд тизимида одилликни таъминлаш ва жамиятда судга нисбатан ишончни ошириш учун муҳимдир. Шундай экан, фикримизча, судьялар томонидан қабул қилинадиган қарорлардаги хатоларни аниқлаш ва уларни олдини олишнинг самарали ҳуқуқий механизмлари яратилиши зарур.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, суд ишларини юриштишда махфий маълумотларни СИ тизимлари ёрдамида бошқариш масаласи жуда долзарб. Айниқса, маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш ва суд жараёнлари иштирокчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш зарурати кучайиб бораётган шароитда ушбу тизимларнинг хавфсизлиги биринчи ўринда туриши керак.

СИ тизимлари махфий маълумотлар билан боғлиқ жараёнларда кўплаб имкониятларни тақдим этиш билан бир қаторда уларнинг бузилиши ёки нотўғри бошқарилиши натижасида маълумотларнинг ошкор бўлиши, йўқ қилиниши ёки уларга зарар етказилиши, пировардида махфийликка таҳдид солиниши мумкин.

Юридик адабиётларда ҳам СИдан суд фаолиятида чекловларсиз фойдаланиш мумкинлиги, бунда энг муҳим таваккалчилик — бу электрон тизимларга келиб тушадиган ва тўпланадиган барча шахсий маълумотлар, материаллар ва маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлаш эканлиги, шу сабабли, маълумотларни сақлаш ва узатишда, шунингдек, электрон ҳужжатларга ноқонуний кириш ва ўзгартиш киритишдан ҳимоя механизмларини яратиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги, бундай масалани ҳал қилишнинг эҳтимолий йўлларида бири блокчейн технологияси бўлиши мумкинлиги ҳақида фикрлар илгари сурилади.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, суд ишларини юриштишда қўлланилиши кутилаётган СИнинг кучли ва заиф технологиялари мавжудлиги ва суд тизимида кўпроқ СИнинг заиф технологияларини қўллашнинг афзалликлари ҳақида фикр-мулоҳазалар илгари суриб келинмоқда.

Таъкидлаш жоизки, СИнинг кучсиз технологияларини суд фаолиятида қўллаш судьялар ва суд аппарати ходимларининг иш юкламаларини камайтириш имконини беради. Бугунги кунда мазкур технологиядан иш юритиш жараёнида ахборотларни автоматлаштирилган равишда киритиш ва қайта ишлаш, судга келиб тушган процессуал ҳужжатлар-

нинг процессуал қонунчилик талабларига мувофиқлигини аниқлаш, шахс тўғрисидаги маълумотларни ва унинг суд муҳокамасида иштирок этиш ваколатларини тасдиқлаш каби вазифаларни бажариш учун фойдаланиш мумкин.

Ҳозирда кучли сунъий интеллектни одил судловни амалга оширишда қўллаш масаласи юридик ҳамжамият томонидан турли баҳс-мунозаларга сабаб бўлмоқда. Халқаро ҳамжамият ва маҳаллий мутахассислар кўпроқ одил судловни тўлиқ автоматлаштириш ва судьянинг “машина” билан алмаштирилишини нафақат мумкин эмас, балки хавфли деб ҳисоблашмоқдалар. Судья фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари бор: у нафақат қонунни қўллаш ва тушуниш кўникмасига, балки қарор қабул қилишда турли омилларни ўрганиш ва уларнинг аҳамиятини аниқлаш малакаларига эга бўлиши лозим. Айрим ҳолларда СИда мавжуд бўлмаган, мавжуд бўлган тақдирда ҳам қўллаши жуда оғир ва мураккаб бўлган психологик ва ҳатто ахлоқий жиҳатларни ҳисобга олишга ҳам тўғри келади.

Сунъий интеллект инсонларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини тўлақонли ҳимоя қилишнинг кафолатига айлана олмайди, ҳақиқатни ва инсоний адолатни таъминлашга қодир эмас. Шунинг учун ундан фойдаланиш фақат чекланган шаклда, аниқ белгиланган чегаралар ва қоидалар орқали амалга оширилиши мумкин.

Бизнинг фикримизча, бундай технологиядан, масалан, ишга аралашувчи томонлар муносабатларини таҳлил қилиш талаб қилинмайдиган ва техник хусусиятга эга бўлган мутлақ талаблар бўйича фуқаролик ва маъмурий ишлар кўриб чиқи-лишини таъминлашда фойдаланиш мумкин. Бунда келажакда истиқболли ҳисобланган йўналишлардан бири – прогностик (баҳорат қилувчи) одил судлов бўлиши мумкин.

Прогностик таҳлил суд ҳужжатларининг катта ҳажмдаги маълумотларини таҳлил қилиш орқали суднинг қарор қабул қилиш жараёнига таъсир этувчи омилларни аниқлаш имконини беради. СИ асосида одил судловни амалга оширишда бундай қонуниятларни аниқлаш суд фаолиятини мунтазам такомиллаштиришни таъминлайди, шунингдек, қонунчиликни қўллаш бўйича ягона амалиётни яратишда юзага келадиган муаммоларни аниқлаш ва бартараф этишга имкон беради. Бироқ, якуний қарор қабул қилиш учун масъулият фақат судья зиммасига тушади. У сунъий интеллектдан олинган натижаларни, уларнинг сифати ва ушбу ишга мослигини баҳолаши керак. Шунинг учун, бундай технологияни судьяга ёрдамчи сифатида кўриб чиқиш мумкин, унинг ўрнида эмас. Инсон тақдири бефарқ робот-интеллект қўлида бўлмаслиги керак.

Судьялар ва суд аппарати ходимларининг СИ технологиялари билан ҳамкорлиги инсон ҳуқуқларининг устуворлигини сақлаган ҳолда таъминланиши лозим. Ахборот технологиялари ривожланиб борган сари, улардан фойдаланиш доираси техник вазифалардан мураккаб вазифаларни ҳал қилишгача кенгаймоқда, ахборот тизимлари процессуал ҳаракатларни амалга ошириш муҳитига айланмоқда. Агар ҳуқуқ ҳақиқий ҳаётни кузатишдан ортда қолса, у ҳолда у зарарли тўсиққа айланади ва бу ерда илм-фан ўзининг муҳим сўзини айтмоғи зарур.

Йўлдошали АБДУФАТТОВЕВ,

*Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси
магистратура тингловчиси.*

ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДА ЖИНОЯТЛАРНИ ТАСНИФЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АҲАМИЯТИ

Жиноятларни таснифлаш масаласи кўп йиллардан бери юридик соҳа вакиллари, хусусан, ҳуқуқшунос олимлар, мутахассислар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг диққат эътиборида бўлиб келмоқда. Сабаби айнан жиноятларни таснифлаш орқали содир этилган ижтимоий хавфли қилмишга муносиб жазо тайинлаш ва бу орқали жазонинг мақсадига эришиш мумкин.

Таснифлаш – лотинча сўз бўлиб, (класис-даража, фасио-до) объектлар, ҳодисалар ва тушунчаларни умумий хусусиятларига қараб синф, бўлим, даража бўйича тақсимлашдир.

Таснифлаш – бу тадқиқотчининг катта ва хилма-хил ҳодисалар гуруҳи учун қилиши керак бўлган биринчи ва ўта муҳим қадамидир. Ўрганиш усули сифатида таснифлаш илмий тадқиқотчи учун иккита маънога эга: ташқи томондан, бу тадқиқотга тизим ва тартибни киритадиган усул бўлса, ички томондан, бу тадқиқот натижаларининг тўлиқлиги ва тўғрилигини олдиндан белгилаб берадиган усулдир.

Таснифлаш – бу табиат ва жамият ҳодисаларини билиш усулларида бири, шунингдек, инсоннинг у ёки бу амалий фаолиятидаги муаммоларни ҳал қилиш усулидир.

Ўрганилаётган объектларни қисмларга, гуруҳларга бўлиб тизимлаштириш уларнинг ўзаро боғлиқлигини йўқотмаган ҳолда амалга оширилиши керак.

Ҳар қандай таснифлашда танланган объектлар ўртасида ўрнатилган ўзаро боғлиқлик тамойили катта аҳамиятга эга. Ушбу тамойил объект асосий хусусиятларининг аниқ ажратиш олинишига ва унинг бошқа объектлар билан ўзаро муносабатлари бўйича таҳлил ўтказилишига хизмат қилади.

Ҳуқуқшунос Л.Н.Кривоченкога кўра таснифлашнинг асосий вазифаси – бу типик объектив белгиларни акс эттиришдир ва улар асосида таснифланган объектларни гуруҳлаш, уларнинг тўпلامдаги ўрнини аниқлаш мумкин.

Аммо, таснифлашда объектларнинг барча тўпламларини танланган мезонга қараб ўхшашлик ва фарқларга кўра алоҳида гуруҳларга бўлиш функциясини таъкидлаш керак.

Мезон – бу бутун таснифнинг назарий ва амалий аҳамияти, унга қўйилган мақсад ва вазифаларнинг кўрсаткичидир. Бошқа томондан, танланган мезоннинг табиати асосан, шахснинг таснифланган ҳодисалар ҳақидаги билимларини, унинг моҳиятига кириш чуқурлигини кўрсатади. Шунинг учун таснифлаш мезонларини танлашда бундай таснифлаш қандай мақсадни кўзда тутди, унга амалий эҳтиёжлар мавжудми деган фикрни ёдда тутиш керак.

Таснифлаш тушунчаси барча соҳаларда бўлгани каби ҳуқуқ соҳасида ҳам кенг қўлланилади. М.Усмоналиев мазкур масалада тўғри ёндашиб, жиноятларни у ёки бу белгиларига қараб туркумларга ажратишга жиноятларни таснифлаш деб таъриф берган.

Жиноят ҳуқуқида таснифлаш – бу юридик техниканинг ўзига хос услуби ҳисобланиб, у қонуний нормаларни ягона мезон бўйича муайян тоифаларга (гуруҳларга, турларга) ажратишда, жиноий ҳуқуқий институтларни ва нормаларни бир хил тушуниш ва қўллаш мақсадида фойдаланилади.

С.С.Алексеевнинг фикрича, таснифлаш бу тизимлаштиришдир. Тизимлаштириш эса амалдаги қонунлар, норматив

ҳужжатлар ва ҳуқуқий меъёрларни тартибга солишдир. Шу нуқтаи назардан қонунчилик доимий тартибга солинишга муҳтож. Чунки, фақатгина тизимлаштирилган ва тартибга солинган қонунларгина тушунарли ҳамда фуқаролар томонидан қабул қилинишга қулай бўлади.

Мисол учун Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ана шундай тизимли ҳуқуқий ҳужжат саналади. Уни тизимлаштириш учун таснифлаш усулидан фойдаланилган. Мазкур Кодекс Умумий ва Махсус қисмга ажратилган.

Жиноят кодексининг Умумий қисми жиноят ҳуқуқининг умумий қоидалари ва принципларидан иборат бўлиб, иккита асосий тушунча билан боғлиқ, улар жиноят ва жазо тушунчаларидир. Қонун Жиноят кодексининг вазифалари ва принципларини, жиноят қонунининг ҳудуд ва вақт бўйича амал қилишини, жиноий жавобгарликнинг асосларини, айб ва унинг шаклларини, жиноий жавобгарликка тортилиш ёшини ва жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган шахслар доирасини, қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатларни, жазонинг мақсади ва ҳар бир жиноий жазонинг тизимини, жиноий жавобгарлик ва жазо тайинлаш, жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш, вояга етмаганларнинг жавобгарлигини ва тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини белгилайди.

Жиноят кодексининг Махсус қисми эса алоҳида жиноятлар ва шу жиноятларни содир этганлик учун тайинланадиган жазоларни белгилайди. Жиноят ҳуқуқи икки қисмдан иборат бўлсада, мазкур қисмлар бир-биридан алоҳида мустақил ҳуқуқ соҳалари бўлмасдан, улар бир-бири билан чамбарчас боғланган бир бутун ягона жиноят ҳуқуқини ташкил этади. Уларнинг ягоналиги вазифаларининг бирлигида ва бири иккинчисисиз мавжуд бўла олмаслигидадир.

Шуни айтиш керакки, Жиноят кодексининг тузилишида таснифлаш алоҳида аҳамият касб этади. Унда бир қатор таснифлаш усуллари учратиш мумкин. Жумладан:

– Жиноят кодекси Махсус қисм моддалари ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражасига кўра таснифланган (ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган, оғир, ўта оғир);

– шунингдек, объектига кўра таснифлаш (шахсга қарши жиноятлар, тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар в.б);

– объектив томон тузилишига кўра таснифлаш (моддий ва формал таркибли жиноятлар);

– субъектив томондан таснифлаш (қасддан ёки эҳтиётсизликдан содир этилган жиноятлар);

– субъектига кўра таснифлаш (ёш мезонлари, махсус субъект белгилари).

Шундай бўлсада, жиноятларни таснифлаш хусусида сўз борганда ҳуқуқшунос олимлар амалдаги қонунчиликдан келиб чиқиб унинг икки турини келтириб ўтишади:

- жиноятларни объектига қараб таснифлаш;
- жиноятларни ижтимоий хавфлилигига қараб таснифлаш.

М.Х.Рустамбоев ва М.Усмоналиевлар ҳам ўз доктриналарида мазкур таснифлашни илгари суради.

Кўпгина мутахассислар таснифлашнинг табиий ва сунъий турларини фарқлашади. Хусусан, табиий таснифлаш – объектлар, ҳодисаларни уларнинг асосий хусусиятлари, умумий қонуниятларига кўра синфларга бўлишдир. Сунъий таснифлаш – таснифланган объектларнинг моҳиятини ажратмайди, уларнинг умумий муносабатларини аниқламайди, ундан техник мақсадларда фойдаланилади, масалан тизимлаштиришни осонлаштириш ва амалий фаолиятда қидириб топиш жараёнини тезлаштириш каби.

Юқоридаги таснифлаш турларидан ижтимоий хавфлилиқ даражасига кўра таснифлаш табиий таснифлаш саналади. Қолган шаклдаги таснифлар техник жиҳатдан жиноят қонунчилигини тизимлаштиришга ва уни нисбатан осонроқ қўллашга хизмат қилади.

Жиноятларни таснифлашнинг илмий асосланиши қонун ижодкорлиги, жавобгарликни фарқлаш ва жазони индивидуаллаштириш масалаларини ҳал қилишда, шунингдек жиноятларнинг ҳолати ва тузилишини криминалогик жиҳатдан ўрганиш учун муҳимдир.

Жиноятларни тўғри таснифлаш учун жиноят қонунини қўллаш амалиёти катта аҳамиятга эга. Жиноятларни таснифлаш жиноятчиликка қарши курашиш амалиёти билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, у таснифлаш натижаларини қўллаш жараёнида текширилади ҳамда амалиётни ўзгартириш истиқболларини белгилайди.

Шуни таъкидлаш керакки, жиноятларни таснифлашда бир қатор қоидаларга амал қилиниши керак, акс ҳолда таснифловчи ўз олдига қўйган масалаларни еча олмайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса қилиб айтганда, жиноятлар бир қатор қоидаларга асосан таснифланиши керак:

- жиноятларни таснифлаш битта асосда амалга оширилиши (масалан, ижтимоий хавфлилиқ даражасига кўра);
- ўз қамровига фақатгина жиноят қонунида акс эттирилган нормаларни олиши;
- жиноятларнинг гуруҳлари, тоифалари аниқ белгиланиши, ўзига хослиги аниқ талқин қилиниши ва белгиланган ҳуқуқий оқибатларни қамраб олиши;
- жиноятларнинг тоифаларга бўлиниши доимий аҳамият касб этиши лозим.

Жиноятни тегишли туркумга киритиш Жиноят кодексида белгиланган ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради ва бу ўз ўрнида жиноятларни таснифлашнинг ҳуқуқий аҳамиятидан келиб чиқади. Биз жиноятларни таснифлашнинг ҳуқуқий оқибатларини қуйидаги гуруҳга ажратиб ўргандик: биринчидан, жиноятларни квалификация қилиш билан боғлиқ ҳуқуқий оқибатлар;

иккинчидан, жиноятлар учун жазо тайинлаш билан боғлиқ ҳуқуқий оқибатлар;

учинчидан, жиноят содир этган шахснинг аҳволини яхшилашга қаратилган ҳуқуқий оқибатлар.

Жиноятларни таснифлашнинг Жиноят кодекси Умумий қисми нормаларида аҳамиятини юқоридаги берилган тартиб бўйича кўриб чиқамиз.

Жиноятларни квалификация қилиш билан боғлиқ ҳуқуқий оқибатлар ҳақида сўз юритадиган бўлсак, Жиноят кодексининг 13-моддасида белгиланган қонуннинг вақт бўйича амал қилиши қоидаларида жиноятларнинг таснифланиши муҳим аҳамиятга эгадир. Айтайлик, қонунга киритиладиган ўзгартиришлар натижасида Жиноят кодекси Махсус қисми моддаларининг санкцияларида белгиланган жазо ҳажми ёки муддатлари камайтирилса ва оқибатда жиноятлар тоифаси ўзгарса, қилмишнинг жиноийлигини бекор қиладиган, жазони енгиллаштирадиган ёки шахснинг аҳволини бошқача тарзда яхшилайдиган қонун орқага қайтиш кучига эга, яъни ушбу қонун кучга киргунга қадар тегишли жиноий қилмиш содир этган шахсларга, шу жумладан жазони ўтаётган ёки ўтаб бўлган шахсларга нисбатан, агар улар ҳали судланган ҳисоблансалар, татбиқ этилади.

Мисол тариқасида, агар шахс янги қонун қабул қилинганга қадар унча оғир бўлмаган жиноятни содир этган бўлса ва янги қабул қилинган қонун билан ушбу қилмиш ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтган бўлса, қонун орқага қайтиш кучига эга бўлади ва аксинча шахс унча оғир бўлмаган жиноятни содир этган бўлса, янги қабул қилинган қонун билан мазкур ҳаракат ёки ҳаракатсизлик оғир жиноят деб ҳисобланса, қонун орқага қайтиш кучига эга эмас. Ушбу норма шахсга тайинланадиган жазо миқдорига таъсир қилади ва шунинг учун буни жиноятларни квалификация қилиш билан боғлиқ ҳуқуқий оқибатларга киритдик.

Жиноят кодекси Умумий қисмининг 34-моддасида қонун рецидив жиноятни уч турга — оддий, хавфли ва ўта хавфли рецидивга бўлади. Шахсни ўта хавфли рецидивист деб топишда унинг илгари содир этган оғир ва ўта оғир жиноятлари ҳисобга олинади. Шу ўринда айтиш жоизки, шахснинг қилмишини квалификация қилишда уни оддий, хавфли ва ўта хавфли рецидивист эканлиги жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланади.

Ботирали ОМОНОВ,

*Судьялар олий
мактаби тингловчиси.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 18 май ЎРҚ–245-сон “Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига қўшимча киритиш тўғрисида”ги Қонуни.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ–5635-сон “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3723-сон Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сон қарори, // Тўплам, 2-жилд. 226-бет.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ДАВР ТАЛАБИ

Дарҳақиқат, коррупция мураккаб ижтимоий-иқтисодий-сиёсий ҳодиса бўлиб, жамият тараққиётининг муҳим омиллари бўлмиш тинчлик, осойишталик, адолат, қонун устуворлиги каби ижтимоий-ҳуқуқий қадриятларни йўқ қилади, мамлакатнинг ривожига тўсиқ бўлади. Шунингдек Давлат раҳбари назарда тутган “ҳалоллик вакцинаси” билан эмлаш – бу муайян соҳада коррупцияга қарши қаратилган ташкилий ва ҳуқуқий асосларни яратиш, мавжудларини замон талаблари асосида такомиллаштириш ва унга қатъий риоя қилиш механизмларини жорий қилиш орқали унга қарши комплекс тарзда курашишни аниглади.

Коррупцияга қарши кураш бугунги кунга хос мавзу эмас. Инсоният пайдо бўлиб, давлатчилик шакллана бошлабдики, бу иллатга қарши мунтазам курашиб келинади. Тарихий асарларда ўз даврида коррупцияга қарши қандай курашилгани у нималарда намоён бўлиши батафсил баён қилинган. Хусусан, Низомулмулкнинг “Сийёсатнома” асарида қозилар ва ҳокимлар порахўр бўлмасликлари учун уларнинг маошларини кўтариш кераклиги, чунки паст маош коррупцияга берилишига сабаб бўлиши таъкидланган. Агар, маошини кўтариб қўйганда ҳам порахўрлик қилсалар уларни лавозимидан келиб чиқиб, жазолаш кераклиги айtilган. Чунки, халққа хиёнат давлатга хиёнат дегани, фақат қозининг билими эмас балким, одоб-ахлоқи, маънавияти ҳам кучли бўлиши лозим”, дея таъкидланган.

Суд-тергов амалиёти инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш бўйича самарали механизмлар тўлиқ ишга солинмаганлиги, шунингдек жинойт содир этганликда ва шахсий дахлсизликка оид конституциявий ҳуқуқларини суд орқали ишончли таъминлаш чораларини кучайтириш зарурияти мавжудлигини кўрсатди.

“Ўзбекистон 2030” стратегиясида белгиланган устувор йўналишлардан келиб чиқиб, судлар фаолияти самарадорлигини ошириш ишни судга қадар юритишда тарафларнинг тенглиги ва тортишув принципини амалда таъминлаш шунингдек, тезкор-қидирув ҳамда тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоялашга эришиш мақсадида, инсонлар онгида уларнинг тақдирига енгил-елпи қарашнинг олдини олиш, оддий инсонлар онгидаги коррупция ҳолатларнинг бир тури деб ҳисобланмаслик лозим.

Бундан ташқари, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига кириш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз” марузасида “Жамиятимизда коррупция, турли жинойтларни содир этиш ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатларига қарши курашиш, уларга йўл қўймаслик, жинойтга жазо, албатта, муқаррар экани тўғрисидаги қонун талабларини амалда таъминлаш бўйича қатъий чоралар кўришимиз зарур” деб таъкидлаган эди.

Шунга қўра, Республикамызда коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий механизми яратилган ҳолда 2017 йил 3 январда Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди ҳамда шундан сўнг бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда коррупциянинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Шунингдек, коррупция ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги 2024 йил 5 июндаги № ЎРҚ-931-сонли қонуни қабул қилинди.

Унга қўра, **манфаатлар тўқнашуви** дейилганда, шахснинг шахсий (бевоқифа ёки билвосита) манфаатдорлиги унинг ўз лавозим ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган (мавжуд манфаатлар тўқнашуви) ёки юзага келиши мумкин бўлган (эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви) вазият.

давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг ходими — давлат органларида ёки бошқа ташкилотларда меҳнат шартномаси (контракт) асосида ёхуд сайлаб қўйиладиган ёки тайинланадиган лавозимларда меҳнат (хизмат) фаолиятини амалга ошираётган бошқарув ходими;

манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича махсус бўлима — давлат органларининг ёки бошқа ташкилотларнинг коррупцияга қарши ички назорат бўлиналари (ва) ёки кадрлар бўлиналари;

шахсий манфаатдорлик — давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг ходими ёхуд у билан алоқадор шахслар ушбу ходим томонидан бевоқифа ёки билвосита қарор қабул қилиниши ёки ходимнинг ушбу жараёнда бошқача тарзда иштирок этиши натижасида олиши мумкин бўлган ҳар қандай наф ёки афзаллик;

яқин қариндошлар — ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғиллар, қизлар, эр-хотинлар, шунингдек эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари булар барчаси коррупция ҳолатларини вужудга келтирувчи белгиларидир.

Ўзбекистоннинг янгиланган сиёсати жамиятда адолат ва қонун устуворлигини олий даражага кўтариш, замонавий, самарали давлат бошқарувини жорий этиш, давлат хизматчиларида коррупциявий ҳолатларнинг барча кўринишларига нисбатан, халқ манфаатларини сўзсиз таъминлаш каби юксак гоёларга таянмоқда.

Ушбу ислохотларнинг туб замирида Президентимиз томонидан илгари сурилган “Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилиши керак” деган тамойил мужассам.

Хориж давлатлардаги коррупция билан боғлиқ статистикага эътибор қиладиган бўлсак, 2024 йил 30 январ ҳолатига қўра, Венесуэла 11, Сурия 13, Жанубий Судан 13, Яман 16 ўринларни эгаллаб туришибди. Бу мамлакатларнинг барчаси узоқ давом заътган инқирозларни, асосан қуролли можароларни бошидан кечирмоқда.

23 мамлакат, шу жумладан Буюк Британия 71, Исландия 72, Нидерландия 79, Швеция 82, каби бир қанча демократик давлатлар, шунингдек Венесуэла 13, бир қатор давлатлар Эрон 24, Россия 26, Тожикистон 20 бу йил тарихий энг паст даражага етди.

Бу давлатларда коррупция ҳолатлари аниқлангач, ҳаракат ва оқибатлари муҳокама қилиниб, унга қўлланилган жазолар мунтазам равишда эълон қилиб борилади ИИБ ҳар йили коррупция фактлари ва алоқадор шахсларни жазолаш чоралари тўғрисида парламентга ҳисобот беради.

Шунингдек, расмий ахлоқ қоидалари бузилиши учун жавобгар мансабдор шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тизими яратилган.

Коррупция ҳаракатлар учун асосий жазо давлат ташкилотларида ишлаш ҳуқуқидан ва барча ижтимоий имтиёзлардан маҳрум бўлиш ва бошқа таъсир чораларини қўллаш орқали эришиб келишмоқда.

Саккизта давлат рейтингда ўз рейтингини яхшилашга муваффақ бўлди. Ирландия 77, Жанубий Корея 63, Арманистон 47, Вьетнам 41, Малдив ороллари 39, Молдова 42, Ангола 33, Ўзбекистон 33 ўринларни эгаллашди.

Мустақил, ошқора ва яхши ресурсларга эга суд ва ҳуқуқ-тартибот идоралари коррупцияга қарши курашда марказий ўрин тутди.

Зухра КАБУЛОВА,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

КОНСТИТУЦИОННЫЕ ГАРАНТИИ РАЗВИТИЯ АДМИНИСТРАТИВНЫХ ПРОЦЕДУР В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

АННОТАЦИЯ: в данной статье будут раскрыты современные тенденции развития административных процедур в Республике Узбекистан. Исходя из нового подхода в понимании административного права в Узбекистане, в последние годы были осуществлены важные реформы. Вышеуказанные реформы и изменения законодательства создали основу для большого прорыва административного права в Республике Узбекистан. Но необходимо учитывать, что одним принятием соответствующих законов невозможно добиться большого прорыва в развитии современного административного права в Республике Узбекистан. В данной статье постараемся провести краткий анализ правовых проблем, связанных с дальнейшим развитием административного права в Республики Узбекистан на примере законодательства об административных процедурах. В 2024 году был одобрен Сенатом приняты Законодательной палатой Олий Мажлиса Республики Узбекистан Закон “Об административных процедурах” в новой редакции, который находится в процедуре подписания Президентом Республики Узбекистан. Предлагается также ввести понятие “административный акт” на узбекском языке, который в действующей редакции закона приводится как “административный документ”. Несмотря на множество положительных аспектов и успехов, остаются неразрешенными некоторые вопросы касательно регламентации законодательства об административных процедурах. В данной статье приводятся три вопроса, в частности, соотношение административного акта и административного действия, действительность и недействительность административного акта, правовые последствия процедурных и формальных ошибок.

Ключевые слова: административные процедуры, административное судопроизводство в Республики Узбекистан, судебная практика, административные суды, Закон об административных процедурах, Кодекс об административном судопроизводстве, соотношение административного акта и административного действия, действительность и недействительность административного акта, отмена правомерного и неправомерного административного акта, правовые последствия процедурных и формальных ошибок.

I. Введение

С внедрением системы административных судов в 2017 году, а также принятием в начале 2018 года Закона “Об административных процедурах” (далее – ЗАП) и Кодекса Республики Узбекистан об административном судопроизводстве (далее – КАС), которые, без преувеличения, в своей основе отвечают международным стандартам, положил начало новому этапу развития административного права в Республике Узбекистан.

Необходимо заметить, что эти нововведения требовали свою научную и практическую разработку в изучении административного права в Узбекистане. В этом вопросе, конечно, наряду с другими международными организациями роль GIZ, было весьма велика.

Исходя из нового подхода в понимании административного права в Узбекистане в последние годы были осуществлены весьма важные реформы. В частности, Указом Президента Республики Узбекистан “О дополнительных мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности судов и повышению эффективности правосудия” от 24.07.2020 г. № УП-6034 с 1 января 2021 года были осуществлены следующие организационно-структурные изменения в судебной системе:

образование судов общей юрисдикции Республики Каракалпакстан, областей и города Ташкента на базе областных и приравненных к ним судов по гражданским делам, по уголовным делам и экономических судов с сохранением строгой специализации судей

и образованием отдельных судебных коллегий по видам судопроизводства;

передача полномочий административных судов по рассмотрению дел об административных правонарушениях судам по уголовным делам;

образование в центрах Республики Каракалпакстан и областей, городе Ташкенте межрайонных административных судов, специализирующихся на рассмотрении дел, вытекающих из административных и других публично-правовых отношений, с упразднением, в связи с этим районных (городских) административных судов и сохранением административных судов Республики Каракалпакстан, областей и города Ташкента.

Необходимо также подчеркнуть, что один из основных принципов административных процедур – принцип соразмерности также нашёл свое конституционное закрепление в статье 20 Конституции Республики Узбекистан в новой редакции.

Также, в соответствии с Законом Республики Узбекистан от 26 апреля 2023 года № ЗРУ-833 (Национальная база данных законодательства, 27.04.2023 г., № 03/23/833/0236) в КоАС РУз был внедрен:

- новый принцип - активная роль суда (статья 11);
- правила, касательно недопущения объединения нескольких связанных между собой требований, из которых одни подведомственны административному суду, а другие суду по гражданским делам (статья 26);

- правила, касательно права заявителя предъявлять наряду с заявлением (жалобой) также требование о возмещении убытков, состоящие с этими требованиями в причинно-следственной связи (статья 27);
- передача материалов дела из административного суда в другой суд по подведомственности (в случае предъявления требования в административный суд с нарушением правил подведомственности, заявление (жалоба) передается на рассмотрение в суд по гражданским делам либо экономический суд по подведомственности) (статья 27³);

- мировое соглашение (глава 15¹).

Кроме того, Законом Республики Узбекистан от 25 декабря 2023 года № ЗРУ-889 вступило в силу с 1 января 2024 года) в КоАС была внедрена новая инстанция о пересмотре судебных решений - ревизионная инстанция (Глава 28. Производство по пересмотру судебных актов в ревизионном порядке).

2024 году также были внедрены:

- статья 60 КоАС дополнена частями четвертой и пятой Законом Республики Узбекистан от 27 февраля 2024 года № ЗРУ-915,
- текст статьи 9 КоАС в новой редакции Законом Республики Узбекистан от 20 сентября 2024 года № ЗРУ-963, - часть третья статьи 148, статья 230¹ КАС, Статья 249 КАС, статья 260 КАС в редакции Закона Республики Узбекистан от 30 сентября 2024 года № ЗРУ-968.

Вышеуказанные реформы и изменения законодательства создали основу для большого прорыва административного права в Республике Узбекистан. Множество научных дискуссий и предложений по развитию административного права до сих пор не видело своего практического воплощения. Осуществленные за короткий период реформы законодательства воплотили эти долгожданные идеи в жизнь. Но необходимо учитывать, что одним принятием соответствующих законов невозможно добиться большого прорыва в развитии современного административного права в Республике Узбекистан.

В данной статье постараемся провести краткий анализ правовых проблем, связанные с дальнейшим развитием административного права в Республике Узбекистан на примере законодательства об административных процедурах.

2024 году был одобрен Сенатом принятой Законодательной палатой Олий Мажлиса Республики Узбекистан Закон “Об административных процедурах” в новой редакции, который находится в процедуре подписания со стороны Президента Республики Узбекистан.

В соответствии с планируемой новой редакцией ЗАП, намечается ввести нижеследующие изменения.

Предлагается расширить сферу применения ЗАП, за счет применения Закона в отношении налоговых, таможенных процедур, процедуры государственного контроля и надзора, пенсионного обеспечения граждан и оказания государственных услуг, воинского учета и призыва на военную службу, градостроительного планирования, выделения и изъятия земельных участков.

Также, предлагается внедрить новые принципы административных процедур, такие как, принцип запрета произвола, принцип запрета злоупотребления полномочием, принцип недопустимости отказа в применении права.

Предлагается изменить редакции некоторых принципов административных процедур. В частности, принцип соразмерности, принцип защиты доверия, принцип правомерности административного усмотрения (дискреционное полномочие).

Предлагается также ввести понятие административный акт на узбекском языке редакции закона, который в действующей редакции приводиться как административный документ.

Несмотря на вышеуказанное множество положительных аспектов и успехов остаются неразрешенными нижеследующие вопросы касательно регламентации законодательства об административных процедурах.

II. Вопросы развития законодательства, теории и судебной практики

Вопрос - 1. Соотношение административного акта и административного действия.

В новой редакции ЗАП предлагается новая редакция понятий административный акт, административные действия, административно-правовая деятельность.

В этой связи весьма проблемной является старый подход в КоАС, который не отражает административный акт как новую конструкцию административного права. В частности, в соответствии с действующим КоАС от 2018 года, заинтересованное лицо вправе обратиться в суд с заявлением (жалобой) о признании недействительным решения, незаконные действия (бездействия) административного органа, органа самоуправления граждан, их должностных лиц (статья 185 КАС).

Также, согласно пунктам 5 и 6 Постановления Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 24.12.2019 г. № 24, к решению относится акт административного органа или его должностного лица, принятый единолично или коллегиально и порождающий определенные правовые последствия. При этом необходимо учитывать, что решения могут приниматься в письменной (например, решения органов исполнительной власти на местах) или произвольной форме (например, письменное сообщение об отказе в удовлетворении обращения гражданина). Под действиями административных органов и их должностных лиц понимаются юридически значимые распоряжения, которые хотя и не облечены в форму решения, но повлекли нарушение прав и свобод заинтересованных лиц или создали препятствия к осуществлению ими прав и свобод. Под бездействием понимается неисполнение административным органом или его должностным лицом обязанности, возложенной на него нормативно-правовыми и иными актами (должностными инструкциями, положениями, регламентами, приказами).

Исходя из этого предлагается, полностью пересмотреть КоАС и изменить содержание норм административного процесса, учитывая новый институт административного права – административный акт. Также необходимо в дальнейшем поэтапно внести соответствующие изменения в материальное административное право учитывая особенности регламентации института административного акта.

Вопрос - 2. Действительность и недействительность административного акта.

Еще одной проблемой понимания административного акта является вопрос действительности и недействительности административного акта (ничтожность административного акта), а также отмена правомерного и неправомерного административного акта. В действующей редакции ЗАП и КоАС не отражаются эти важные аспекты административного акта. Судебная практика в основном базируется на признании недействительным решения административного органа.

Исходя из этого также предлагается полностью пересмотреть КоАС и изменить содержание норм административного процесса учитывая новый институт административного права – действительность и недействительность административного акта (ничтожность административного акта), а также отмена правомерного

и неправомерного административного акта. Также необходимо внести в КоАС механизм видов административных исков и организовать соответствующие тренинги для судей административных судов исходя из вышеуказанных намечаемых изменений.

Вопрос - 3. Правовые последствия процедурных и формальных ошибок.

Также весьма проблемным является вопрос касательно правовых последствий процедурных и формальных ошибок.

В этом вопросе судебная практика руководствуется пунктом 20 Постановления Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 24.12.2019 г. № 24. То есть, при рассмотрении дела по существу, суду необходимо тщательно исследовать все имеющие значение обстоятельства, в частности, выяснять: соблюден ли административным органом или должностным лицом порядок принятия решения, совершения действия в том случае, если такие требования установлены нормативно-правовыми актами (форма, сроки, основания, процедура и т.п.). При этом следует иметь в виду, что несоблюдение порядка принятия решения, совершения действия может являться основанием для удовлетворения заявления (жалобы) лишь в случае, если данное обстоятельство повлияло на его законность.

В этой связи вспоминается норма ЗАП ФРГ § 46. Последствия процедурных и формальных ошибок. Отмена административного акта – с нарушением правил о процедуре, форме или территориальной компетенции, если очевидно, что нарушение не оказало влияние на принятие решения по делу.

На примере этого вопроса (правовые последствия процедурных и формальных ошибок) можно констатировать важность развития теории и практики административного права совместными усилиями теоретиков и практиков. То есть, судебная практика должна разработать основные критерии признания процедурных и формальных ошибок исходя из смысла теоретических обоснований, которые являются актуальными в контексте Узбекистана.

III. Заключение

Вышеуказанные вопросы дальнейшего развития законодательства об административных процедурах и административного судопроизводства Республики Узбекистан являются очень важными и в большей мере определяют успех нового подхода в понимании административного права. Системный подход и единая судебная практика в данном вопросе является отнюдь немаловажным.

В этой связи хотелось бы также подчеркнуть важность подготовки научных кадров, ученых в сфере административного права. Также немаловажным является подготовка и постоянное повышение квалификаций судей административных судов. Поскольку система административных судов является сравнительно новой для нашей страны, предлагается не переводить судей административных судов в суды общей юрисдикции. Это прежде всего объясняется нехваткой опытных судей в сфере административного права. Также предлагается поощрять продление срок пребывания судей административных судов, поскольку соответствующие навыки приходят после длительной практики работы. Конечно, это также будет содействовать стабильности и последовательности судебной практики.

Немаловажным также является привлечение представителей науки административного права в качестве судей административных судов, особенно, в коллегию по административным делам Верховного суда Республики Узбекистан для более интенсивного развития судебной практики.

Кроме того, предлагается грамотно переводить, объяснять и публиковать соответствующие издания смысла Ежегодников публичного права GiZ на узбекский язык, поскольку узбекский язык является более доступным для большинства специалистов, особенно в регионах нашей страны.

Журабек НЕМАТОВ,

д.ю.н., профессор кафедры административного и финансового права Ташкентского государственного юридического университета, главный научный сотрудник Института государства и права Академии наук Республики Узбекистан

Список использованной литературы:

1. J.Nematov. Ma'muriy huquq faniga kirish: qiyosiy-huquqiy tahlil. O'quv-uslubiy qo'llanma/J. Nematov. – T.: Top Image Media, 2020. – 130 b.; Nematov J.N. Ma'muriy akt – ma'muriy huquqning markaziy instituti: qiyosiy-huquqiy tahlil. Monografiya/J.Nematov. – T.: Top Image Media, 2021. – 196 b.; J.Nematov. Ma'muriy sud ish yurituv (1). Monografiya. – T.: Top Image Media, 2022. – B. 200.; J.Nematov. O'zbekistonda ma'muriy sud ishlarini yuritishning huquqiy asoslari: ilmiy-amaliy tahlil. Monografiya. – T.: PRINT MEDIA, 2022. – B.135.; J.Nematov. Ma'muriy huquq (I qism) : o'quv qo'llanma. – T.: TDYU nashriyoti, 2023. – 352 b.; Ma'muriy sud ish yurituv: darslik Mualliflar jamoasi. – T.: TDYU nashriyoti, 2023. – 496 b.; Ma'muriy tartib-taomillar Bosma Darslik. – T.: TDYU nashriyoti, 2024. – 352 b.; Ma'muriy sud ish yurituv:Darslik Mualliflar jamoasi – T.: TDYU nashriyoti, 2023. – 496 b. (1,2,3-boblar J.Nematov yakka muallifligida). 7-114 betlar (J.Nematov); Ma'muriy sud ish yurituv: Bosma Darslik(Texnikumlar uchun) Mualliflar jamoasi. – T.: TDYU nashriyoti, 2024. – 496 b. (1,2,3-boblar J.Nematov yakka muallifligida) 8-114 betlar (J.Nematov).
2. Конечно, пока рано говорить, что ЗАП является одним из передовых, поскольку анализ данного закона показывает, что ЗАП можно относить к первому поколению законов об административных процедурах. См.: Javier Barnes. Towards a third generation of administrative procedure. \ Susan Rose-Ackerman, Peter L.Lindseth. Comparative administrative law: an introduction. // Comparative Administrative Law. Susan Rose-Ackerman, Peter L.Lindseth. Edward Elgar 2010. P 342-343.
3. Пуделька Й. Право административных процедур и административно-процессуальное право в государствах Центральной Азии – краткий обзор современного состояния. Ежегодник публичного права-2015: Административный процесс. М.: Инфотропик Медиа, 2015. С. 63.
4. See.: Shigeru Kodama. Reform of Administrative Procedure in Uzbekistan and Japanese Legal Assistance.// Administrative law reform in Uzbekistan experiences and problems from the legal viewpoint. Collection of seminar papers. Nagoya, 2008. P. 5; Katsuya Ichihashi. Japanese approach to legal assistance to administrative procedure law in Uzbekistan// Administrative law reform in Uzbekistan experiences and problems from the legal viewpoint. Collection of seminar papers. Nagoya, 2008. P. 35; Hiroto Tokuda. Cooperation between Japan and Uzbekistan in the sphere of implementation of administrative procedure law// Administrative law reform in Uzbekistan experiences and problems from the legal viewpoint. Collection of seminar papers. Nagoya, 2008. P. 47. См.: Пуделька Й., Денне Й. Общее административное право в государствах Центральной Азии – краткий обзор современного состояния. Ежегодник публичного права-2014: Административное право: сравнительно-правовые подходы. М.: Инфотропик Медиа, 2014. С. 4; Хамедов И.А., Цай И.М. Институт административных процедур в свете реформирования административно-процессуального права в Узбекистане. Ежегодник публичного права-2014: Административное право: сравнительно-правовые подходы. М.: Инфотропик Медиа, 2014. С. 395.; Хван Л.Б. Фиктивный административный акт: перспективы регуляции в странах Центральной Азии // Ежегодник публичного права 2016: Административный акт. – М.: Инфотропик Медиа, 2015. – С. 129-130.
